



ИСЛОМ КАРИМОВ

**ЭРИШГАН МАРРАЛАР БИЛАН
ЧЕГАРАЛАНМАСДАН, БОШЛАГАН
ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНГИ
БОСҚИЧГА КЎТАРИШ—
БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ
ДОЛЗАРБ ВАЗИФАМИЗДИР**

23

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2015



УЎК: 323(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

К 25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 23-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2014–2015 йилларда мамлакатимиз парламенти палаталари, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездида, турли халқаро анжуманларда, маросимларда сўзлаган нутқ ва маърузалари, табриклари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувлардаги чиқишларининг қисқа баёни ўрин олган.

ISBN 978-9943-28-360-2

ISBN 978-9943-28-360-2



© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ
ЙИЛЛИҒИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун халқимиз она юртимизнинг буюк тарихидаги ҳақиқатан ҳам биз учун энг улуғ, энг азиз бўлган Ватанимиз мустақилликка эришган куннинг йигирма уч йиллик байрамини катта шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу қутлуғ айём билан сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барча-барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз юртдошларим, кадрдонларим!

Биз ўта оғир, машаққатли синов ва курашларда қўлга киритган Ватанимизнинг Мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, барчамизнинг ҳаётимизда чуқур из қолдирган, биз босиб ўтган тарихан қисқа даврда нималарни бошимиздан кечирдик, нималарга эришдик, таъбир жоиз бўлса, «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган фикрмулоҳазалар беихтиёр ҳаёлимиздан ўтиши табиийдир.

Мустақиллик, истиклол деган улуғ неъмат авало халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, кадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир.

Мустақиллик биз учун – бу ўз тақдиримизни қўлга олиб, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, беқиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни амалга ошириш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш демакдир.

Кечаги мустабид тузумда яшаган инсонлар яхши билади: ўша пайтда Ўзбекистон деган гўзал бир диёрни, ўзбек деган буюк бир халқни ким танирди? Бизни мустақил давлат сифатида ким тан оларди?

Юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, азиз-авлиёлар, буюк алломалар, олим ва мутафаккирлар ватани эканини, биз қандай бетакрор мерос, қандай улуғ зотларнинг вориси эканимизни ким биларди?

Миллий кадр-қимматимизни, барчамиз учун муқаддас диний қадриятларимизни, урф-одатларимизни писанд қилмасдан, улар аёвсиз топталган замонларда бундан ортиқ алам ва бедодлик бўлиши мумкинмиди?

Ўзбекистонимиз фақатгина хомашё етказиб берадиган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган ўлкага айлантирилган, собиқ СССР таркибида энг қолоқ аграр республика эмасмиди?

Халқимизни боқиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан, кимларгадир ялиниб олиб келганимизни унутиб бўладими?

Эски тизим ҳукмронлик қилган охирги кунларда юртимизда атиги бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолганини, деярли очарчилик ёқасида турганимизни унутиш мумкинми?

Лекин мустабид тузум қандай адолатсизлик, зулм ва зўравонлигини ўтказмасин, халқимиз ўзлигини, иймон-эътиқодини, дину диёнатини асло йўқотмади ва бошимизга қандай оғир ва машаққатли синовлар тушмасин, ўз кадр-қимматини юксак сақлаб келмоқда. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини истардим.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун истиқлолимизнинг йигирма уч йиллик тўйини ўтказар эканмиз, биз танлаган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кириш йўлида амалга оширган ишларимизни баҳолар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан:

юртимизда яшаётган ҳар қайси ёшу қари инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бошини баланд кўтариб, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги оламшумул ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб айтишга ҳақлидир.

Ҳақиқатан ҳам, биз қўлга киритган ютуқлар — миллий давлатчилик қурилиши, кенг қўламли замонавий ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз эришган барқарор ўсиш суръатлари, аҳолимизнинг турмуш даражаси ва сифати юксалиб, юртимиз қиёфаси тобора ўзгариб, чирой очиб бораётгани — буларнинг барчаси халқаро майдонда муносиб тан олинаётгани, обрў-эътиборимиз ошаётгани ҳаммамизга катта ифтихор бағишлайди.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошганининг далили бўлмиш одамларимизнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани юртимизнинг қисқа даврда кечаги, ўзини боқишга қурби етмаган республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий давлатга айланганининг яққол тасдиғидир.

Мана шу ютуқларнинг барчасини шу майдонда ўтирган сиз азизлар, сизларнинг тимсолингизда меҳнаткаш, фидойи халқимиз ўз қўли билан

яратиб, бугун мустақиллигимизнинг 23 йиллик қутлуғ байрамини ғурур ва ифтихор билан кутиб олаётгани энг юксак баҳоларга муносиб эмасми?!

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиётининг йиллик ўсиши охириги 10 йил давомида 8 фоиздан ошиб, барқарор ривожланиб бораётганини бугунги кунда камдан-кам давлатлар мисолида кўриш, кузатиш мумкин.

Мамлакатимизни мана шундай юксак суръатлар билан ривожлантириш, модернизация қилиш ва кенг кўламли ислохотларни жорий этиш мақсадида иқтисодиётимизда ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 180 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бунинг 60 миллиард доллардан зиёди хорижий сармоялардир.

Ана шу инвестициялар ҳисобидан аввало иқтисодиётимизнинг таркибини тубдан ўзгартириш, юксак технологияларга эга бўлган, ҳавас қилишга арзийдиган замонавий корхоналар қуриш, жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, Ўзбекистон салоҳиятини янги босқичга кўтариш имконияти яратилганини кўп-кўп мисолларда кузатиш қийин эмас, албатта.

Айни шу йилларнинг ўзида аҳолимизнинг сони 10 миллион 300 минг кишига кўпайиб, бугунги кунда 31 миллион кишини ташкил этаёт-

гани Ўзбекистонимизнинг инсоний салоҳиятини ошириб, янги босқич ва марраларга эришиш учун нафақат мустаҳкам замин туғдирмоқда, керак бўлса, бошқаларни биз билан ҳисоблашишга мажбур қилмоқда.

Азиз юртдошларим!

Биз эски, ўзини оқламаган тизимдан янги тизимга ўтишда, бунинг учун мустаҳкам пойдевор – фундамент қуришда шошилганимиз йўқ. Яъни биз «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳикматли иборага итоат қилдик.

Биз танлаб олган тадрижий, эволюцион йўл – мақсад-муддаоларимизга босқичма-босқич, қадам-бақадам етиш йўлини ўзимизга маъқул топдик, уни катта синовлардан ўтказдик.

Йиллар ўтиши билан, олдимизга қўйган буюк мақсадлар сари юришимизда чуқур ва атрофлича ўйланган, халқаро майдонда «ўзбек модели» деб тан олинган демократик ислоҳотлар йўли нақадар тўғри эканини ҳаётимизнинг ўзи оқлаб, исботлаб бермоқда ва бу ҳақиқатга бизга хайрихоҳ бўлмаган мутахассис ва экспертлар, тегишли халқаро институтлар ҳам иқрор бўлмоқда.

Шулар ҳақида гапирганда, мамлакатимиз тараққиётида янги босқич ва уфқларни забт этишда барчамизни қувонтирадиган, энг катта мезон аввало юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-

оқибат муҳити, ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллиги, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш учун амалга ошираётган ишларимиз ўз ҳосилини бермоқда ва шу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиман – бу соҳада эришган марраларимиз билан биз ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпгина наман деган давлатлардан ўзиб кетганимизни энг муҳим ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

Бир пайт билдирган фикримни яна такрор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали орқададирмиз. Лекин биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг енгилмас куч ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай халқни енгиб бўладими?

Бу ҳақда сўз юритганда, бошлаган ишларимизнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларимизни ўз фикрига, ўз қарашларига эга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, эртанги кунимизнинг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги давр талаб қиладиган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш ма-

саласига ўз вақтида устувор аҳамият бериб, уни умуммиллий даражага кўтарганимиз – энг тўғри, узоқни кўзлаган, ҳаётимизда ўзини тўла оқлаган тарихий қадам бўлди.

Бир фараз қилайлик, биз бундан 17 йил олдин таълим соҳасини мутлақо ўзгартирган, янги, замонавий босқичга олиб чиққан дастурларни қабул қилмасак, бугун тез ўзгараётган глобаллашув даври, ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган Интернет асрининг ўткир ва мураккаб талабларига муносиб жавоб бериш, мамлакатимизнинг тараққиётини, истиқболини таъминлаш, биз кўзлаган, келажаги буюк давлат қуриш деган улуг мақсадни олдимизга қўйиш мумкинмиди?

Азиз болаларим, кадрдонларим!

Бугун мана шу муҳташам майдонда жамулжам бўлиб ўтирган сиз, ёш авлодимиз вакилларига, менинг фарзандларим бўлмиш бутун Ўзбекистон ёшларига қалбимда, юрагимда бўлган бир фикр-ни айтмоқчиман: ҳар қачон сизлар билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, навқирон қадди-қоматингизни, сизлар эришаётган ютуқларни кузатганда, кўпчилик қатори мен ҳам ўзимда худдики қанот пайдо бўлгандек ҳис этаман.

Сизлар қаерда, қайси соҳада бўлмасин – билим олиш, илму фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес

соҳасини ривожлантиришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шуҳратини тараннум этишда барчага намуна бўлаётганингиз, сўзсиз, ҳаммамизни қувонтиради.

Бунинг яққол тасдиғини куни кеча Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз қатнашиб, 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, ҳаммаси бўлиб — 10 та медални қўлга киритгани бутун Ўзбекистонимиз ёшларининг мустакилликимизнинг 23 йиллик байрамига улкан ҳиссаси бўлди, десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, 28 нафар навқирон ўғил-қизларимиз ана шундай нуфузли халқаро мусобақада ҳеч кимга бўш келмасдан, азму шижот кўрсатиб, илгари биз тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган шундай улкан марраларга эришган экан, бу бутун Ватанимизнинг ютуғи эмасми?

Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман.

Ёшлар ҳақида қанча гапирсам, чарчамайман. Бу ҳақда гапирганда, очиғини айтсам, ўзимни ҳам худди яшариб кетгандек ҳис қиламан.

Бугун биз бошлаган улуг ишларнинг давомчилари бўлмиш мана шундай йигитлар,

қизларимизни, уларнинг бахту камолини кўриб, шундай гўзал юртда, шундай ёруғ, мусаффо осмон остида яшаш насиб этганига барчамиз шукроналар айтамыз. Бундай бахтли ҳаётни халқимиз асрлар, минг йиллар давомида ҳавас ва орзу қилиб яшаган эди. Бизни мана шундай саодатли кунларга Худо етказяпти. Ҳар тонгда пок бўлиб, чин дилдан сўрасак, Яратганимизнинг ўзи албатта йўлимизни очиб беради. Ва Оллоҳнинг назари тушган мана шу муқаддас юртда ҳеч ким ҳеч қачон кам бўлмайди, иншоолло.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳозирги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, яқин ва узоқ атрофимизда экстремизм ва терроризм, қарама-қаршилик, қон тўкилиши, хавф-хатарлар ортиб, умуман, вазият тобора кескинлашиб бораётгани барчамизни хавотир ва ташвишга солиши табиийдир.

Минг афсуски, бундай қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятлар ўз ечимини топиб, камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда.

Бундай ўта нотинч, таҳликали шароитда энг муҳим масала — бу ҳам бўлса, қаерда, дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, энди бошланаётган қарама-қаршилик ва пайдо бўлаётган можароларни эътиборсиз қолдирмаслик, улар урушга айланиб кетишининг олдини олиш учун вазият доимо жаҳон ҳамжамияти назоратида бўлиши даркор.

Ўзбекистоннинг позицияси бундай ҳолатлар, кескин зиддият ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида муҳрлаб қўйилган асосий принципларга ва халқаро нормаларга иттифоқ қилган ҳолда, давлатларнинг суверенитети ва чегараларнинг дахлсизлигини бузишга, зўравонлик ва куч ишлатишга йўл қўймасликдан иборатдир.

Мана шундай ўта мураккаб вазият барчамиздан аввало огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлишни талаб қилмоқда.

Яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тил топиб, бизларни бирлаштирадиган умумий мақсадлар йўлида ҳамкорликни янада кучайтириш, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш устувор вазифамиз бўлиб қолишини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Бизга тинчлик ва омонлик керак. Мана шундай эзгу фикр, эзгу интилиш барча-барчамизнинг юрагимиз, қалбимиздадир, десам, айтиш ҳақиқатни айтган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг бугунги энг улуғ, энг азиз байрамимизга ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларимизга, хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириш менга катта мамнуният етказди.

Сизларнинг Ўзбекистонга доимо хайрихох бўлиб, амалий ёрдам кўрсатиб келаётганингиз учун халқимиз номидан чин қалбимдан миннатдорлик билдираман, барчангизга сиҳат-саломатлик, юртингизга равнақ тилайман.

Муҳтарам ватандошларим, кадрдонларим!

Шу мунаввар окшомда барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан табриклар эканман, ҳаммангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу борака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2014 йил 31 август

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА
АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ
КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН
МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ**

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Авваламбор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари, ШХТда қулатувчи мақомига эга бўлган давлатлар раҳбарлари ва мазкур саммитга таклиф этилган меҳмонларга ўзимнинг самимий ҳурматимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, Тоҷикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонга самимий меҳмондўстлик ва бугунги учрашув юксак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бугун бу ерда давлат раҳбарлари томонидан ШХТнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти юзасидан билдирилган фикрларга қўшиламан. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нисбатан қисқа даврда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутаётган нуфузли халқаро тузилмага айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Кейинги вақтда, дунёнинг турли жойларида қарама-қаршилик ва кескинликлар кучайиб бораётган бир шароитда ташкилотга

аъзо мамлакатлар, шунингдек, кузатувчи давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафик ҳамда бошқа хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

ШХТнинг Миллий координаторлар кенгаши, Хавфсизлик котиблари ва экспертлар кенгаши даражасида амалга оширилаётган улкан ишларни ҳам алоҳида қайд этишни истардим.

Мухтарам давлат раҳбарлари!

Имкониятдан фойдаланиб, қуйидаги масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун Афғонистонда юзага келаётган вазият сурункали беқарорлик хусусияти ва янада кескин тус олиш тенденциясига эга. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, афғон муаммосини бартараф этишдан манфаатдор бўлган барча томонлар бир масалада яқдилдир, яъни Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчликка эришиб бўлмайди.

Афғонистонда уруш йилларида тинч ҳаёт ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган бутун бир авлод вояга етди. Жорий йилнинг июнь ойида Афғонистонда ўтказилган президент сайлови шунини кўрсатдики, афғон халқи тўхтовсиз қон тўкиш ва зўравонликдан, кўп йиллик қашшоқлик, вайронагарчиликдан чарчади ва бугунги кунда

мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишни истайди.

Айни пайтда сайловчиларнинг овозини қайтадан санаш ва Афғонистон президентлигига сайлов натижаларини эълон қилиш ва давлатнинг янги раҳбарининг ўз вазифасини бажаришга расман киришиш жараёни чўзилаётгани мамлакатда келгусида барқарорликка эришиш борасида кучли хавотир уйғотмоқда.

Афғонистонда воқеаларнинг бу тарзда ривожланиши мамлакатда ички сиёсий вазиятни бутунлай издан чиқариши, миллий хавфсизликка ва қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш истиқболлариға реал хавф солиши, музокаралар жараёнида муросага эришиш, ўзаро курашаётган барча томонлар ва Афғонистондаги миллий-диний гуруҳлар вакилларида ташкил топиши мумкин бўлган коалицион ҳукуматни шакллантиришга ҳалақит бериши мумкин.

Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши таҳдидларнинг кучайиши ва беқарорликнинг ўсишига, террористик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайишиға ҳамда наркотрафик кўламининг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан узоқ бўлган ҳудудларда ҳам ортишига олиб келишини ўзимизга тасаввур қилишимиз керак.

Бундай вазиятда Афғонистонда юзага келади-
ган ҳар қандай бўшлиқни қисқа муддатда турли
бузғунчи ва террористик гуруҳлар эгаллаб олиши
мумкин.

Оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган бун-
дай шароитда айрим сиёсий кучлар ва уларни
қўллаб-қувватлайдиган давлатларнинг Афғонис-
тонда тартибсизликни юзага келтириш ва вазият-
ни янада чигаллаштиришга уринишларини инкор
этиб бўлмайди. **Қисқача айтганда, Ироқдаги
бугунги вазият такрорланади.**

Ўзбекистон Афғонистон билан ўзининг
барқарор ва дўстона муносабатларини ҳар икки
мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб
чиқиб ва фақат икки томонлама ҳамкорлик асосида
ўрнатмоқда ва бундан кейин ҳам шундай йўл тута-
ди. Афғон халқининг ўзи сайлайдиган ҳукуматни
қўллаб-қувватлайди.

Дунё иқтисодиётида юзага келаётган аҳволни
таҳлил қилар эканмиз, халқаро молиявий-
иқтисодий инқирознинг жиддий оқибатлари ҳали
тўлиқ бартараф этилмаган, деб айтиш учун барча
асосларимиз бор.

Ҳеч шубҳасиз, бундай тенденция ШХТ фаоли-
ятида иштирок этаётган барча мамлакатлардаги
вазият ва улардаги ривожланиш суръатларига бе-
восита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда ташкилотга аъзо давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аниқ амалий натижаларга эришиш учун иқтисодиёт, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларида минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб берадиган кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш вазифаси алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу вазифани амалга оширишда Хитой Халқ Республикаси ва унинг Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор» ташкил этиш борасидаги ташаббус муҳим ўрин тутadi, деб ҳисоблаймиз. Мазкур коридор минтақадаги барча мамлакатларнинг узoқ муддатли иқтисодий, айниқса, трансминтақавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги манфаатларини илгари суришга, нафақат ушбу лойиҳа иштирокчилари, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва иқтисодий салоҳиятини сезиларли равишда кучайтиришга кўмаклашади.

Украинадаги муаммони бартараф этиш бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни қисқача баён этишни истардим.

Биринчи. Украинадаги муаммони тинч йўл билан ҳал этиш бўйича Минск шаҳрида эришилган келишувларни, Украина ва Россиянинг ушбу маса-

ла юзасидан билдирган таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Иккинчи. Ишончим комилки, Ўзбекистон томонидан шу йилнинг 4 мартида Украинадаги қарама-қаршиликка барҳам бериш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича Украина ва Россия ўртасида **тўғридан-тўғри музокара жараёнини** ўтказиш юзага келган вазиятни ҳал этишнинг энг макбул ва самарали йўли экани ҳақида билдирилган таклифлар долзарблигича қолмоқда ва бугун ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Учинчи. Украинадаги муаммо юзасидан ҳар қандай музокара жараёнларида Россиянинг тарихан кўп асрлар давомида шаклланган азалий манфаатлари ҳам эътиборга олиниши даркор.

Ушбу манфаатларни эътиборга олмаслик жиддий хато бўлган бўлур эди.

Фурсатдан фойдаланиб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинни ШХТга навбатдаги муддатга раислик билан табриклаб, ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

2014 йил 12 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввало, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклаб, барча-барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун биз мана шу қутлуғ айёмни кенг нишонлар эканмиз, сиз, азизларнинг болаларимиз, ёш авлодимизга билим ва тарбия беришдек ўта мураккаб, ўз касбига меҳр ва садоқатни, бутун борлигини бағишлашни, фидойиликни талаб этадиган шарафли меҳнатингиз учун сиз, муҳтарам муаллимлар зоти олдида барчамиз чин қалбимиздан, юрагимиздан сизларга миннатдорлик билдиришни ўз бурчимиз деб биламиз.

Айни шу фикрларни, яъни фарзандларимизни камол топтириш, уларга илму фан сирларини ўргатишдек ғоят масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган олижаноб меҳнатини инобатга олиб, бундан 18 йил муқаддам Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз ва уни умумхалқ байрами даражасига кўтарганимиз жамоатчилигимиз,

бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этади, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз устозлар, муаллимлар!

Дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча ғурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш йўлида, жумладан, энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида ғоят муҳим масалани ечишда, яъни, биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳақиқатан ҳам қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз, аввал тажрибамизда мутлақо кўрмаган марраларни забт этишга қандай катта меҳнатимиз сингганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Таълим соҳасидаги ноёб дастурларимизнинг ижроси қанча куч ва имконият, қанча маблағни талаб қилгани – бу ўз йўли билан, лекин мана шундай улкан ва улуғвор ишларни амалга оширишда айнан сизлар ўзингизни аямасдан, сидқидилдан меҳнат қилганингиз ҳисобидан биз юртимизда бу соҳада туб бурилиш ва ўзгаришларга ҳам назарий, ҳам амалий пойдевор яратдик.

Қанча-қанча янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларни ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш, уларни ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талабанинг онгу шуурига сингдириш учун бутун соҳа ходимлари, сиз, ҳурматли муаллим ва устозлар бу мактабдан аввало ўзингиз ўтганингиз, беминнат хизмат қилиб келаётганингизни ҳақиқий фидойилик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мамлакатимиз, давлатимиз учун ҳал қилувчи мураккаб бир даврда сизлар билан бирга таълим соҳасини тубдан ўзгартириб, замон талаб қилаётган даражага кўтаришга эришганимизни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, бу йўлда сиз, азизларнинг қандай қийин бўлмасин, қатъиятлик ва фидойилик кўрсатганингизни, бу буюк мақсад учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилганингизни мен чинакам жасорат деб баҳолайман ва мана шундай олижаноб фазилатларингиз учун барча-барчангизга таъзим қиламан.

Қадрли ватандошлар!

Ҳар бир инсон, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, шу мақсадда минглаб замонавий ўқув масканлари, болалар спорти иншоотларини барпо этганимиз, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишлар, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизим ишлаб чикиб, амалда татбиқ этганимиз ва бошқа кўпгина чора-тадбирлар бугун ўз ижобий натижасини бермоқда. Хусусан, биргина сўнгги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамизга аёнки, бугунги глобал интеграциялашув шароитида, кундалик ҳаётимизга компьютер технологиялари ва Интернет тизими жадал кириб келаётган бир пайтда хорижий тилларни ҳар томонлама пухта эгалламасдан туриб, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўтган йилдан эътиборан умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб чет тилларни ўқитишнинг узлуксиз тизими жорий қилингани янги амалий қадам бўлди. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этиш, кутилган самарага эришиш учун аввало мавжуд ўқув-методик базани мустаҳкамлаш, дастур ва қўлланмаларни янада такомиллаштириш, педагог ходимларнинг билим ва малакасини ошириш зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, таълим масканларида «Ziynet» тармоғи ёрдамида ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази фаолиятини кучайтириш, ўқув адабиёти ва қўлланмалари электрон турларининг илмий-услубий савиясини юксалтириш муҳим вазифамиздир.

Айни шу йўналишдаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида жорий йилда Жанубий Кореянинг дунёда ном қозонган нуфузли Инха университетининг Тошкент филиалини, шунингдек, таълим соҳаси билан боғлиқ бўлган янги ўқув ва малака ошириш марказларини ташкил этганимиз ёшларимиз учун янги имконият ва янги уфқлар очиб бериши муқаррар.

Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кўпайиб, инсон қалби ва онгини эгаллаш, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий оламини издан чиқариш, уларни ўз ота-онасига, эл-юртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек асрашда, авваламбор, болаларимизни мустақил фикрга эга бўлиб, оқни қорадан ажратишга қурби етадиган инсонлар этиб, бир сўз билан айтганда, ёшларимизнинг иродасини мустаҳкам ва бақувват қилиб тарбиялашда сиз, мухтарам ўқитувчи ва мураббийлар бундан буён ҳам куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни аямайсиз, деб ишонаман.

Азизларим, кадрдонларим!

Давлатимиз, жамиятимиз сизларнинг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган катта ҳиссангизни, масъулиятли фаолиятингизни юксак баҳолайди ва кадрлайди. Бу масала келгусида ҳам доимий эъти-

боримиз марказида бўлиб қолади, деб ишонтириб айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, эзгу ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 30 сентябрь*

**БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ
ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ
ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

Муҳтарам жаноб Талеб Рифаи!
Ҳурматли форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни — Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқларини, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм саноати вакилларини қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириш, Ижроия кенгашнинг 99-сессиясига самарали ва муваффақиятли иш олиб боришни тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Авваламбор, Ўзбекистон Президентини мана шундай қарсаклар билан, очиқ юз билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олганингиз учун сизларга катта раҳмат айтмоқчиман. Бунга жавобан мен ҳам сизларни айнан Самарқандда, Ўзбекистонда кўриб турганимдан чин дилдан хурсанд эканимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Сизлар бизнинг заминимизга ташрифингиздан мамнун ва рози бўлсангиз — бу менинг энг катта

тилагим, десам, айни кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Бугун бу залда 150 дан ортиқ туризм саноати вакиллари ҳозир бўлганидан хабардорман. Бу анжуманда, шунингдек, бизнинг дўстларимиз — Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатлар ҳам иштирок этмоқда. Улар бизнинг меҳмонларимиз билан биргаликда барча муҳим анжуман ва тантанали маросимларимизда доимо қатнашиб келишади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби жаноб Талеб Рифаи ва кенгашнинг барча аъзоларига мазкур кенгашнинг навбатдаги сессияси мажлиси ўтказиладиган жой сифатида турли маданиятлар чорраҳаси ва жаҳон цивилизацияси дурдонаси бўлмиш қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрини танлагани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Самарқанд шаҳрининг тарихий аҳамияти, унинг бекиёс гўзаллиги ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Салкам уч минг йиллик ғоят бой тарихга эга бўлган бу азим шаҳар ўзининг улуғвор меъморий ёдгорликлари, мовий гумбазлари, бетакрор шарқона қиёфаси ва руҳи билан саёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортиб келади.

Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Яқинда Американинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган «Хаффингтон пост» интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳарлар рўйхатига киритди.

Ўзида энг қадимги даврлар ва бугунги ҳаётни узвий равишда уйғунлаштирган ушбу шаҳарда туғилиб вояга етган инсон сифатида сиз, азиз меҳмонларимизни мана шу меҳмондўст заминда кўриш ва бутун Самарқанд аҳли номидан, шахсан ўз номидан «Самарқандга хуш келибсиз!» деб айтиш менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг бугунги сессияси мажлисининг асосий кун тартиби ғоят муҳим масалага – «Буюк Ипак йўли – халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари» мавзусига бағишланган.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо қарвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташ-

ган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи милоддан аввалги икки мингинчи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўҳна Рим ва Бобилнинг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Шу ўринда биз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаганимизни айтиб ўтиш жоиздир.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, ҳунармандлик ва савдо-сотиқ кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмо-

логия ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса – Буюк Ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган. Милоддан олдинги III–II минг йилликлардаёқ вужудга келган коммуникация тармоқлари Месопотамия текисликларидан Ҳинд водийсигача, Ўрта Осиё воҳаларидан Араб денгизигача чўзилган бепоён Ўрта Шарқ минтақасидаги бир-биридан жуда узоқдаги маданиятлар ва мамлакатларни боғлаган. Кейинчалик ана шу ҳудудлар Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Савдо-сотик алоқаларининг кенгайиши аҳолининг кўчиб юришига сабаб бўлган. Улар ўзлари билан бирга меъморлик, маданият ёдгорликлари, нумизматика ва ҳунармандлик маҳсулотларида акс этган ўз урф-одатлари ва дунёқарашини ҳам олиб келган.

Ўша замонларда энг юқори даромад келтирадиган ва сотиш мақсадида узоқ масофаларга ташиш учун энг қулай товар ипак бўлган. Бундан ташқари, Буюк Ипак йўли орқали яна кўплаб бошқа товар ва буюмлар, жумладан, чинни, ойна, шиша, гилам, металл, қурол-яроғ, турли тақинчоқлар, чой, зира-

ворлар, шунингдек, машҳур хитой қоғози ташилган.

Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Айнан маърифий туризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва менинг назаримда, бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим қадриятларидан бирига айланмоқда.

Бугун биз туризмнинг ўрни ҳақида, айниқса, халқаро сайёҳликнинг ҳозирги босқичдаги аҳамияти ҳақида гапирганда, энг долзарб масалалардан бири – бу толерантлик тамойили бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз айнан туризм орқали толерантлик нима эканини биламиз, англаймиз. Бу халқаро тушунча бўлиб, дунёдаги барча миллатларга бирдек қадрли ва тушунарлидир. Толерантлик авваламбор турли миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишини ва энг асосийси, бир-бирини тушунишни англатади.

Бу икки тушунчани ана шундай англаш қаердаки туризм ривожланган бўлса – ўша ерда толерантлик бор, деб айтишга имкон беради, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Буларнинг барчаси турли даврларда Буюк Ипак йўли бўйлаб ўтган машҳур саёҳатчи ва тадқиқотчиларнинг кундаликларида ўз ифодасини топган. Бу инсонлар турли миллат вакиллари бўлганлар, хусусан, хитойлик Чжан Цянь, италиялик Марко Поло, испаниялик Клавихо, арабистонлик Ибн Фадлан ва Ибн Баттута, америкалик Пампелли, англиялик Женкинсон, германиялик Шильтбергер, франциялик Мартен ва Бонвало, венгриялик Вамбери, швециялик Хедин ва швейцариялик Майяр шулар жумласидандир. Уларнинг орасида турли касб эгалари – зиёратчилар, миссионерлар, савдогарлар, олимлар, дипломатлар, тадқиқотчи ва адиблар бўлган. Уларнинг ҳар бири халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихига салмоқли ҳисса қўшган ва бунинг учун биз улардан бениҳоя миннатдормиз.

Самарқанд шаҳридаги деворий расмларда Ўрта Осиёга дунёнинг турли ўлкаларидан келган элчилар, савдогар ва саёҳатчиларнинг ташрифи ўз аксини топган. Бу ноёб тарихий асарда бундан 2,5 минг йилдан зиёд аввалги даврда Афросиёб ҳукмдорининг саройида Хитой, Корея, Жанубий

ва Шимолий Осиё ва бошқа давлатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари тасвирланган.

Шунинг учун ҳам 20 йил аввал Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатларнинг Самарқанд декларацияси айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилингани бежиз эмас. Ушбу ҳужжатда 2–2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқалар билан боғлаган мана шу қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи баён қилинган эди.

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 2004 йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ипак йўлидаги минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган ва ҳар томонлама тўғри қарор, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривожи йўлида турли муаммолар туғдириб, унинг олдига янги-янги талаблар қўяётганини, табиийки, биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган **энг муҳим омиллар**, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Халқаро терроризм ва экстремизм, тобора авж олиб бораётган радикализм, маҳаллий урушлар ва бир жойдан иккинчи жойга боришда хатарлар пайдо бўлаётгани туризмни ривожлантириш борасидаги ҳар қандай саъй-ҳаракатни йўққа чиқарадиган тўсиққа айланганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ ва биз буни аниқ мисолларда кўряпмиз.

Ана шу сабаблар оқибатида кечагина туризм гуркираб ривожланган мамлакатларда бугун сайёҳлар оқими кескин камайгани ёки бутунлай тўхтаб қолгани ҳақида мисоллар келтиришнинг зарурати бўлмаса керак – ҳамиша, таъбир жоиз бўлса, сайёҳлар оқимининг чорраҳаси бўлиб келган айрим Яқин Шарқ мамлакатлари мисолида буни кўриб турибмиз.

Ўзингиз қаранг, Сурия ва Ироқда, дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган, бизнинг аждодларимиз, масалан, Муҳаммад Хоразмий фаолият кўрсатган, «Байтул ҳикма», яъни «Ҳикматлар

уйи» деб ном олган жаҳондаги биринчи академия ташкил этилган Бағдодда бугунги кунда туризм борми?

Ҳозирги вақтда Бағдод қандай аҳволда, Дамашқ ва бу минтақадаги бошқа шаҳарлар қандай аҳволда? Бундай ҳолатнинг сабаби эса фақат битта: аввалги ёдгорликлар, музейлар сақланиб қолган, аммо сайёҳлар учун кафолат йўқ, хавфсизлик йўқ. Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда эса ҳеч қандай сайёҳлик бўлиши мумкин эмас. Бу ёдгорликларни кўриш учун ким жонини хавф-хатарга қўяди? Агар ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугунги кунда тинчлик-осойишталик ва турли халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш қандай ҳал қилувчи омил эканини барчамиз яхши биламиз.

Иккинчи муаммо, туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошиб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Бу ҳақиқатни жаҳонда туризмга талабнинг асосий ўсиш кўрсаткичлари ривожланаётган давлатлар, биринчи навбатда, Осиё мамлакатларининг жадал суръатлар билан юксалиб бораётган иқтисодиётида шаклланаётгани ҳам тасдиқлайди. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, унинг кўрсаткичлари туризмда бамисоли кўзгудагидек ўз аксини топмоқда.

Учинчидан, бугунги кунда халқаро туризм ўрта синф учун дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиб бормокда.

Шундай бир қонуниятни кўриш, кузатиш қийин эмас – қайси мамлакатда ўрта синф қатлами қанча кўп ва кенг бўлса, унинг сайёҳлик салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бу борада ўрта синфга мансуб одамларнинг жуда ҳаракатчан ва тадбиркор бўлиши, уларнинг янгиликларни излаб яшашга, ўз қобилияти ва имкониятларини амалга оширишга интилиши муҳим ўрин тутди.

Тўртинчидан, сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, замонавий ахборот технологияларининг жорий этилгани – биз ҳар қадамда дуч келадиган масалаларнинг ҳаммаси бу борада катта аҳамиятга эга.

Бешинчидан, мазкур соҳада кўп нарса туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар даражасига боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағларини ва мазкур соҳага маблағ сарфлаши учун хусусий капитал ва бизнесга давлат томонидан зарур имтиёз, преференция ва рағбатлантирадиган омиллар яратилишини, инфратузилма, меҳмонхона хўжалиги,

транспортни ривожлантириш, замонавий алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлашни ўз ичига олади.

Сайёҳлик комплексларини барпо этиш, тарихий объектлар, турли давр ва маданиятларга оид архитектура ва санъат ёдгорликларини ўрганиш ва асраб-авайлаш, сайёҳлик логистикасини ривожлантириш биринчи навбатда айна шу йўналишдаги ишларга боғлиқ.

Олтинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Бугун сизлар бизнинг бир нечта коллеж ва лицейларимиз, хусусан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей билан танишдингиз. Жумладан, жаноб Рифаи ҳам бу таълим масканида бўлди. Мен хурсандманки, бизнинг ёшларимиз, фарзандларимиз азиз меҳмонларимизни муносиб кутиб олиб, ўзларининг билими ва қобилиятлари, замонавий касб-ҳунарларни, хорижий тилларни қандай пухта ўзлаштираётгани билан сизларда катта таассурот уйғотди.

Мен бутун Ўзбекистон болаларини ўзимнинг болаларим деб атайман. Шу маънода, мен дунёдаги энг бой инсонман. Мазкур лицей ўқувчилари Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби олдида ўз истеъдод ва қобилиятларини намоён этишган. Айни вақтда сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, бу ёшлар яна кўп нарсаларга қодир.

Еттинчидан, виза масаласини ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмийликларни соддалаштириш, хусусан, сайёҳлик фирмалари фаолияти учун зарур молиявий қаролатлар бериш ҳозирги босқичда халқаро туризмни жадал ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Бундай қаролатларнинг йўқлиги кўплаб сайёҳлик операторларининг обрўсига путур етказаётгани, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг жозибадорлиги йўлида жиддий ғов бўлаётганини биз баъзи мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сайёҳлар бошқа омиллар қаторида ўзлари истаган мамлакатга бориш учун тартиб-қоидаларнинг оддий ва қулай бўлишига, бу борадаги барча зарур расмийлаштирув ишларини тез ва арзон нархда амалга ошириш имкониятига ҳам эътибор қаратмоқда.

Бу йўналишда электрон технологияларни жорий этиш, виза олиш муддатининг имкон қадар

қисқа бўлиши, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш, интернет орқали «онлайн» режимида сайёҳлик йўналишлари ва меҳмонхоналарни олдиндан банд қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сайёҳлар оқими ва умуман, ҳар бир сайёҳнинг кайфиятини белгилайдиган ана шундай энг муҳим шарт ва кафолатлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Аминманки, бу борада, яъни, туризм соҳаси ва сайёҳлик бизнесида майда нарсанинг ўзи бўлмайди.

Сайёҳнинг кайфияти туристларни қабул қиладиган ҳар қандай мамлакатнинг, айтиш мумкинки, асосий бренди, яъни, товар белгиси бўлиши керак. Агар одамлар бизнинг диёримизга яхши кайфият билан келиб, шундай кайфият билан кетадиган бўлса, Ўзбекистонда туризм соҳаси мустаҳкам асосга қўйилган, деб айтишга ҳақлимиз. Бордию кимдир ёмон кайфият билан кетадиган бўлса, демак, биз унинг олдида қарздормиз. Демак, кейинги сафар айти шу сайёҳни ўзимизнинг ҳисобимиздан юртимизга таклиф қилишимиз керак.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Биз ўтган давр мобайнида бажарилган ишларимизни баҳолар эканмиз, Ўзбекистонда туризм соҳасини халқаро замонавий норма ва стандартлар даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши англаймиз.

Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоиз ўсди, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрди.

2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси – туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мо-

тель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпаниямиз замонавий «Эйрбас» ва «Боинг» авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

«Тошкент – Самарқанд – Тошкент» йўналиши бўйлаб Испаниянинг «Талго» компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездларининг ҳар кунги қатнови йўлга қўйилган. Ўйлайманки, сизлар буни реклама деб қабул қилмайсиз, лекин ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, барча мамлакатларга, жумладан, бизга қўшни бўлган давлатларга ана шу компаниянинг поездларини сотиб олишни тавсия этган бўлардим. Нега деганда, улар ҳам арзон, ҳам ишончли, энг муҳими, «Талго» фирмаси ўзининг яхши ҳамкор эканини амалда намоён этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» поезди қатнай бошлаганидан буён юртимизда чет эллик сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди.

Бухоро ва Қарши шаҳарларигача юқори тезликда ҳаракатланиш учун мўлжалланган темир йўл тармоқларини электрлаштириш ва қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса туризм ривожини учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўлбўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида халқаро туризмнинг асосий тузилмасини ривожлантириш учун жами инвестицияларнинг 580 миллион доллардан ортиғи йўналтирилди ва бу борадаги ўсиш ўтган йилга нисбатан 19 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Биз Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улуғвор ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айни пайтда уларни Япония, Франция,

Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва таровати билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин ва зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор.

Мамлакатимизда юксак сифати ва эстетик жозибаси, қадимги санъат анъаналарини ўзида сақлаб келаётгани билан ажралиб турадиган миллий ҳунармандликни қайта тиклаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда миллий ҳунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилганини алоҳида қайд этишни истардим.

Ҳунарманд усталаримизнинг неча асрлик тажрибасидан юртимиздан ташқарида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Кулолларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ўрганмоқда.

Ўзбекистон Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган йирик сайёҳлик кўрғазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Жорий йилда йигирманчи бор ўтказиладиган ва сайёҳлик бизнеси соҳасида мулоқот қилиш учун кенг имконият яратадиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан 12 мингдан ортиқ киши келиши кутилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан самарали ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, қўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга ишонамиз.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, интернет орқали унинг жозибадорлигини ошириш, бунда Фарғона водийсининг ҳали ўрганилмаган сўлим ва гўзал гўшалари, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тоғ ёнбағридаги экологик тоза масканларидан фойдаланган ҳолда, «Буюк Ипак йўли» брендини кенг жорий этиш ҳақида бормоқда.

Биз сизларни нафақат Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, балки бошқа шаҳарларимизда ҳам кўриш, ўзбекона самимий меҳмондўстликдан баҳраманд бўлишингиздан ҳамиша мамнунмиз.

Бугун мана шу муҳташам залда тўпланганларга яна бир бор юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман, сессия иши самарали бўлишини, барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ўзбекистонга кўрсатаётган эътибор ва ҳурматингиз учун миннатдорлик билдираман.

2014 йил 2 октябрь

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ

Мухтарам раис!

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

МДХ давлат раҳбарларини қутлаш, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Учрашувимиз, бу ерда таъкидланганидек, халқаро вазият шиддат билан ўзгараётган, геосиёсий кескинлик ва сиёсий қарама-қаршиликлар авж олаётган, қачон тугаши ёки пасайиши номаълум бўлган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, диний фанатизм радикаллашаётган ва фаоллашаётган, яқин ва узоқ мамлакатларда зиддиятли вазиятлар кескинлашиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Кенг тарқалаётган зўравонлик, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг реал таҳдидлари кучайиб, айрим мамлакатлардаги вазиятни ўта чигаллаштириб, юзага келган қарама-қаршиликларни хунрезликка айлантираётган ва ўзини назорат қила олмай қолган баъзи сиёсатчи ва сиёсатдонлар-

нинг, айниқса, телеканаллар орқали агрессив даъватлар билан чиқаётгани бизни ташвишга солмай қўймайди, албатта.

Юзага келаётган таҳликали вазиятни тўғри баҳоламаслик қандай фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Масалан, Афғонистонда қарийб 35 йилдан буён давом этаётган биродаркушлик уруши миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди, яна миллионлаб инсонларни қочқинга айлантирди. Мамлакат иқтисодиётини буткул издан чиқариб, вайронагарчиликка олиб келди. Бугун шундай бир авлод вояга етдики, улар қурол тутиш ва ундан фойдаланишдан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Бу мамлакатни босиб олиш осон эмаслиги азалдан маълум эди. Бунга Афғонистон тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биз, ҳаммамиз бу мисолларни яхши биламиз ва шунга қатъий ишонамизки, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди.

Биз Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида бугун қатъий ишонамизки, ушбу мамлакатда бир-бирига қарши курашаётган барча асосий этник-диний сиёсий кучлар вакилларида иборат янги ҳукумат қанчалик тез шакллантирилса, бу беқарорликка, қашшоқликка барҳам бериш, издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклаш, мамлакатда

тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун йўл очиб беради.

Украина масаласига келсак, бизнингча, юзага келган муаммоларни ҳал этиш усули сифатида куч ишлатишдан воз кечиш, фақат халқаро ҳуқуқнинг муҳим нормаларига ва БМТ Низомига асосланган сиёсий воситалардан фойдаланиш, томонларнинг ўт очишни тўхтатиш ва ярашиш бўйича Минск келишувини сўзда эмас, амалда тўла бажариши Украинада тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар жараёни учун зарур шароит яратиши мумкин.

Афсуски, бу борада кўзда тутилган ва музокара жараёнларига ёрдам берадиган жиддий сиёсий масалалар муҳокамаси ҳамон бошлангани йўқ.

МДХ давлат раҳбарларининг бугунги учрашувига бевосита тааллуқли бўлган яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Икки кун аввал бизнинг учрашувимизда Украина президенти жаноб П. Порошенко иштирок этиши ҳақидаги хабар муҳим янгилик сифатида тарқатилди. Бироқ, кеча кечқурун жаноб П. Порошенко учрашувга келмаслиги, унинг режалари ўзгариб қолгани хабар қилинди. Бизнингча, бундай қарорни маъқуллаб бўлмайди. Салкам бир йилдирки, Украинадаги қарама-қаршиликлар энг долзарб муаммолардан бири сифатида бутун дунёда, жумладан, собик Иттифоқ ҳудудида муҳокама этиб келинмоқда.

Дарвоқе, бугун энг чекка туманлар, қишлоқлар аҳолиси ҳам Украинада қандай воқеалар рўй бераётганини телевидение орқали кўриб, билиб турибди. Бундай шароитда ушбу воқеаларга лоқайд қарайдиган одам бўлмаса керак. Украинада нима-лар юз бераётгани ва булар қандай бошланганидан деярли барча яхши хабардор. Ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги зиддиятлар қачон ва қандай тугашини ҳамма кутмоқда. Бинобарин, бу муаммо имкон қадар тезроқ ўз ечимини топиши даркор.

Шу ўринда ўзимизга савол берайлик: МДХ давлат раҳбарларидан қайси биримиз жаноб П. Порошенко билан юзма-юз учрашдик? Фақат айримларгина. Ўтган вақт мобайнида П. Порошенко Европанинг кўплаб мамлакатларида, айниқса, Брюсселда, бошқа давлатларда бўлди.

Ҳолбуки, у МДХнинг бугунги саммити мажлисида иштирок этиб, имкониятдан фойдаланиши мумкин эди. Дарвоқе, Украина ҳали МДХ таркибидан чиққани йўқ. Шундай таассурот пайдо бўлмоқдаки, жаноб П. Порошенко иккиланиб турибди ва МДХдан чиқиш фойдами ёки зарарми эканлигини ўзига аниқ тасаввур қила олмаяпти. Энг муҳими, у бугунги мажлисда иштирок этиб, ўз фикрини баён қилганида, Украина муаммосини ҳал этиш борасида биз учун аниқлик киритилган бўлар эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги мажлисимиз раиси Александр Григорьевич Лукашенко ўз нутқининг пировардида МДХни янада ривожлантириш истиқболларини ошкора муҳокама қилиш вақти келганини таъкидлади.

Биз учун МДХнинг аҳамияти, барчамизнинг манфаатларимиз ҳисобга олинган ҳолда, шериклар билан ўзаро фойдали ва серқирра ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлигимиз аниқ ва равшандир.

Ҳамдўстлик – бу амалдаги мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базага эга, пухта ишлаб чиқилган восита ва механизмлари асосида бевосита халқаро мулоқот, долзарб масалаларни муҳокама қилиш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги мунозара ва турлича қарашларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар тақдим этадиган тузилмадир.

МДХ мамлакатларимизни барқарор ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан кенг фойдаланиш, террористик ва экстремистик ҳаракатларнинг вақтида олдини олиш, уларга қарши курашиш ва барта-раф этиш, энг муҳими, собиқ Иттифок ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилишига кўмаклашиш бўйича мақбул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда. Бугун ушбу ҳудудда ўзининг

эртанги кунини МДХнинг шартномавий базаси яратган мулоқотсиз тасаввур қила оладиган мамлакат кам. Ҳатто Грузия ҳам жиддий хатога йўл қўйганини бугун тушуниб етмоқда.

МДХ маконида барқарор тараққиётни таъминлаш, биринчи навбатда, ўзимизга, яъни Ҳамдўстлик давлатларига боғлиқ. Бу борада мен барча яқин ва узоқ қўшнилар билан бир-биримизни тушуниш, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш, ўз жамиятимизни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш зарурлигини назарда тутмоқдаман.

МДХ ҳудудида айни пайтда амалда қўлланилаётган савдо тартибига зарар етказмайдиган принципларга асосланган мукаммал эркин савдо зонасини ташкил этиш ва уни тезроқ ишга тушириш кўп жиҳатдан ушбу мақсадларга эришиш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш имконини беради. Бугун Владимир Владимирович Путиннинг ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун энг жозибадор модель сифатида ушбу тартибни ишга тушириш вақти аллақачон етгани ҳақидаги таклифини мамнуният билан тингладим.

Бу халқларимизни яқинлаштирадиган ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган маса-

лаларни узил-кесил ҳал этишга ёрдам берадиган ягона иқтисодий модель бўлиб, бунга биз бежиз алоҳида эътибор қаратаётганимиз йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, собиқ Иттифок мако-нида бошқа интеграцион бирлашмалар шакл-лантирилишига қарамай, МДХ фаолияти йўли-да бирон-бир тўсиқ йўқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу ўринда гап Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақида бормокда. Бу ерда ҳам муҳокамага сабаб бўладиган ҳеч қандай муаммо кўрмаймиз.

Шу билан бирга, ушбу давлатлараро бирлаш-маларнинг ҳар бири, жумладан, негизида Ев-роосиё иқтисодий иттифоқи тузилаётган МДХ ҳам – дарвоқе, ушбу иттифок нима асосда ташкил этилаётгани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди – бир-бирини такрорламасдан, ўз фаолиятини мустақил йўлга қўйиши, ривожла-ниш концепцияси ва узоқ муддатли дастурига эга бўлиши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Агар мазкур шартларга риоя этилмаса, ушбу бирлашмаларнинг ўзаро мувофиқ равишда фаолият кўрсатишига умид қилиш кийин.

Шу ўринда МДХ масалаларининг бугун-ги муҳокамаси уларга бежиз эътибор қарат-маётганимизни яна бир бор тасдиқлайди. Мен аввал ҳам айнан мана шу залда бу масала бўйича қуйидаги фикрни баён қилган эдим: мазкур жара-

ён шу зайлда давом этаверса, яъни МДХ саммит-ларига шунчаки бориб-келинаверса – бу ўзини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Шунинг учун кўплаб ҳамкасбларимизнинг ушбу масалалар, айниқса, МДХ истиқболи билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги фикрларига қўшиламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

2014 йил 13 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз миришкор пахтакорлар!

Қадрли деҳқон ва фермерлар!

Сиз, азизларни шу кунларда ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингиз эвазига 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, шартнома мажбуриятингизни адо этганингиз билан самимий табриклашдан, чин қалбимдан ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Пахта ўстиришнинг ўзи ҳар қайси деҳқон, фермер ва мутахассисдан нақадар мураккаб ва оғир меҳнатни, чуқур билим ва тажрибани, она ери-мизга меҳрини бериб, тупроқ билан тиллашиб яшашни, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, кундалик фидойиликни талаб қилишини бутун элимиз, халқимиз яхши билади ва бу йилги мавсумда қўлга киритган зафарларингизни юксак баҳолайди, десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Халқимизда, деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди, деган теран маъноли ибора бор. Бу йилги мавсум бу фикрни яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда. Баҳор фаслида ҳаво ҳароратининг одатдагидан нисбатан паст бўлгани, чигитнинг униб

чиқиши 8–10 кунга кечиккани, айрим ҳудудларда ғўзани сел ва дўл уриб кетгани, турли касаллик ва зараркунандалар кўпайгани, ёздаги сув танқислиги, кузнинг анча эрта ва салқин келгани деҳқон ва фермерларимиз учун жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Жорий мавсумнинг мана шундай ноқулай ва мураккаб келишига қарамасдан, биринчи навбатда, кўп йиллар давомида тўпланган тажриба ва замонавий агротехникани самарали қўллаганимиз, шулар қаторида ўз вақтида ғўзани «шарбат» усулида суғориб, маҳаллий ўғитнинг орттириб берилгани, олим ва мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари туфайли, қандай оғир бўлмасин, ҳосилни сақлаб қолишга эришганимиз, бир сўз билан айтганда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардлиги ва матонати, ташаббускорлиги бу йилги ютуғимизнинг кадр-қимматини янада оширади.

Шу маънода, бугунги юксак хирмонни бунёд этишда ўзини аямасдан, жонбозлик кўрсатиб, айтиш мумкинки, қаҳрамонона меҳнат қилган фермер ва деҳқонларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этиб, уларга таҳсин ва тасаннолар билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар, мухтарам юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, юртимиз далаларида етиштириладиган ҳосилнинг, хусусан, пахта хомашёси-

нинг тақдири, биринчи навбатда, ер унумдорлигига бевосита боғлиқ. Айни вақтда деҳқончиликда ҳар қайси экин майдони, ҳар қандай тупроқ унумдорлигининг ҳам чегараси борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис барчамизни боқадиган она заминимизнинг келажагини ўйлаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилган давлат дастури доирасида амалга оширган улкан ишларимиз қишлоқ хўжалигида қандай катта бурилиш ясаганини бугун кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Ўтган 6 йил давомида мамлакатимиз бўйича 1 триллион 300 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 миллион 750 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Фақатгина кейинги икки йилда пахтачилик бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 26,5 центнерга ошгани ана шундай кенг кўламли ишларимизнинг муҳим натижаси бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Охирги йилларда мамлакатимизда янги ғўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 100 дан ортиқ янги навлар яратилгани, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилиб, амалда жорий этилаётгани ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, эътироф этишимиз керакки, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида ҳар қайси вилоят ва туман учун мос келадиган, серҳосил, юқори сифатли тола берадиган, эртапишар ғўза навларини чиқариш ва районлаштириш энг долзарб, ечимини барча деҳқонларимиз орзиқиб кутаётган муаммо бўлиб қолмоқда. Ана шу муҳим масалани ҳал этиш, аввало, мутасадди олимлар, селекция соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг асосий вазифаси эканини яхши биламиз ва улардан бундай ғўза навларини тезроқ яратишларини кутамиз.

Бу йилги мавсум давомида биз дуч келган мураккаб синов ва қийинчиликларни бартараф этишда интенсив агротехнологиялардан оқилона фойдаланиб, ғўза қатор оралари ҳар йилгидан 4–5 марта кўп, ўртача 12 мартадан зиёд сифатли культивация қилингани, гектарига 5 тоннадан, жами 13 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Бугун барчамизга аён — биз қўлга киритаётган ютуқ ва марраларнинг асосий гарови ва ҳал қилувчи кучи бўлмиш фермерлик ҳаракатининг олдида турган муаммоларни ечиш, унинг қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳаётидаги ролини кучайтириш бўйича олиб бораётган ишларимиз, аввало, бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишда, етиштирилган мўл

ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиб-териб олишда мустаҳкам замин туғдирди, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Бунинг яққол тасдиғини республикамиз пахта хирмонининг қарийб 90 фоизи юқори сортларга топширилгани ҳам исботлаб беради.

Нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида эришаётган марраларимиз, авваламбор, халқимизга хос меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат каби фазилатларда, ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб, уларнинг ўз ерига эгалик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти ортиб бораётганида намоён бўлмоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Мана шу қувончли айёмда ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Эллиққалъа, Олтинкўл, Пахтаобод, Балиқчи, Пешку, Олот, Муборак, Яккабоғ, Қизилтепа, Навбаҳор, Наманган, Нар-

пай, Қумқўрғон, Бешарик, Қува, Гурлан, Хонқа, Хива туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани қисқа фурсатда, 20–25 кунда бажариб, кўпчиликка ўрнатилган ва намуна бўлган таҳсинга лойиқдир.

Бухоро туманидаги «Ислом Нарзиобод», Жондор туманидаги «Жонибек Фарход», Арнасай туманидаги «Санзор», Дўстлик туманидаги «Эшнӣз бобо», Миришкор туманидаги «Камалак», Шаҳрисабз туманидаги «Умида она ўғли», Навбаҳор туманидаги «Арслон бобо», Кармана туманидаги «Авез бобо», Пахтачи туманидаги «Мирзаев Шухрат», Қумқўрғон туманидаги «Мунчоктепа истиқболи», Бекобод туманидаги «Комилжон», Ҳазорасп туманидаги «Ғофур Рухия», Хонқа туманидаги «Мадир Хонқа» сингари ҳосилдорликни гектаридан 45–52 центнерга етказиб, юксак натижаларга эришган илғор фермер хўжаликларига самимий ташаккур билдираман.

Шулар қаторида фидокорона меҳнат қилиб, катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган фермер ва деҳқонларимизга, Ватанимизнинг улкан хирмони-га муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга «Балли сизга, азизларим!» деб, уларни чин қалбдан табриклаш менга катта хурсандчилик бағишлайди.

Муҳтарам дўстлар!

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг пахтачилик соҳасида етакчи мамлакатлардан бири си-

фатидаги обрўйи ва нуфузи тобора ортиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 50 га яқин давлатдан дунё бозорида ном қозонган 1000 дан зиёд йирик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этиб, деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган пахта толасига, авваламбор, унинг юксак сифатига катта қизиқиш билдиргани ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланар эди. Ўтган қисқа даврда бу борадаги кўрсаткич 6 баробардан зиёд кўпайгани ҳамда бугунги кунда 44 фоизни ташкил этиб, чет мамлакатларга сотилаётган пахта толасига яна қўшимча қиймат қўшишга имконият яратаётгани шу йўналишда узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг амалий самарасидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад ўтган йилга нисбатан 12 фоиз ёки 400 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда. Бу йил пахта хом ашёсини юқори сортларга сотишнинг ўзидан фермер хўжаликлари 200 миллиард сўмдан зиёд қўшимча даромад олишга муваффақ бўлишди. Бунинг ҳисобидан биз деҳқон ва фермерларимиз-

нинг, қишлоқ аҳлининг даромадларини оширишга, кўзлаган эзгу марраларимизга етиш, эл-юртимизни янада обод ва фаровон бўлишига эришамиз, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шундай хурсандчилик кунларда барчангизни мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган катта меҳнат галабаси билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Эл-юртимиз, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!

Яратганимизнинг ўзи барчамизга доимо мададкор бўлсин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, кадрдонларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 24 октябрь*

**«ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ
ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ
ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ
ИШТИРОКЧИЛАРИГА ТАБРИК СЎЗИ**

Ҳурматли меҳмонлар!

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» халқаро конференциясида иштирок этаётган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакилларини, таниқли олим ва экспертларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири – Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генофонди ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантириш,

озик-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув ҳавзаларида йилига 35 минг тоннагача балиқ овланар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов ва сув ҳавзалари миллионлаб одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлар эди.

Бироқ минтақадаги йирик дарёларда ўйламасдан улкан гидротехник иншоотлар қурилгани, трансчегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидаги ғоят оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгида батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли кўрилмаган офатга айланиб, Оролбўйида яшаётган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қуйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса

деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизида илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормокда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмокда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмокда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фожиа кўламини, бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини қуруқ рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистоннинг Орол фожиасининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар куни сув ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ таркибининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани билан

боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Орол денгизининг куриши бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, мавсумий қурғоқчиликнинг кучайиши, қаҳратон қишнинг узок давом этиши, Помир ва Тянь-Шань тоғлари музликлари эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Минг афсуски, бугунги кунда Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий захиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур:

биринчидан — бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;

иккинчидан – Оролбўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

учинчидан – аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушкунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириши, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшиласиз;

тўртинчидан – ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув хавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак минбаридан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олди-

ни олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиасига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш гоят долзарб эканини эътироф этаётганидан далолат беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Ўтган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдида турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислон тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа Иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария,

Кувайт ва бошқалар бизнинг ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа Иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмагида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шуни очик тан олишимиз керакки, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамасдан, ҳали яна кўплаб ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказаётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлича маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор давлатларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожиасининг кенг кўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларни самарали бартараф этишга қаратилган

янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, аввало, халқаро ташкилотлар — БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутиши керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга кўмак беради.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби сувни тежаш, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тураржой, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар, умумтаъ-

лим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари, врач-лик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдиридан ташвишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларининг аниқ мақсадли, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини қутқариш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссангиз учун сизларнинг барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси.
2014 йил 29 октябрь*

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда юртимиздаги барча темир йўл ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Агарки мана шундай темир йўллар бўлмаса, биз қандай ҳаёт кечиришимиз, иқтисодиётимизни қандай ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўларди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиз-

дан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон замини бўйлаб Буюк Ипак йўли ўтган ва бу ҳудудда кўплаб савдо йўналишлари туташган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган салмоқли транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, темир йўл ташувларининг ишончлилиқ ва хавфсизлиқ даражасини ошириш бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида қайд этиш зарур. Кейинги йилларда темир йўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай катта ишларимиз натижасида темир йўлларнинг уму-

мий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган «Навоий – Учқудук – Нукус – Султон Увайстоғ» ва «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизни узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда, барқарор ривожлантириш йўлида стратегик аҳамиятга эгадир.

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки иштирокида мураккаб табиий ва иқлим шароитларида барпо этилган, денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда жойлашган тоғ довони орқали ўтадиган 223 километр узунликдаги «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўли моҳият эътибори билан Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда «Мароқанд – Қарши» ва «Қарши – Термиз» темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий минтақаларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металллар, қурилиш материаллари ва бошқа

қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятлар очади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини шакллантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш учун шароит яратишга қандай муҳим ҳисса қўшишини, ўйлайманки, изохлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Биз транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот, яъни 19 километрлик темир йўл тоннелини ўз ичига оладиган «Ангрен – Поп» йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этишга катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қарамоқдамиз.

Ушбу темир йўл тармоғининг 2016 йил июль ойида ишга туширилиши Фаргона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан ишончли тарзда боғлашга имкон яратади, республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказди, «Хитой – Марказий Осиё – Европа» янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматларининг даражаси ва сифатини оширишда темир йўл паркиннинг ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юксак

самарали локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилаш бўйича ишлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина сўнгги ўн йилда 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташиш тепловози сотиб олинди, 150 та локомотив модернизация қилинди.

Испаниянинг «Талго» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» электропоезди Ўзбекистоннинг ғурур-ифтихори ҳисобланади. Шунини айтиш жоизки, бундай поездлар дунёнинг атиги саккизта мамлакатада мавжуд. Бугунги кунда ушбу поезд ҳар куни «Тошкент – Самарқанд – Тошкент» йўналиши бўйича 344 километрлик масофани, бор-йўғи, икки соатда босиб ўтмоқда. Бу эса одамларимизнинг ана шу транспорт турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартирмоқда.

Юртимизда 11 та янги темир йўл вокзали барпо этилиши ва 7 та вокзалнинг реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини қайд этиш лозим.

Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли

инфратузилмаларни ободонлаштиришга 6 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Компаниянинг йўл хўжалиги, «Ўзтемирйўл-йўловчи» очик акциядорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлинмаси ва «Ўзтемирйўлконтейнер» юк ташиш тузилмаси, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа таркибий қисмлари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Компания ташкил этилган кундан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш эса 1,3 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани ва 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани унинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси каби sanoat корхоналари ҳақи равишда компаниянинг байроқдорлари ва ифтихори ҳисобланади. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компания-

ларнинг замонавий асбоб-ускуналари ва янги авлод технологик тармоклари билан жиҳозлангани, айниқса, эътиборлидир.

Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларини таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди ва бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

Ўз таркибида юқори малакали 70 минг нафар инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни, йўлсозлар, машинистлар, саноат ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоаси компаниянинг бебаҳо бойлиги, олтин фонди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва тажрибангиз халқимиз орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлиб, ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Барчамизга аёнки, компаниянинг, бутун темир йўл тармоғининг келажаги, аввало, соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан

бевосита боғлиқдир. Юртимиздаги олтита касб-хунар коллежи ва Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассислар аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темир йўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда темир йўлчилик касби мамлакатимизда ёшлар ўртасида қизиқиш ва талаб энг катта бўлган, шарафли касбга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлигига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман. Сизларга ва оилаларингизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 6 ноябрь*

ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚ

Ассалому алайкум, кадрли дўстлар!

Аввало, бугун сиз, азиз Сурхон воҳаси вакиллари билан дийдор кўришиб, барчангизни соғсаломат, бардам-бақувват кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сизлар билан қачон учрашмайлик, Сурхондарёнинг бугунги ҳаёти, аҳолининг ҳол-аҳволи, кайфияти, эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш, вилоятнинг келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар учрашувларнинг асосий мавзусини ташкил этиши ҳаммамизга маълум.

Бундай мулоқотларнинг маъно-мазмунини, авваламбор, вилоятни янада ривожлантириш, унинг ноёб ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шу юртда яшаётган 3 миллионга яқин аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одам-

ларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан узвий боғлиқ эканини ҳам барчамиз яхши англаймиз.

Сурхондарё деганда, инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири, буюк тарих ва бой меросга эга бўлган қадимий ва бетакрор ўлка кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Афсуски, дунёга қандай тенгсиз маданият дурдоналарини, не-не мумтоз зотларни берган бу замин мустабид тузум даврида собиқ Марказнинг беписанд сиёсати, «Сизларга бўлаверади» деган қараши туфайли узок йиллар давомида ривожланишдан ортда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Фақатгина мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Сурхондарё ҳам ўтган қисқа даврда жуда катта, айтиш мумкинки, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги йилларда бу ерда ўнлаб замонавий корхоналар, магистрал йўл ва кўприклар, савдо ва маиший хизмат объектлари, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, янги тураржойлар, майдон ва хиёбонлар барпо этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда нафақат вилоят маркази Термиз шаҳри, балки Денов бўладими, Шеробод, Музработ бўладими, бошқа туман марказлари ва қишлоқлар бўладими, барчасининг қиёфаси туб-

дан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, аввало, шу заминда яшаётган одамларга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга катта ғурур ва ишонч бағишламоқда.

Асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида 223 километрлик «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» темир йўлининг барпо этилгани фақат Сурхон воҳаси эмас, бутун мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, улкан, тарихий бир воқеа бўлди, десак, ўйлайманки, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган қурувчиларимиз, жумладан, сурхондарёлик бунёдкорларнинг маҳорати билан денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда ўнлаб кўприklar, йўл ўтказгичлар каби ўта мураккаб инженерлик иншоотларини барпо этишга, катта маблағ, куч ва имкониятни, юксак билим ва тажрибани талаб қиладиган шундай йирик ва ноёб лойиҳани амалга оширишга эришганимиз ҳар қандай одамни ҳам қойил қолдириши муқаррар.

Оғир иқлим шароитига қарамасдан, Сурхон воҳаси деҳқон ва фермерларининг кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 10 фоизи, ғалланинг қарийб 8 фоизи мана шу саховатли замин ҳиссасига тўғри келишини алоҳида таъкидлаш

лозим. Вилоятда жорий йилда 335 минг тоннадан зиёд пахта, 477 минг тонна ғалла етиштирилгани, сўзсиз, машаққатли ва мардона меҳнат натижасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерларига, барча қишлоқ хўжалиги ходимларига фидокорона меҳнатлари учун ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Биз учун энг муҳим, энг устувор вазифа бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида Сурхондарёда ҳам ўнлаб янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, санъат ва спорт масканларини, айниқса, Термиз давлат университетининг замонавий, муҳташам биноси каби улкан иншоотларни бунёд этганимиз нафақат вилоят қиёфасини, айни вақтда, одамларимиз, фарзандларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётгани ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Шулар каторида Сурхон воҳасининг қадимий ва бетакрор маданияти, урф-одат ва анъаналарини, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан юксак эътироф этилган номоддий мероснинг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш бўйича қилган ишларимиз ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин.

Бу борада Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган Термиз давлат археология музейини бунёд этганимиз, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик тўйини, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини қандай баланд руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказганимиз барчамизга мамнуният етказди.

Термиз шаҳрида 2011 йили энг замонавий архитектура талабларига жавоб берадиган мухташам «Сурхон» спорт мажмуасини воҳанинг ўзига хос табиий ва иқлим шароитини ҳисобга олиб барпо этганимиз шу юртда улғайиб, уни жонидан азиз кўрадиган, жисмоний ва маънавий камолотга интилиб яшаётган минг-минглаб ёшларимиз учун аҳамияти ва моҳиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган катта воқеа бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бугунги кунда бу ерда «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, кураш бўйича жаҳон чемпионати каби йирик ва нуфузли беллашувлар мунтазам ўтказилмоқда, бу ноёб мажмуа қанчадан-қанча ёш спортчиларимиз учун парвоз майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни жоиз деб биламан: нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда маълуму машҳур бўлган «Алпомиш»дек қаҳрамонлик достонининг айнан Сурхон заминида яратилгани асло тасодиф эмас.

Агар мендан, энг кучли, энг бақувват полвонлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмасдан, аввало Сурхондарёда, деб айтган бўлардим.

Ўзбек курашининг ватани, макони ҳам аслида Сурхон воҳасидир. Ҳаммамиз яхши биламизки, мана шу кураш беллашувларида «ҳалол» деган сўз энг олий баҳо сифатида янграйди. Шахсан менга бу ибора бамисоли бутун халқимизга, жумладан, Сурхон элига мансуб энг улуғ фазилатни ифода этаётгандек бўлиб туюлади.

Азиз дўстлар, чиндан ҳам Сурхон элининг лафзи ҳалол, меҳнати ҳалол эканини тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам кўп-кўп мисоллар яққол тасдиқлайди. Бундай мард инсонларнинг табиатида сира ғирромлик бўлмаган, чала иш бўлмаган.

Умуман айтганда, Сурхон заминида вояга етган, унинг ғурур ва ифтихорини улуғлаб, бу юртни бутун дунёга танитиб келаётган, Яратганимиз ато этган куч-қуввати, истеъдоди ва маҳорати билан узоқ ва яқин мамлакатларда шуҳрат қозонган спортчи ўғил-қизларимиз халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Шулар қаторида Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Санжар Тўхташев, Гўзал Эгамова, Сухроб Турсунов, Барно Мирзаева, Яҳё Имомов, Раъно Абдуҳалимова, Шоҳиста Сафарова каби ўнлаб азму шижоатли ёшларимиз бугунги кунда ўзбек спортининг, ўзбек халқининг довруғини

бутун дунёга таратаётгани барчамизни хурсанд қилади.

«Алпомиш» достонининг кутлуғ тўйида мен Сурхон воҳасининг кураги ерга тегмаган паҳлавонларига чин қалбдан ҳурматимни билдириб, машҳур Тоштемир полвонни бағримга босиб, даст кўтарганимни ҳозир ҳам катта завқ билан эслаб юраман.

Буларни барчасининг замирида фақат битта нарса, яъни самимийлик, бир-биримизни яқин кўриш, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром мужассам, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ҳурматли йигилиш қатнашчилари!

Кейинги йилларда Сурхондарёда, унинг маркази Термиз шаҳрида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилаётгани, аввало, заҳматкаш Сурхон аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида янги-янги уй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилаётгани натижасида шаҳарнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.

Буни сўнгги пайтда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда 3 минг 772 та шинам уй-жойлар қурилгани, биргина Термиз шаҳрида маҳаллий шароитга ҳар томонлама мос бўлган, 1 минг 41 та квартирадан иборат 36 та за-

монавий кўп қаватли уйлар бунёд этилгани ҳам тасдиқлайди.

Айни вақтда шаҳарни кўкаламзорлаштириш, ноёб манзарали дарахтларни танлаб экиш ва парвариш қилиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳисобидан бутун шаҳар яшил либосга бурканиб, барчанинг кўзини қувонтирадиган, ҳавасини тортадиган бетакрор қиёфа касб этгани жанубнинг жазирама қуёши остида яшайдиган одамларга қандай қулайлик туғдирганини тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Сурхон воҳасининг кўҳна тарихи, минг йиллар давомида шу заминда ётган ва бугун ўзбек олимлари билан бирга турли мамлакатлардан келган олимларнинг археологик қазишмалари, илмий изланишлари натижасида очилаётган ва илму фан оламини ҳайратда қолдираётган ноёб ашёлар, қадимий маданият ёдгорликлари бу тупроқ ўз бағрида ҳали қанча-қанча сирларни сақлаб келаётганидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мисол учун, эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарида Бактриянинг биринчи подшоси Зороастр Термиз шаҳрига асос солган. Термиз дастлаб Тарамата деб аталган.

Шаҳарнинг ғоят қулай географик шароити, Шарқни Ғарб билан боғлайдиган савдо чорраҳа-

сида жойлашгани унинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратди. Шу боис турли-турли босқинчилар Термизни қўлга олиш, унга эгалик қилишга доимо интилиб келган.

Эрамиздан аввалги 327 йилда Александр Македонский, яъни бизнинг тилимизда Искандар Зулқарнайн шаҳарни босиб олиб, унга Александрия номини берган. Термиз қалъаси милоддан аввалги даврларда Юнон-Бақтрия давлати, Кушонлар империяси, милоддан кейинги V–VI асрларда Эфталитлар, Сосонийлар ҳукмронлиғи остида бўлган. VIII аср бошида эса бу ерни араблар забт этган.

Термиз тарихи ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар унинг тарихига ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборақ номи билан чамбарчас боғланиб кетганини эсга олишимиз табиийдир.

Термиз шаҳри Соҳибқирон бобомиз Турон заминида барпо этган буюк ва қудратли давлатнинг мустаҳкам қўрғонига, салтанат таянчига айланган.

Бугунги кунда бу ерда яшаётган барча-барча инсонлар Сурхон тарихининг ана шундай шонли саҳифаларини ғурур ва ифтихор билан эслайди.

Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улуғ аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий де-

ган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳақиқатан ҳам, бу табаррук диёрдан етишиб чиққан буюк аллома Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтита ҳадис тўпламларидан бирини яратган машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий, теран мазмунли асарлари билан Шарқда ном қозонган Адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бакр Варроқ Термизий каби мумтоз зотлар наинки халқимиз, балки бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ҳисобланади.

Бу заминнинг уруш ва босқинлар туфайли неча бор вайрон бўлиб, култепалар узра неча бор қайта тиклангани ҳақида ҳам албатта кўп гапириш мумкин. Лекин барчамизга чексиз ифтихор етказадиган ҳақиқат шуки, бу ерни ўзига муқаддас макон деб билган жасур аجدодларимиз ёвларга ҳеч қачон бош эгмаган.

Буюк тарихчи аллома Шарафиддин Али Яздий машҳур «Зафарнома» китобида Термиз аҳлининг мўғул босқинчиларига матонат билан, қаҳрамонларча қаршилиқ кўрсатганини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мардлар шаҳри» деб атаганида чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассамдир.

Мустақиллик йилларида Термиз ҳар томонлама обод бўлиб, Ўзбекистонимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига, юртимизнинг жанубий

сарҳадларидаги бош истехкомига, мустаҳкам дарвозасига айланди.

Бугунги кунда Термиз шаҳри нафақат Сурхонвоҳаси, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий, маданий ва коммуникация марказларидан бири десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни, дунёда нотинчлик ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини ҳаммангиз яхши биласиз. Айниқса, бизнинг ҳудудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар – бу Афғонистонда 35 йилдан буён давом этаётган уруш экани ҳеч кимга сир эмас.

Биз Афғонистон халқи билан неча-неча асрлардан буён ёнма-ён қўшни бўлиб, аҳил ва инок яшаганмиз. Қиз бериб, қиз олиб, қуда-андачилик қилиб келганмиз. Амударёнинг икки томонида туриб бир-биримизнинг ҳолимиздан доимо хабардор бўлиб турганмиз. Шунинг учун ҳам, афгон фожиасини бошқалардан ҳам кўра унга яқин бўлган бизнинг халқимиз хаёлидан, юрагидан мутлақо бошқача ўтказади. «Қўшнинг тинч – сен тинч» деган нақл албатта бежиз айтилмаган.

Мен ўзимнинг жуда кўп чиқишларимда, жумладан, нуфузли халқаро минбарлардан туриб,

жаҳон ҳамжамияти вакиллариға мурожаат қилиб, афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал этишнинг имкони йўқ, деб очик айтганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.

Агар афғон халқининг ўзига қўйиб берса, шакшубҳасиз, бу уруш ҳеч қачон бунча узоқ давом этмасди. Афғон халқи – кўпни кўрган халқ. Бу халқ ҳам биз каби доимо тинчлик ва омонликни, оиласини тинч меҳнат билан боқишни, болаларининг бахтини кўришни хоҳлайди.

Шундай экан, нима учун шунча вақтдан буён бу ерда уруш бормокда? Бунга сабаб албатта кўп, лекин энг асосий сабаб – бу Афғонистонда урушни давом эттириш кимгадир керак. Бу урушни давом эттиришга уринаётганлар, биринчи навбатда, афғон халқининг манфаатини эмас, балки ўз манфаатини кўзлайди. Минг афсуски, дунёда мана шундай сиёсий ўйинлар тўхтамаяпти.

Афғон заминида урушни давом эттириш тарафдори бўлган кучлар «Йиқилган курашга тўймас» деган мақолни ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини истардим. Жафокаш афғон юртига турли кучлар келади-кетади, афғон халқи эса абадий қолади. **Бу халқни зўравонлик билан бўйсундириб бўлмаслигини XIX асрдан бошлаб бугунги кунгача баъзи йирик давлатларнинг бу ерга қурол билан келиб, охир-оқибатда енгилиб кетгани ҳам якқол кўрсатиб турибди.**

Таассуфки, бугунги кунда факат ҳарбий кучга таяниб сиёсат олиб бораётганлар бу ҳақиқатни тушунмаяпти.

Мана, яқинда Афғонистонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Бу давлатнинг янги раҳбарлари иш бошлади. Лекин мамлакатдаги вазият эртага қайси томонга ўзгаради, деган савол, афсуски, ҳамон очиқлигича, мавҳумлигича қолмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, «АЙСАФ» деб ном олган халқаро тинчликпарвар кучларнинг бу жафокаш заминда давом этаётган тўқнашувларни бартараф этишни охирига етказмасдан туриб ва қарама-қарши кучларни мурасага келтирмасдан туриб, Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши бу минтақада тинчлик ва осойишталик ўрнатишга олиб келиши гумон, деб ўйлайман.

Мана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистоннинг бу масала бўйича позициясини яна бир бор эслатиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман.

Бу борадаги бизнинг ёндашувимиз, сиёсатимиз аниқ ва равшан: биз ён қўшнимиз бўлган Афғонистон давлатининг ички ишларига аралашмаслик, афғон халқи ишонч билдириб сайлаган ҳукумат билан ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, тинч-тотув бўлиб яшашни ўзимизга маъқул деб биламиз.

Тинчлик ҳақида, осойишталик ҳақида гапирганда, юртимиздаги ҳар қайси одам аввало ўз

ишончини жанубий чегараларимизда Ватаннинг содиқ посбони бўлиб турган Термиз аҳлига, Сурхон воҳасининг мардларига қаратади.

Чунки тарихнинг ўзи Термиз шаҳрига, унинг жасур халқи зиммасига юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метиндек мустаҳкам қўрғон бўлиш каби огир ва масъулиятли вазифани юклаган. Ва сизларнинг барчангиз бу муқаддас вазифани бугунги таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқдасиз, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бундай юксак ишонч сўзларини давом эттириб, шу тупроқда, шу заминда хоклари ётган улуғ аждодларимизнинг хотираси олдида, мана шундай буюк ўтмишнинг ворислари бўлмиш халқимиз олдида бош эгиб таъзим қилишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли юртдошлар!

Энди рухсатингиз билан менга юклатилган шарафли ва қувончли бир вазифани адо этишга ўтсам.

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшлари-

мизни улуг аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун берилган Амир Тему́р орденини катта мамнуният билан Термиз шаҳрига топширишга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Термиз шаҳрининг мана шундай юксак давлат мукофоти́га сазовор бўлишида сиз, азизларнинг, шу гўзал юртга фарзандлик меҳри ва садоқатини бериб яшаётган, ўз тақдири ва келажагини ўз қўли, фидокорона меҳнати билан яратаётган эзгу ниятли, олижаноб барча инсонларнинг ҳиссаси ва хизмати беқиёсдир, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугун нафақат Термиз аҳли учун, айтиш мумкинки, бутун Ўзбекистонимиз учун катта байрам. Қадимий ва навқирон Термиз шаҳри ҳаётидаги бу қутлуғ кун, ҳеч шубҳасиз, унутилмас бир воқеа бўлиб тарихда қолади ва барчамизни янги-янги уфқларга даъват этади.

Мамлакатимизнинг барча навқирон ёшлари қаторида сурхондарёлик ўғил-қизларимга – менинг болаларимга айтадиган даъватим шуки, сизлар бугун Амир Тему́р орденига сазовор бўлган шаҳарлар сафига қўшилган Термиздек ўтмиши буюк, келажаги шарафли шаҳарда, қандай ноёб, Худонинг назари тушган муқаддас заминда яшаётганингизни асло унутманг, ота-бобо-

ларимизнинг шаъну шавкатига доимо муносиб бўлинг.

Сизларни яна бир бор бағримга босиб, азиз фарзандларимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиради, барча соҳаларда энг юксак марраларни албатта забт этади, деб катта ишонч ва ғурур билан айтмоқчиман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда сизларни, бутун Сурхон аҳлини давлатимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва қут-барака тилайман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш Термиз шаҳри дунё тургунча турсин!

Термиздек буюк шаҳарларни бунёд этган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

2014 йил 28 ноябрь

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Ҳурматли санъат аҳли!

Авваламбор, Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик қутлуғ тўйи муносабати билан сиз, муҳтарам театр жамоаси ва мухлисларини, сизларнинг тимсолингизда бутун маданий жамоатчилигимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, дунёдаги ҳар қайси халқ, ҳар қайси давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси, аввало, унинг маданияти, санъат ва адабиётида, жумладан, театр санъатида яққол намоён бўлади.

Бугун биз мамлакатимиз тарихидаги унутилмас сана – нафақат юртимиз, балки Туркистон заминидagi биринчи профессионал театрга асос солган Ўзбек Миллий академик драма театрининг юз йиллигини нишонлар эканмиз, унинг шу даврда босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли, эришган ютуқ ва марралари кўз ўнгимиздан ўтиши табиийдир.

Эл-юртимиз бу даврда қандай қийинчилик ва машаққатларни, қувончли ва ташвишли кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлмиш ушбу театр

фаолиятида, унинг сахнасида намоёиш қилинган асарларда ўз аксини топган, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун биз Миллий театримизнинг тамал тошини қўйган, бу йўлда қандай оғир синов ва тўсиқларга дуч келмасин, ўзлигидан, ўз маслагидан қайтмаган, «Театр – бу ибратхонадир» деган ҳикматга амал қилиб, маънавий жасорат намунасини кўрсатиб яшаган Бехбудий, Мунавварқори, Авлоний, Чўлпон сингари маърифатпарвар боболаримиз, сахна санъати фидойиларининг сўнмас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Мустабид тузум мафкурасининг тазйиқларига қарамасдан, гуманистик ғоялар, юксак ижодий принципларга содиқ қолган Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Олим Хўжаев, Аброр Ҳидоят, Наби Раҳимов, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Ғани Аъзамов каби ўнлаб атоқли ижодкорларнинг номларини миннатдорлик билан эслаймиз.

Бу мўътабар сахнада яратилган Абу Райҳон Бериуний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк аждодларимизнинг барҳаёт сиймолари минг-минглаб томошабинларга инсонийлик, адолат ва эзгулик, меҳр-оқибат, олижанобликдан сабоқ бергани, уларни гўзаллик ва нафосат оламига ошно этиб келаетгани таҳсинга лойиқдир.

Бугунги кунда биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш йўлида бошқалар ҳавас қиладиган қандай катта натижаларга эришган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу борада театр санъати, хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни шу боис бундан ўн уч йил муқаддам ушбу ижод даргоҳига Ўзбек Миллий академик драма театри деган юксак мақом берилгани унинг тарихида янги саҳифани бошлаб берди, десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Юбилей муносабати билан академик театр биноси тубдан капитал таъмирлангани, энг замонавий техник воситалар билан жиҳозлангани, Миллий театримиз бутунлай янгича қиёфа касб этиб, дунёдаги ривожланган давлатларнинг санъат масканлари билан беллаша оладиган даражага етгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Азиз санъаткорлар!

Бугун биз бунёд этаётган янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда сизлар яратган ва келгусида яратадиган ранг-баранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилишини, умр йўлларида барчамиз дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб

саволларга театр ибрати орқали жавоб топишни истаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқимиз театр сахнасида бугунги ҳаётимизни теран акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, ўз келажагини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратаётган, Ватан тақдирини ўз тақдири деб биладиган фидойи инсонлар – замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни орзиқиб кутаётганини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Сиз, азизлар мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган етук асарларингиз билан халқимиз, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман.

Мухлисларингиз, санъатсевар халқимизнинг меҳри ва эътибори сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 28 ноябрь*

**МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК
ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА
ҚАРАТИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ
ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ –
БОШ МАҚСАДИМИЗДИР**

Қадрли дўстлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Шу кунларда Ватанимиз учун мустақил, эркин ҳаёт кечириш, уни тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтариш йўлининг асосий принцип ва қоидаларини муҳрлаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилганимизнинг 22 йиллигини байрамона нишонламоқдамиз.

Тарихимизда чуқур из қолдирган ана шу буюк сана билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий табриклаш, барча-барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этиш мен учун катта бахтдир.

Конституциямизда белгилаб берилган асосий мақсадларимиз барчамизга яхши маълум. Яъни, Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун

қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди.

Собик Иттифок, СССР деган империя пароканда бўлиб, тарқалиб кетганидан сўнг, ўта таҳликали бир замонда биз «шок терапияси» каби моделларнинг номақбул шаклларида бутунлай воз кечганимиз – шуни таъкидлашимиз зарур – ўта муҳим ва ҳал қилувчи қадам бўлди.

Ўзбекистонимизга мос тарихий, миллий, анъанавий ва иқтисодий вазият ва хусусиятларни инобатга олмасдан туриб, «бозор иқтисодиётининг шиддатли гирдобига ўзингни ташласанг, унинг ўзи кўзланган манзилга олиб чиқади» деган хом-хаёллардан бутунлай воз кечдик. Ва бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, «ўзбек модели» деб ном олган, жамиятимизни тубдан ислоҳ этиш, эркинлаштириш, демократик янги давлат қуриш, уни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган тараққиёт йўлимизни танлаб олдик.

Тақдиримиз ҳал бўлаётган ўша оғир пайтда қанча сохта доҳийлар майдонга чиққани, қандай кескин тортишувлар бўлгани, тазйиқ ва зўравонлик ишлатилгани, ёш давлатимиз кемасини ағдаришга турли уринишлар содир этилгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Лекин бундай уринишлар, ҳаракат ва хуружларнинг пучга чиққанини, биз танлаган тараққиёт

стратегиясининг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизлар, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимиз айнан ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, «ўзбек модели» деб эътироф этилган ривожланиш йўли-мизни кенг қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириш, сизларнинг олдингизда, эл-юртимиз олдида таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Биз танлаган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар ҳаққоний ва самарали экани биз қураётган янги демократик тизимда, иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарор, барчани ҳайратда қолдираётган суръатларида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январиди 31 миллион 500 минг кишини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга эришганимизни, очиғини айтганда, баъзан тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан ошиб бораётганида ҳам эришган улкан натижаларимиз исботини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Янги – 2015 йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тутилмоқда.

Қадрли ватандошларим!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора чирой очиб, аҳолимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётгани ҳақида гапирганда, бундай янгиланишларнинг ғоят муҳим манбалари – аввало, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва кайфияти тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустаҳкамланиб, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлашни ўринли деб биламан.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, биз бундан 17 йил олдин қабул қилган, қўлга киритаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг омили ва замини бўлган, ҳаммамизнинг, биринчи навбатда, болаларимизнинг онгу тафаккурини, ҳаётга муносабатини тубдан ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва истиқболли мактаб дастури ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз зарур, деб ўйлайман.

Эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган ва ҳаётга қарайдиган, Ватанимиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида майдонга чиқаётган бугунги ёш авлодимиз айна шу дастурларнинг, биз амалга ошираётган тарбиявий ишларимизнинг маҳсули, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Азиз юртдошлар, эсингизда бўлса керак, бу дастурни қабул қилаётган пайтда биз вақти-соати келиб у албатта ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га сабаб бўлади, деб ишонч билдирган эдик. Минг шукурки, ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизни бутунлай ўзгартирган мана шундай дастуримизнинг, унда мужассам бўлган эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиққанини кўриш бизга насиб этди ва бу барчамизга катта ғурур ва хурсандчилик бағишлаб, кўнглимизни тоғдек кўтаради, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шу ўринда бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, хорижий мамлакатлар, инвесторлар томонидан юртимизга инвестиция киритилиши албатта кўп-кўп сабабларга, керак бўлса, шартларга боғлиқ.

Аввало, қадим-қадим замонлардан буён давом этиб келаётган одатга, анъанага кўра, сармоядор амалий фойда кўрмаса, даромад топмаса, ҳеч қачон бировга ўз-ўзича текинга маблағ бермайди.

Иккинчидан, одамнинг мол-мулки, давлати қанча кўп бўлса, у ҳисоб-китобни шунча яхши кўради ва ишини пухта қилади, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Мамлакатимизда мустақиллик берган имкониятлар туфайли одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши бутунлай ўзгариб бораётган экан, мана энди биз ҳам замон талабларига жавоб берадиган даражада ҳисоб-китоб килиб яшашни нафақат ўргандик, балки бошқаларга ҳам ўргатмоқдамиз.

Маблағ, сармоялар бизга нима учун керак? Янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун, эртанги кунимиз ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун керак.

Албатта, хорижий инвесторлар бирон-бир лойиҳа учун маблағ сарфламоқчи бўлса, аввало, Ўзбекистоннинг имконияти қандай, бу мамлакат билан ҳамкорлик қилсак, берган пулимиз ўзини оқлайдими, қандай фойда олишимиз мум-

кин, умуман, буларга ишониш мумкинми ўзи ёки йўқми, деган масалаларни ўртага қўйиб, жуда кўп ҳисоб-китоб қилади. Ҳамма томонини чуқур ўйлаб кўради.

Улар бизнинг салоҳиятимизни чамалаб кўрганида, табиийки, биз эртага бу мамлакатда энг замонавий корхоналарни куриб, ишга туширадиган бўлсак, уларда ким ишлайди, бу илғор техника ва технологияларни ким бошқаради, деган ўтқир саволларни ўзига беради.

Мен бугун сизларга қалбимда юксак ғурур ва хурсандчилик билан айтмоқчиманки, биз билан ҳамкорлик бошлаётган нуфузли компания ва фирмалар бундай саволларни бермайди. Нима учун? Чунки бизнинг юртимизга ҳамкорлик қилиш мақсадида келаётган инсонлар фақат бизнесни ўйлайдиган, бизга чин дилдан ишонадиган ва энг муҳими, улар Ўзбекистонда бундай саволларга ўрин йўқ, деб ҳисоблайдиган одамлардир.

Улар бизнинг ёшларимизни кўриб, улар билан суҳбатлашиб, қани энди, ўз касбини пухта эгаллаган, хорижий тилларда бемалол гаплаша оладиган бундай ёшларни бошқа мамлакатларда ҳам кўрсак ва улар билан ишласак, деб орзу қилади. Бир сўз билан айтганда, улар Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини юксак баҳолайди.

Бугунги кунда хорижий ҳамкорларимизнинг «Сизларнинг ёшларингиз, болаларингизнинг кўзи

ёниб туради» деган сўзларини ҳар қадамда эшитиш қийин эмас.

Мен бу нимадан далолат беради, деб кўп ўйлайман. «Кўзи ёниб туради» дегани – бу, аввало, қандай иш, қандай мураккаб вазифа бўлса, мана, биз бормиз, ўз юртимиз, ўз Ватанимиз учун ишлашга, унинг номини бутун дунёга тараннум этишга тайёرمىз, деган азму шижоатли, бирон-бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмаган, янгича фикрлайдиган навқирон авлоднинг майдонга чиқаётганидан далолат беради. Бундай пок ният билан олдинга интилишга, ўзининг Оллоҳ берган имконият ва салоҳиятини Ўзбекистонимиз равнақи учун сафарбар қилишга, шунинг ҳисобидан авваламбор ўзи рози бўлиб, ҳаётдан ўрнини топиб яшашга бел боғлаган минг-минглаб йигит-қизларимизга нисбатан ана шу иборани ишлатиш, ҳақиқатан ҳам, ҳар томонлама ўринли бўлади. Яъни, бундай ёшларнинг кўзи ҳам ёниб туради, ҳаракати, интилиши ҳам шундай қатъий ва дадилки, менга имконият беринг, мен ўзимни кўрсатаман, деб ғурур билан яшайдиган бундай болаларни севмаслик, яхши кўрмаслик, улар учун барча-барча шарт-шароитларни яратиб бермаслик мумкинми, деб мен ўзимга ўзим савол бераман.

Шунинг учун қаерда бўлмасин, ҳар доим ана шундай ёшлар билан учрашиб, уларнинг орзу-интилишлари, эришган натижалари, иш режала-

ри ҳақида суҳбатлашишга, қўлимдан келганича уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан ва фурсатдан фойдаланиб, барчангизни шунга даъват этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Жаҳон тарихи барчамизга бир ҳақиқатни доимо эслатиб келади – ҳаётимиз тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, худди шу каби жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш бир муддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир.

Айниқса, бугун биз ХХІ асрда – интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётгани бу ҳақиқатни яна тасдиқлаб бермоқда.

Бундан қандай хулоса чиқариш керак?

Жавоб битта: бундай шароитда фақат эришган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина ўз эзгу мақсадларига эришиши мумкин.

Ҳаётнинг ана шундай қатъий талабини қайд этган ҳолда, **биз танлаган мақсад, яъни тараққий топган давлатлар каторига кириш, халқимиз ва келажак авлодимиз учун муносиб ҳаёт да-**

ражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлида биз амалга оширган ишларимиз эзгу ниятларимизга эришишнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз даркор.

Шунинг учун ҳам қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланмаслигимиз, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилмаслигимиз, аксинча, янги марралар сари интилишимиз, доимо изланиб яшашимиз, тараққиёт ва янгиланиш йўлидан изчиллик билан янада илгарилаб боришимиз зарур.

Ана шу фикр ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишида **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг узоқ ва давомли муддатга мўлжалланган стратегиямизни қабул қилдик, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Ўтган давр мобайнида Концепцияда белгилаб берилган 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмоқда.

Шулар қаторида, аввало, ҳар қандай демократиянинг асосий шарти бўлмиш ҳокимиятлар бўлишининг конституциявий принципи асосида

туб демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш бўйича ўзининг кўлами ва маъно-мазмунига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Натижада Конституциямизга давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – мамлакат Президенти, парламенти, ҳукумати ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар тақсимотини оптималлаштиришни таъминлашга қаратилган тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу тузатишлар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтирди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг принцип ва тартиби ўзгартирилди, ҳукуматнинг ваколатлари янада кенгайтирилди, унинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг Халқ депутатлари кенгашлари олдидаги масъулияти оширилди.

Конституциявий қонунчиликка Бош вазир лавозимига номзод Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилиши каби муҳим институтлар киритилди.

Конституцияда парламентнинг ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи, барча ҳокимият тармоқларининг ҳуқуқлари тенглиги ва мутаносиблигини таъминлашга қаратилган бошқа кўплаб қоидаларга аниқлик киритилди.

Бош қомусимизда парламент ва жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш механизмларининг мустаҳкамлангани ҳам ҳокимиятни демократик модернизация қилишда улкан аҳамият касб этди.

Сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу конституциявий ислоҳотларнинг энг муҳим асоси, уларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти ва гаровига айланмоқда.

Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда жиноий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизмини изчил ривожлантирган ҳолда, «Хабеас корпус» институтини қўллаш доираси кенгайтирилди.

Илгари бу институт фақат қамоқда сақлаш каби процессуал мажбурлов чораларига нисбатан қўлланганини эслатиб ўтмоқчиман. Эндиликда

шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муас-
сасага жойлаштириш ҳам фақат судьянинг санкци-
яси асосида амалга оширилиши мумкин.

Умумий юрисдикция судларининг таркибий ту-
зилмаси ва фаолиятининг ташкилий асосларини
такомиллаштириш, уларнинг кадрлар салоҳиятини
мустаҳкамлаш, суд ходимларини ижтимоий ҳимоя
қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам
муҳим аҳамият касб этди. Ишларни кўриб чиқиш
сифатини ошириш ва муддатларини қисқартириш
мақсадида фуқаролик судлари сони кўпайтирилди,
судья лавозимига номзодларга қўйиладиган та-
лаблар кучайтирилди.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот
эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширил-
ган демократик ўзгаришлар фуқароларнинг ахбо-
рот олиш ва уни тарқатиш борасидаги ҳуқуқ ва
эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот во-
ситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга,
мамлакатни демократлаштириш жараёларида
уларнинг ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Кенг миқёсда ўтказилган ҳуқуқий тажри-
ба яқунлари асосида жорий 2014 йилда қабул
қилинган, халқаро экспертлар ҳамжамиятида кат-
та қизиқиш уйғотган ва юксак баҳоланган «Давлат
ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти-
нинг очиқлиги тўғрисида»ги конун, ҳеч шуб-
ҳасиз, қабул қилинаётган қарорлар сифати учун

ҳокимият ва бошқарув органлари масъулиятини оширганини таъкидлашни истардим.

Юртимизда оммавий ахборот воситалари сони жадал ўсиб бормокда. Бугунги кунда уларнинг сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар, жумладан, газеталар 2,5 марта, журналлар эса 3,5 карра кўпайди.

Сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ҳам чуқур демократик ўзгаришлар амалга оширилди.

Асосий Қонунимизнинг 117-моддасига киритилган сўнгги тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш тизими ва шунингдек, унинг асосий фаолият принциплари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш учун масъул бўлган сайлов органларининг бутун тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

Ишончим комил, сайлов қонунчилигига киритилган, сайлаш эркинлиги ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий таъмоилни амалга оширишга қаратилган ана шундай ва бошқа қатор ўзгартиш ва қўшимчалар шу йил 21 декабрь куни Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган депутатлар сайловини Конституциямиз ва сайлов қонунчилиги ва ўз-ўзидан равшанки, халқаро

демократик қонунчилик талабларига тўла мос тарзда ўтказиш имконини беради. Бунга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тубдан соддалаштиришни таъминлади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг сиёсий онги ва тафаккурини юксалтириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, ишга жойлаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларда уларнинг роли янада ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу 2010 йилга нисбатан 1,6 марта кўпдир.

Иқтисодиётни демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»,

«Ракобат тўғрисида», янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур рухсат бериш тартиб-таомилларининг рўйхати ва турлари изчил қисқартирилди.

Кейинги йилларда рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 тури ёки 25 фоизи бекор қилинганини айтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман. Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган статистика, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакли ва даврийлиги 1,5–2 марта камайтирилди.

Мана шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Ўзбекистонда ҳозир бу соҳа вакиллари ялпи ички маҳсулотга қўшаётган ҳиссаси 54 фоизга етди. Бу рақам Россияда 20 фоизни ташкил этади. Агар ривожланган давлатларни оладиган бўлсак, бу борадаги кўрсаткич АҚШда 50 фоиз, Буюк Британияда 60 фоиздан иборат.

Буларнинг барчасини ҳисобга олиб, айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига нақадар катта эътибор қаратилаётгани, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга кенг имкониятлар туғдириб берганимиз, уларнинг йўлида турган тўсиқ ва ғовларни бартараф этга-

нимиз қандай улкан аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади. Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай кенг кўламли ўзгаришлар бир кунда бўладиган иш эмас.

Айнан ана шу ишларимиз ҳисобидан бозор ва дўконларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлмоқда, одамларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари таъминланмоқда, юртимизда тайёрланган товарларни нафақат халқимиз, балки хорижлик истеъмолчилар ҳам сотиб олмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётимиздаги улуши шу даражага етганини мамнуният билан таъкидлар эканмиз, унинг йўлини янада кенг очиб бериб, янада катта имкониятлар яратиш барчамизнинг бурчимиздир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўтган даврда тадбиркорликнинг миллий анъана ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шакли — оилавий бизнесни ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратилгани эътиборга молик.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг кучайиб бораётгани, радикализм, терроризм ва экстре-

мизм каби таҳдидлар бизни ташвишга солмасдан қўймайди, албатта.

Глобал маконда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани, товар бозорларида талабнинг кескин камайиб бораётгани ва конъюнктуранинг беқарорлиги кўпгина давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига, инвестиция фаоллигининг сусайиши ва четга капитал чиқиб кетишининг кучайишига олиб келмоқда.

Мана шундай кескинлашув ва жаҳон бозоридаги ноаниқ вазият кейинги йилларда ҳам давом этиши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, кутилаётган барча салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш учун барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик, сафарбарлик ва режаларимизга, аввало, **Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинади.**

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда, бутун жаҳон миқёсида сиёсий, иқтисодий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, энг муҳим устувор вазифаларимиз қаторида **иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, замонавий ахборот-коммуника-**

ция тизимларини кенг жорий этишни асосий мақсадимиз сифатида кўришимиз керак.

Албатта, Ўзбекистонда мустақил тараққиётимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ишлаб чиқаришни таркибий янгилаш, уни замонавий ва юқори технологиялар асосида жадал ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилганини қайд этиш ўринлидир.

Биз учун мутлақо янги бўлган тармоқлар ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари бутунлай янгитдан ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу корхоналарнинг тайёр маҳсулотлари жаҳон бозорида муносиб ўрин эгалламоқда.

Бу борада гап автомобилсозлик саноати, жумладан, енгил автомобиллар, юк ва махсус машиналар, двигателлар ва асосий бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳақида, шунингдек, янги моделдаги хорижий техникаларни ўзлаштириш негизида замонавий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, нефть-кимё ва нефть-газ саноатини ривожлантириш, темир йўл вагонлари, маиший электроника, фармацевтика ва микробиология тармоқлари ҳақида бормоқда.

Айнан туб таркибий ўзгаришлар, юқори технологияларга асосланган янги ва замонавий корхоналарни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш

ва модернизация қилиш борасида пухта ўйланган стратегия туфайли мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 1991 йилдаги 14 фоиздан бугунги кунда қарийб 25 фоизга ўсди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг улуши 34 фоиздан 17 фоизга камайди. Лекин бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари камайди, дегани эмас. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми ошиб бормоқда. Юқорида таъкидланганидек, юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1991 йилга нисбатан 5 карра ўсди.

Шундай экан, биз, ҳеч шубҳасиз, иқтисодиётимизни модернизация қилиш бўйича олиб бораётган ишларни асло сусайтирмаслигимиз, инвестиция сиёсати ва дастурларимизни ҳам ана шу мақсадларга мос ҳолда амалга оширишимиз даркор.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари бугун халқаро бозорда, эртага эса ички бозорда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайдиган эски ишлаб чиқариш қувватларидан воз кечиш, иқтисодий тараққиётимизнинг локомотивлари бўлган замонавий корхоналар ва юқори технологияларга асосланган комплексларни барпо этиш билан бирга, етакчи тармоқ ва зарур инфратузилмаларни модернизация қилиш бўйича чуқур ва пухта ўйланган дастурларни изчил амалга ошириш керак.

Бизнинг жаҳон экспорт бозорида мустаҳкам ўрин олишимиз учун, мамлакатимизда молиявий ва иқтисодий барқарорликни, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш учун ишончли замин яратиб берадиган, бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг зарур сиёсат ана шундан иборат.

Бир сўз билан айтганда – сифати паст, нархи баланд маҳсулотга йўл қўймаслик керак.

Бизнинг эътиборимиз марказида туриши керак бўлган энг муҳим масалалардан яна бири – бу Конституциямизга мувофиқ кўптармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш, уларнинг эркинлигини таъминлашдир.

Ҳозирги вақтда айни мана шундай ўта долзарб масаланинг кун тартибига кескин қўйилиши, ҳеч шубҳасиз, шу залда ўтирган мулкдорлар, кичик бизнес эгалари ва хусусий тадбиркорлар, умуман, бутун халқимизнинг руҳини кўтаришга, эртанги кунга янада катта ишонч билан қарашига асос беради, десам, сизлар бунга қандай қарайсиз?

Ўтган йиллар давомида юртимизда хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий

асослар яратиш, хусусий мулкдорлар учун зарур шароит ва кафолатлар туғдириб бериш бўйича кўп ишлар қилинди. Шу йиллар мобайнида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларидаги давлат мулки ҳисобланган – шунга эътибор беринг – 31 мингдан зиёд корхона хусусий мулкдорлар ва акциядорлар ихтиёрига берилди. Қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат турларининг барчаси ва бошқа кўплаб тармоқлар деярли тўлиқ хусусий мулк соҳасига ўтказилди.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган тўқимачилик, трикотаж, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, мебель саноати, уй-жой секторида давлат мулкининг улуши кескин камайди.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақидаги фикрларни давом эттириб айтмоқчиман: биз бу борада биринчи навбатда хусусий мулк учун барча йўлларни очиб беришимиз, хусусийлаштириш механизмларини соддалаштиришимиз керак.

Бир иш учун мингта ҳужжат талаб қиладиган вақтлар ўтиб кетди. Бизнес дегани осон иш эмас. Бизнес билан шуғулланадиган инсон ўз елкасига катта масъулият олади. Тадбиркор, авваламбор, ўзини, оиласи ва болаларини боқади, шу билан бирга, мамлакатимиз тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, юртимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг айнан хусусий мулк устувор бўлган соҳа ва тармоқларида ўсиш суръатлари ва меҳнат унумдорлиги бошқа тармоқларга қараганда барқарор равишда юқори бўлиб келмоқда.

Хусусий секторнинг улуши ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматлари, мобиль алоқа тармоқлари, қурилиш ишлари ва бошқа соҳаларда ҳам юқоридир. Бу эса, ўз навбатида, кўп нарсадан далолат беради.

Шундан яна бир хулоса чиқиши даркор. Яъни, **биз иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қандай бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз лозим.**

Бу борада маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб қолаётган ҳар қандай шакллари-дан воз кечиб, давлат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаб қўйишимиз, савдо операцияларини асосан биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимиз зарур.

Корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш ҳам ғоят жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Ривожланган давлатларда, айниқса, саноат ишлаб чиқариш соҳасида, мулкчиликнинг ана шу шакли асосий ўрин эгаллайди.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлаётгани мулкчиликнинг энг мақбул ва ўзини оқлаётган шаклидир.

Ҳозирги вақтда юртимизда 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Албатта, бундай йирик лойиҳалар кўп, лекин мен уларнинг айримлари ҳақида тўхталиб, уларнинг номини тилга олиб ўтмоқчиман, таъбир жоиз бўлса, уларни сизларга реклама қилмоқчиман. Бундай корхоналар бизга фақат амалий ёрдам ва кўмак берапти. Ана шундай корхоналар ҳақида юксак минбарлардан туриб, кўпроқ гапирсак, ўйлайманки, уларнинг фаолиятига, маҳсулотига эътибор кучаяди.

Бундай самарали лойиҳалар ҳақида гапирганда, машинасозлик соҳасида АҚШнинг «Женерал моторс», Германиянинг «МАН», «Клаас», Япониянинг «Исузу» компаниялари, нефть-газ соҳасида Жанубий Кореянинг «Лотте кемикал» ва «Когаз» компаниялари, кимё саноатида Испаниянинг «Максам» компанияси, тўқимачилик саноатида Сингапурнинг «Индорама», Жанубий Кореянинг «Дэу текстиль», «Янг вон», Швейцариянинг «Ритер» компаниялари, ахборот-коммуникация тех-

нологиялари соҳасида Хитойнинг «Хуавей» ва «ЗТЕ», озиқ-овқат саноатида Швейцариянинг «Нестле» компанияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда Германиянинг «Кнауф», Хитойнинг «Пенг Шенг», фармацевтика саноатида Швейцариянинг «Нобель» компаниялари ва шунингдек, бошқа кўплаб хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар ҳақида сўз юритиш мумкин.

Дунёда ном қозонган бундай компаниялар билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз қисқа вақт ичида иқтисодиётимиз тармоқларини тубдан модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг турини кўпайтириш, жаҳон бозорларига рақобатдош янги маҳсулотлар билан чиқиш имконини бермоқда.

«Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» махсус иқтисодий зоналарини ташкил этиш ҳисобидан чет эллик инвесторлар билан йўлга қўйган ҳамкорлигимиз ўзининг юксак самарасини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистонда маҳаллий ва чет эллик инвесторлар нафақат маблағ сарфлаб, даромад олмоқда, балки корхоналарни биргаликда бошқармоқда, хорижлик муассислар қўшма корхонага, аввало, илғор технологияларни олиб кирмоқда, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий қилмоқда.

аминманки, ҳамкорлик ҳеч қачон ҳеч қаерда зарар келтиргани йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз муайян бир давлат билан, у дунёнинг қайси чеккасида жойлашганидан қатъи назар, ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш йўлидан борамиз. Бу борада аввал – иқтисод, кейин – сиёсат деган тамойилимизга бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиёт тармоқларида давлат улушининг мавжудлиги ва самарадорлигини, бошқача айтганда, «иқтисодиётдаги давлат»нинг ролини кенг миқёсда танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда **хусусий секторнинг иқтисодиёт тармоқларидаги иштирокини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича янги чора-тадбирларни белгилаш вақти келди.**

Бундай корхоналардаги давлат улушини хусусий секторга, жумладан, янги инвесторларга, улар томонидан ана шу корхоналар негизида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан ноль қийматида сотиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, демократик ва бозор ислохотлари йўлидаги изчил ҳаракатларимизнинг мантиқи биздан доимо илгарилаб боришни талаб қилмоқда. Бу борада жаҳон бозори-

да кескин рақобат кучайиб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бундай вазият Ўзбекистонда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун уларнинг йўлидаги, шунинг яна таъкидлаш керак, ҳар қандай қаршиликни олиб ташлашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Бу вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, биз мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг ишончли таянчи ва пойдевори деб биладиган ўрта синф – мулкдорлар синфини шакллантириш ва унинг мавқеини мустаҳкамлаш учун янги рағбатлантирувчи омиллар ва истиқболларни яратиб беради, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ҳурматли юртдошлар!

Соғлом бола йили деб ном олган жорий 2014 йилимиз ҳам ўз якунига етмоқда. Барчамиз учун, бутун халқимиз учун чуқур амалий маъно-мазмунга эга бўлган мақсадларни, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу ва пок ниятларимизни ўзига қамраб олган ана шу йил муносабати билан қабул қилган умуммиллий Дастуримизнинг бажарилиши бўйича қисқача тўхталиб ўтсак, айтиш мумкин бўлар эди.

Дастур доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган амалдаги ҳуқуқий-меъёрий базани янада такомиллаштириш бў-

йича 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014–2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида» қабул қилинган қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир, деган ҳаётий ҳикматдан келиб чиққан ҳолда, йил давомида оилада ўзаро ҳурмат муҳитини, унинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этиш соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, шу асосда ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Жумла-

дан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказадиган поликлиникалар замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Энг муҳими, янги оила кураётган 2 мингдан ортиқ ёшларда турли касалликлар аниқланиб, улар амбулатор ва стационар шароитда даволанди.

«Соғлом она – соғлом бола» лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди.

Муҳим амалий масалалардан бири – аёлларимизни тадбиркорлик соҳасига жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида камида 50 фоиз ишчи-хизматчилари хотин-қизлардан иборат бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 770 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Аҳолимиз, аввало, муҳтарам опа-сингилларимизнинг талабига мувофиқ, юртимизда, шу жумладан, чекка қишлоқларда «Гўзаллик салон»лари, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шохобчаларидан иборат 150 дан ортиқ хизмат кўрсатиш комплекси барпо этилгани турмуш маданиятини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Эсингизда бўлса, бундай «Гўзаллик салон»-ларини ташкил этишни аввало Фарғона вилоятида бошлаган эдик. Бугун ана шу эзгу ишларимизни давом эттириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Албатта, телевидениенинг, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан фойдаланиб, бу соҳага масъул бўлган катта-кичик раҳбарлар олдига қатъий талаблар қўйиб, уларнинг фаолиятидан жамоатчиликни хабардор қилиб боришимиз зарур. Мамлакатимиз бўйича қайси туман ёки ҳудудда ҳокимлар бу масалага жиддий эътибор қаратмоқда, қайси ҳоким бундан умуман узоқ бўлиб юрганини аниқлаб, бу ҳақда ҳам очик гапиришимиз керак.

Мен доимо муҳтарама опа-сингилларимизга ҳурмат-эътибор кўрсатиш ҳақида гапириб, уларни дунёдаги энг гўзал аёллар деб, ҳаётимиз чароғбони деб улуғлайман, ҳар доим уларнинг оғирини енгил, ҳаётини мазмунли қилиш устида ўйлаб юраман. Биз хотин-қизларимизга ўзининг Худо берган гўзаллиги ва нафосатини намойиш қилиши учун имконият туғдириб беришимиз керак.

Ҳарб мамлакатларида яшайдиган аёлларни олиб қарайдиган бўлсак, улар ўзига зеб беришга, ўзини парвариш қилишга бир кунда қанча вақт сарфлайди? Камида икки соат. Энди бу залда ўтирган эркакларимиздан сўрамоқчиман: бизнинг

аёлларимиз ҳам ўзига оро бериши учун озгина вақт ажратса, нима бўлади? Мен ишонаман, озгина ўзига пардоз берса, ўз турмуш ўртоғингизни танимай қоласиз.

Шундай экан, туманларимизда, ҳатто узоқ-узоқ қишлоқларимизда яшаётган аёлларни жуда бўлмаса ҳафтада бир марта гўзаллик салонига ўзи олиб бориб, онаси, мен бир соатдан кейин сизни олиб кетаман, дейдиган эркакларни мен ҳақиқий мард деб атаган бўлардим.

Азиз дўстлар!

Бизнинг эътиборимиз марказида турган касб-хунар коллежлари битирувчилари орасидан ўз бизнесини ташкил қилишга интилаётган йигит-қизларга 170 миллиард 700 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратиб берилгани ва улар ўз хусусий ишини очиш имконига эга бўлганининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ўта муҳим муаммоларни ечишга имкон берди.

Шу билан бирга, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, уни қуриш ва реконструкция қилиш, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фоизсиз қарз маблағлари ажратилди. Ана шундай тадбирлар қаторида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 1 миллиард 500 минг сўм қийматидаги маиший электр тех-

ника воситалари кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилганини қайд этиш лозим.

Соғлом бола йили давомида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган **тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш** борасида 137 та тиббиёт муассасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўптармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги туғруқ комплекси, Тошкент шаҳридаги болалар санаторийси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканларида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилганини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, хорижий молия институтларининг 28 миллион 500 минг долларлик кредит ва грант маблағлари ҳисобидан туман тиббиёт бирлашмалари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология муассасалари, вилоят шифоналари замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Шу билан бирга, яна бир ўта муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчи эдим.

Бугунги кунда юртимиздаги етакчи клиника ва тиббиёт марказларида энг илғор технологиялар ёрдамида ноёб операциялар амалга оширилмоқда. Масалан, Республика ихтисослаштирилган педиа-

трия илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган мураккаб операциялар туфайли 100 нафар бола-нинг эшитиш қобилияти тикланди. Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуасида эса сўнгги икки йилда 5 минг 200 нафардан ортиқ бемор жарроҳлик операцияларини бажармасдан туриб даволанди.

Ўйлайманки, мана шу фурсатдан фойдаланиб, катта билим ва малака талаб этадиган айни шундай ўта нозик операцияларни амалга ошираётган, ноёб истеъдодга эга бўлган, ўзимиздан чиққан моҳир хирургларга, бошқа мутахассисларимизга миннатдорлик билдиришимиз, уларга керак бўлган ёрдамимизни янада кучайтириш, янги имкониятларни очиб бериш учун ҳеч қандай маблағларни аямаслигимиз зарур, десам, барчамизнинг фикримизни билдирган бўлар эдим.

Фарзандларимиз ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бу йил миллий эмлаш календарига ротавирус вакцинаси киритилиб, қарийб 300 минг бола ушбу вакцина билан эмланди.

Мамлакатимизда ногирон болалар туғилишининг олдини олишдек олижаноб мақсадни амалга оширишда республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган, нуфузи ва самараси тобора ортиб бораётган скрининг марказларининг ролини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим.

Бугунги кунда ана шундай ўта муҳим муаммони ечишда бу марказлар катта ўрин тутмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида ушбу марказлар томонидан 20 мингдан ортиқ нуқсонли бола туғилишининг олди олинганини ҳеч нарса билан ўлчаб-қиёслаб бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу йўлда амалга ошираётган ишларимиз, сарфланган маблағ, куч ва имкониятларимиз натижасида қанчадан-қанча гўдакларнинг бенуқсон дунёга келиши, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши, аввало, шу боланинг ўзи, ота-онаси ва оиласи учун, бутун жамиятимиз учун қандай қувонч ва бахт келтиришини тасаввур қилишнинг ўзи кийин, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, соғлом бола, соғлом авлодни камол топтиришдек эзгу ишга ўзини бағишлаган ва шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимларига самимий миннатдорлик билдираман.

Бу соҳада чет мамлакатлардаги нуфузли тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда ишлашимиз ва улардаги илғор тажрибаларни Ўзбекистонимизга олиб келиб, жорий қилишимиз – бу барчамизнинг бурчимиз. Бундан ҳеч қачон ҳеч ким тортинмаслиги керак. Бугунги глобллашув даврида дунёнинг қайси бир чеккасида бизга фойдаси тегадиган ян-

гилик бўлса, уни юртимизга олиб келиш керак. Бунинг учун мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчилари билан ҳам бамаслаҳат иш олиб боришимиз, мунтазам равишда ўзаро маълумот ва ахборот алмашишни йўлга қўйишимиз лозим. Жаҳондаги энг илгор тиббий технологияларни нафақат шаҳарларимизда, балки узоқ қишлоқларимизда ҳам кенг жорий этиш лозим. Дунёда инсон саломатлигини асрашдан ҳам савобли иш борми ўзи?

Ана шундай юксак мақсадлар йўлида чет давлатлар билан самарали ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича 2014 йилда амалга оширган ишларимизни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тошкент шаҳрида тўртинчи, яъни энг юқори даражали кўптармоқли замонавий болалар шифохонасини қуриш ва жиҳозлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Корея Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит шартномаси имзолангани бунинг яққол далилидир. Қарийб 103 миллион доллар ҳисобидан барпо этиш кўзда тутилган, ҳар жиҳатдан ноёб ушбу тиббий марказни, насиб этса, 2017 йилда ишга туширамиз.

Қадрли ватандошлар!

Ўтган давр мобайнида замонавий ахборот-коммуникация тизимидан, Интернетдан кенг фойдаланиш ҳисобидан таълим-тарбия сама-

расини кучайтириш, болалар, айникса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича кенг кўламдаги ишларимиз давом эттирилди.

Дунёдаги турли-туман нуфузли беллашувларда Ватанимиз шухратини тараннум этиб келаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормокда. Мисол учун, бу йил юртимиз ўқувчиларидан 10 нафари хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида «Гран при» деб аталадиган энг юқори совринни, 60 нафари эса биринчи ўринни қўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир.

Спорт соҳасини оладиган бўлсак, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг чорак финалида ғалаба қозониб, қитъамиздаги тўртта давлатдан бири сифатида келгуси йили Янги Зеландияда бўладиган Жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритгани барчамизни албатта қувонтиради.

Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, жами ўнта медалга эришгани ҳам йил давомидаги катта спорт ютуқларимиз қаторига киради. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида эса юртимиз фарзандлари 9 та олтин, 14 та ку-

муш, 21 та бронза, жами 44 та медалга сазовор бўлиб, юксак шоҳсупага кўтарилди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бундай ютуқлар замирида, биринчи навбатда, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган доимий эътибор мужассам экани барчамизга яхши аён.

Дастур доирасида қизларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида уларга 6 миллиард сўмлик спорт кийимлари тўплами бепул берилгани ана шундай ғамхўрликнинг яна бир амалий намунасидир. Шулар қаторида мактаб ўқувчилари учун 34 миллион 500 минг нусхадаги дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар юртимиздаги таълим олиб бориладиган 7 тилда нашр қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимизда илк бор мактаб оstonасига қадам қўядиган ўғил-қизларимизни дарслик ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланган. Жорий йилда ҳам қарийб 587 минг 1-синф ўқувчиси салкам 28 миллиард сўм қийматидаги дарслик ва ўқув анжомлари билан таъминланди. Шунингдек, умумтаълим мактабларидаги чет тили фани, аввало, инглиз тилини ўрганиш учун мўлжалланган ўқув хоналари 45 миллиард сўмлик замонавий ахборот-коммуника-

ция технологиялари, техник воситалар билан жиҳозлангани фарзандларимизнинг билим ва кўникмаларини янада чуқурлаштиришга пухта замин яратмоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз учун энг устувор ва улуғвор вазифа бўлган баркамол ва етук, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялаш борасида жойларда нафақат давлат, балки нодавлат ва жамоат ташкилотлари, бизнес тузилмалари иштирокида катта-катта ижтимоий объектлар қурилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Авваламбор, «Меҳрибонлик» уйлариининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг тарбияланувчиларига ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида амалга оширган ишларимиз, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган шиоримизни яна бир бор эслаб ўтишни истардим. Чунки, бу дунёда ҳеч бир нарса изсиз кетмайди. Яхшилик қилган одамга албатта яхшилик қайтади. Ўзига қайтмаса, болалари, набираларига қайтади. **Муқаддас китобларимизда айтилганидек, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир.**

Албатта, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида

яна узоқ гапириш, кўпгина рақам ва мисолларни олиб келиш мумкин. Лекин уларнинг барчасини мухтасар қилиб ифода этадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларида зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай эзгу ишда фаол қатнашган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, хорижий ва халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет давлатларнинг мухтарам элчиларига, бу савобли ишга ҳисса қўшган, холис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Энди мамлакатимизда яхши анъана ва одатга айланиб қолган тажрибамиз асосида кириб келаётган янги – 2015 йилга ном бериш ҳақида сиз, азизлар билан маслаҳатлашиб олсак, айти муддао бўларди.

Барчамизга яхши маълумки, ўтган давр мобайнида юртимизда йилларга қандай ном бермайлик – бу «Оила» ёки «Аёллар» йили бўладими, «Соғлом авлод» ёки «Соғлом бола» йили бўладими, «Обод маҳалла» ёки «Обод турмуш» йили бўладими – бу-

ларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, чуқур маъно ва мазмунга эга.

Бошқача айтганда, бу каби олийжаноб мақсадларни кўзда тутиб амалга оширган тадбирларимиз аввало жамиятимизни янада эркинлаштириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилиш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда, Ватанимизнинг обрў-эътиборини халқаро майдонда юксалтириш йўлида муҳим амалий қадам бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу билан бирга, мана шундай эзгу тадбирларни ўтказиш туфайли халқимизни янада жипс-лаштириш, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни, оилани янада мустаҳкамлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, аёл зотига, авваламбор, оналарга чексиз меҳр ва эҳтиром сингари қадриятлар аҳолимиз, хусусан, ёшларимизнинг қалби ва шуридан чуқур ўрин олаётганини ҳисобга оладиган бўлсак – буларнинг барчасининг аҳамияти ва моҳиятини баҳолаш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лўнда қилиб айтганда, бизнинг эътиборимиз марказида турган айни шу хусусият ва фазилатлар, бугунги замон ва ҳаётимизнинг ўзи талаб қилаётган ўткир ва долзарб масалалар кириб келаётган янги йилларга ном бериш бўйича бизнинг рўйхатимизда турса, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг хоҳиши ва талабига жавоб берадиган иш бўлар эди.

Айни шу шартларни ҳисобга олган ҳолда, мен кириб келаётган 2015 йилга мамлакатимизда **Кексаларни эъзозлаш йили**, деб ном беришни таклиф этаман.

Азиз юртдошлар!

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва гамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Бир ўйлаб кўрайлик, «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қариялар — хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси» деган мақол ва ҳикматли сўзларимизда қандай чуқур маъно бор.

Ҳақиқатан ҳам, қайси хонадонда нуроний ота-хон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровоилик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз.

Шу боис бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, кўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.

Ватанимизнинг мусаффо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмаслик, она юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшгани, мамлакатимизни тиклаш, унинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маънавий салоҳиятини оширишда нуроний кексаларимиз намоён этган фидойиликни биз ҳамиша катта миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугун фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни кучайтириш, самарасини ошириш зарур.

Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аجدодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, бугун Яратганнинг бизга берган ҳар бир кунини маъноли ва сермазмун ўтказишда беқиёс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди.

Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар – шунга эътибор беринг – 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ниманинг исботи? Бу аввало, истиқлол даврида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати тобора ортиб бораётганидан, ёши улуғ одамларимиз яхши ният, эртанги кунимизга катта умид билан яшаётганидан, уларнинг қалби софлигидан далолат беради.

Хонадонларимиз кўрки бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама кадрлаш мақсадида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир.

Дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиз-

дан зиёдини ташкил этиши ҳам шундан далолат беради.

Бу борада 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармониға асосан уларни ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилгани сизларға яхши маълум, деб ўйлайман.

Айни вақтда кекса авлод вакиллариға нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар томонидан ҳам моддий ва маънавий кўмак берилаётгани ва бундай ёрдамнинг миқёси кенгайиб бораётгани эътиборға сазовор. Хусусан, 2013 йилда «Нуроний» жамғармаси томонидан шу мақсадда 610 миллион сўм, жорий йилнинг 9 ойида эса 553 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан 2013 йилда 1 миллиард 597 миллион сўмдан зиёд, шу йилнинг ўтган 9 ойида эса 1 миллиард 614 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Табиийки, анъанаға айланиб қолган тартиб бўйича, 2015 йилға Кексаларни эъзозлаш йили деб ном беришимиз муносабати билан давлат дасту-

ри қабул қилинади ва бу дастурни амалга ошириш учун махсус ҳукумат комиссияси тузилади.

Мазкур дастурни ишлаб чиқишда бугунги кунда кекса авлод вакилларининг ҳаётига дахлдор бўлган, ҳали-бери ечилмаган муаммоларни ҳал қилиш, бир сўз билан айтганда, йилга шундай ном берганимиз ўзини амалда оқлашини дастурнинг асосий мақсади сифатида кўриш керак.

Азиз ватандошлар!

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юрти-мизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш – дунёдаги энг улуг, энг савобли иш десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Кириб келаётган янги йилга Кексаларни эъзозлаш йили деб ном бериб, уни мана шундай пок ният ва ҳаракатлар билан бошлаётганимиз 2015 йилнинг тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва тўқинлик йили бўлишига, унинг янада мазмунли ўтишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, иншоолло.

Сўзимни якунлар эканман, барчангизга, мана шу гўзал залда тўпланган сиз, азизларимга, сизлар орқали бутун эл-юртимизга қарата айтмоқчиман: **асрлар синовидан ўтган мана шундай ўлмас**

кадриятларга таяниб, ўз кучи ва қудратига ишониб-инониб яшаётган халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди. Биз ўз мақсадларимизга албатта эришамиз ва кўзлаган марраларимизга албатта етамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Сизларни Конституциямизнинг 22 йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги маъруза.
2014 йил 5 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошларим!

Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юртдошларимга аввало ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Айни шу дақиқаларда якунига етиб бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлмиш – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Айниқса, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётимизда чуқур из қолдириши муқаррар.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли, ҳақиқатан ҳам, ғурур ва ифтихорга тўлади.

Айтиш керак – ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизнинг санокли давлатлар қаторида охирги 10 йил давомидаги иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиш суръатлари узлуксиз равишда 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайди, иншооллоҳ.

Азиз юртдошларим!

Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам қўяётганида, обод ва фаровон ҳаёт қураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Бунга иқрор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узоқ атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилиқлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч кимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта.

Минг афсуски, бундай кескинлашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг кутилиши – бундай таҳликали аҳвол барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик ва сафарбарлигимизни оширишни, содда қилиб айтганда – бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Бир муҳим масалани эсимиздан, ҳаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир

жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз ХХІ асрда, глобллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшаши мумкин.

Айни шу ҳақиқатни англаган ҳолда, 2015 ва келгуси йилларнинг режалари ва янги марраларни эгаллаш ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришган ютуқларимизга, тўплаган тажрибамизга суяниб, келажагимиз стратегиясига айланган Концепциямиз асосида олиб бораётган ишларимизни изчил суръатлар билан давом эттиришимиз зарур.

Шу борада амалга ошираётган барча ислохотларимизнинг туб илдизи – томирида ётган масалаларга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Сўз кўптармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси ҳақида – хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни

олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Яна бир устувор масала – бутун жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини узлуксиз техник, технологик янгилаб бориш ва модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишдир.

Шу масалалар билан чамбарчас боғланган яна бир вазифа – иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қай даражада бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришдан иборат. Очигини айтганда, мана шу ўта муҳим ислохотларимизни ярим йўлда қолдирмасдан, мантиқий якунига етказсак – марра бизники.

Бошқача айтганда, айни шу асосда эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳали-ҳамон мерос бўлиб келаётган, одамларнинг норозилигини кўзгаётган барча қолдиқлардан воз кечишга имкон туғдирамиз, улардан озод бўламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги – 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани

ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтасар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмасдан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилик авваламбор бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу тадбирлар ҳисобидан меҳнаткашларимиз камида 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёзларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навонинг ўсиши тахминан 5,5–6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Келгуси йилда одамларимизнинг тураржой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилади.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Қадрли дўстларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, мухтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада тегран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллий ўзлигимиз тимсолига айланиб кетган каттага — ҳурмат, кичикка — иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни яна-

да мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига сингдиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг гувоҳи бўлдик.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланаётган ёш авлодимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳукукий маданияти юксалиб ва энг муҳими — эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қуряпмиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намоёйиши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен яқинда, Конституциямиз байрамига бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди, албатта, азизларим.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқи-

шини, хонадонларимизнинг қут-барақаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 31 декабрь*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
БИРИНЧИ ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШИДАГИ
НУТҚ**

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Азиз дўстлар!

Авваламбор, юртимизда Конституциямиз ва қонунларимиз асосида, қизғин курашлар руҳида бўлиб ўтган сайловларда эл-юртимизнинг ишончини қозониб, Қонунчилик палатаси депутати деган юксак шарафга сазовор бўлган сиз, мухтарам халқ вакиллари чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мен кўпчилик мана шу мухташам залда ўтирганларни яқиндан билмасам ҳам, бугун сизларнинг иссиқ юзингизни, очик чеҳрангизни кўриб, ўзимни худдики сизлар билан яқиндан танишгандек ҳис қилмоқдаман.

Ҳар қайси инсоннинг ҳаётида унинг ҳаёлида, хотирасида умрбод сақланиб қоладиган унутилмас воқеалар бўлади.

Сизларнинг барчангиз учун бугун ана шундай катта хурсандчилик куни, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизлар муяссар бўлган, юртимиз ҳаётида улкан воқеа бўлган бундай шарафга эри-

шиш, яъни, халқ вакили бўлиб, беш йил давомида парламентда иш олиб бориш, сайловчилар билдирган юксак ишончни оқлаш – **бу катта бахт, шу билан бирга, катта масъулият** демакдир.

Ҳақиқатан ҳам, эл-юрт ишончига муносиб бўлиб, олдимизда турган буюк мақсадлар учун, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш йўлида ўзини бахшида қилиш, вақти келганда, Ватанимизни янада равнақ топтиришда менинг ҳам қўшган ҳиссам бор, деб мамнун бўлиб, рози бўлиб яшаш ҳаммага ҳам буюрмайди.

Шу маънода, бугун мана шу гўзал ва ҳашаматли, янги тарихимиздаги кўп унутилмас воқеаларга гувоҳ бўлган бинога айна шундай ҳиссиётлар билан қадам қўяётган сиз, мухтарам депутатларга жамоатчилигимиз, сайловчиларимиз, ўттиз бир ярим миллионли халқимиз гўёки оқ фотиҳа бермоқда, десам, ўйлайманки, адашмаган бўламан.

Менинг сизлар билан бугунги учрашув, бугунги чиқишимдан асосий мақсад – Олий Мажлиснинг аввалги таркибида иш олиб борган депутатлар фаолиятига баҳо бериш, янги сайланган парламентнинг вазифалари ҳақида сўз юритиш эмас.

Насиб этса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг яқинда бўладиган қўшма мажлисида бу ҳақда атрофлича, чуқурроқ гаплашиб оламиз.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, аввало, сиз, азизларим билан кўришиб, сизларни чин қалбимдан табриклаб, мамлакатимизни замон талаблари асосида, барқарор суръатлар билан тараққий эттириш, бунинг учун кенг кўламли демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, шу борада олдимизда турган энг долзарб масалалар ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни истардим.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз ғоят мураккаб, таҳликали ва қалтис бир замонда яшаётганимизни барчангиз яхши биласиз.

Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ-яқин турли ҳудудларида юз бераётган ташвишли воқеалар, жумладан, бизнинг минтақамизда, ён-атрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, конли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка қандай катта таҳдид туғдираётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз ҳушёрлик ва сергаклигимиз-

ни йўқотмасдан, кимлар бизга хайрихоҳ, кимлар ғаразли кўз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қўяётганини чуқур англаб, огоҳ, сезгир ва сафарбар бўлиб яшашимиз талаб қилинмоқда.

Мана, собиқ Иттифокнинг парчаланиб кетганига 23 йилдан ошди. Бир пайтлар унинг таркибида бўлган республикалар аста-секин оёққа туриб, қад ростлаб, мустақил тараққиёт йўлида қадам қўйишга интилмоқда.

Айнан бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистонимизни оладиган бўлсак, Яратганга минг бора шукурлар бўлсинким, бугунги кунда, аввало, халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати ҳисобидан эришаётган ютуқ ва марраларимизни дўстларимиз ҳам, мухолифларимиз ҳам тан олмоқда, ислохотларимиз самарасини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Баъзи давлатлар, қани, биз ҳам шундай натижаларга эришсак, деб бизга ҳавас билан қараётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, айрим собиқ иттифокдош республикаларнинг бугунги ривожланиш даражаси ва улар дуч келаётган иқтисодий-ижтимоий муаммоларни Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёти билан солиштирадиган бўлсак, ўртада қандай катта фарқ борлигини яққол кўриш, кузатиш қийин эмас.

Биз тарихан қисқа даврда, ўтган асрнинг 90-йилларида, энг оғир ва таҳликали бир шароитда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан, четдан бўлган турли тазйиқлар ва сохта ваъдаларга учмасдан, Ўзбекистонимиз учун яккаю ягона тўғри, яъни тадрижий, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлаб олганимиз, узоқни кўзлаб, етти ўлчаб бир кесган ҳолда, бошқача айтганда, шош-машошарликка берилмасдан, «Мен минтақада биринчиман, мен дунёда биринчилар қаторидаман», деган мақтов сўзларни ишлатмасдан туриб, **пухта ўйланган вазмин сиёсат олиб борганимизни бугун ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботлаб бермоқда.**

Айнан ана шундай тўғри йўлни танлаганимиз туфайли мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш, халқимиз ва келгуси авлодларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитларини яратиш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш бўйича **улкан, айтиш мумкинки, асрларга тенг бўлган йўлни босиб ўтдик.**

Бугун мустақил тараққиёт йўлимизни, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни ўринли деб биламан. Яъни, янги ҳаёт, янги

жамият куриш йўлида биз илгари ҳеч қачон дуч келмаган, тажрибамизда учрамаган ўта оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келди.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай суронли ва тўфонли кунларни бошимиздан кечирган бўлмайлик, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Мана шундай ўта таҳликали вазиятда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белни маҳкам боғлаб, қандай оғир бўлмасин, ўз йўлимизда қатъият билан давом этганимиз, чет мамлакатлардан таклиф қилинаётган сармояларни эл-юртимиз манфаатини кўзда тутиб, чуқур ўйлаб ишлатганимиз, такрор айтишим керак, биз учун энг тўғри йўл бўлди. Шу тариқа биз нафақат сиёсий, аввало, иқтисодий мустақиллигимизни сақлашга ва мустаҳкамлашга эришдик.

Маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларида бошқа совет республикалари қатори Ўзбекистон ҳам мустақил тараққиёт йўлига ўтди. Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. «Пахта иши»

деган уйдирма ва бўхтонлар, Марказдан юборилган, ўзини «десантчилар» деб агаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва гурурини оёғости қилиб амалга оширган кирди-корлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла очиб бериш лозим. Афсуски, тарихчиларимиз, адибларимиз бу ҳақда кам ёзади. Ҳолбуки, биз учун олис тарих бўлган Амир Темури, Мирзо Улуғбек даври ҳақида қанча китоблар ёзилган. Ёзилиши керак ҳам. Айни пайтда биз бошимиздан кечирган кечаги кун, яқин тарихимизда бўй берган мана шундай фожиа-ли воқеаларни ҳам бугунги ва келажак авлодларимизнинг онгу шуурига етказиш ҳақида ҳам бош қотиришимиз зарур. Униб-ўсиб келаётган ёшларимизни тарих сабоқлари билан, тарих ҳақиқати билан қуроллантириш лозим. Мактабларимизда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларимизда айни шу мавзуларни холис ва ҳаққоний ёритиб беришга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз керак. Бунинг учун аввало мустақилликка эришиш арафасидаги оғир кунларни бевосита кўрган, шу воқеаларнинг гувоҳи бўлган одамларнинг эсдалик ва хотираларини ёзиб олиш зарур.

Шуни эсда тутиш керакки, тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ.

Бугунги кунда баъзи мамлакатларда эски совет даврини қўмсаш, ўша замонга қайтиш учун

турли уринишлар бўляпти. Айрим хорижий телеканалларда Ленин даврини, Сталин даврини, СССРни улуғлаш кайфиятлари кучайиб боряпти. Бундай қараш, бундай ёндашув бизга асло маъқул эмас. Бизнинг ўз ақлимиз, билим ва тажрибамиз, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган йўлимиз бор. Биз қарамлик ва тутқунликка қайтишга ҳеч қачон рози бўлмаймиз. Ота-боболаримиз айтганидек, кўр ҳассасини бир марта йўкотади.

Мен Конституциямизнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда билдирган фикримни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман – биз эски тузумни тиклашга қаратилган ҳеч қандай иттифоққа ҳеч қачон қирмаймиз, мустабид совет даврига асло қайтмаймиз. Шахсан мен бутун ҳаётимни, бутун умримни халқимизнинг озодлигига, Ватанимиз мустақиллигига бағишладим ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмайман.

Маълумки, иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб сиёсий мустақилликка эришиб бўлмайди. Ёдингизда бўлса, 90-йилларда четдан бизга маслаҳат берадиган, ақл ўргатадиган қандай «доҳий»лар, қандай иқтисодчилар майдонга чиққан эди. Улар бошқаларнинг тажрибасидан кўр-кўрона нусха олишга, мавжуд вазият, миллий хусусият ва анъаналарни четга суриб қўйиб, қанчалик урингани ҳали-ҳамон эсимизда.

Халқимизда бир эшикка киришдан олдин чиқишии ўйлаш керак, деган мақол бор. Ўзингиз ўйланг, қарз ҳисобида олган сармояларни қаёққа ишлатишни олдиндан пухта ўйламасдан, аниқ стратегик лойиҳаларни амалга ошириш ўрнига бошқаларга ўхшаб, еб қўйган бўлганимизда, бугун қандай аҳволда бўлардик? Бу ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур деб биламан.

Лекин ҳаммамизга яхши маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, жадал суръатлар билан доимо олдинга интилади. Кимки ҳаётнинг тараққиёт суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд караса, эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгариб бораётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу – ҳаётнинг бешафқат, аччиқ ҳақиқати ва биз буни асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги кунда биз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга қаратилган олис ва оғир йўлнинг фақат бир қисминигина босиб ўтдик, холос. Унинг ҳал қилувчи қисми ҳали олдинда. Яъни, бу йўлда ўз ечимини кутиб турган вазифаларимиз камайгани йўқ, аксинча, замон талаби билан уларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда.

Албатта, барчамиз бу ҳақиқатни яхши тушунамиз ва бу йўлда яна қанчадан-қанча кутилмаган қийинчиликлар, турли синовлар бўлиши мумкинлигини ҳам ўзимизга тасаввур қиламиз.

Бу борада ҳаётнинг ана шундай талаб ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва ўтган давр мобайнида изчил жорий этиб келинаётган, амалда ўзини оқлаган, «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлимиз ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ўрта ва узоқ истиқболда биз учун келажак Стратегияси бўлиб хизмат қилмоқда, аниқ йўлни кўрсатмоқда.

Қадрли депутатлар!

Сизлар ўз зиммангизга олган вазифаларни адо этишда, албатта, кўп жиҳатдан ўрганишга, тажриба топишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ўрганишга, ўз устингизда ишлашга, профессионал даражангизни оширишга доим тайёр бўлишингиз керак. Ҳар биримиз ўқиш-ўрганишдан ҳеч қачон тортинмаслигимиз зарур. Ҳамма нарсани биламан, деган одам янглишади. Қаранг, бугун болаларимиз ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлаб ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғаймоқда. Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга

қодир бўлган бундай авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Яна бир бор таъкидлайман, доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш керак. Бугунги кунда қайси давлат юксак тараққиётга эришган бўлса – бу Жанубий Корея ёки Япония бўладими, Европа давлатлари бўладими – буларнинг барчасидан ўрганиш керак. Бу борада биз учун ҳеч қандай мафкуравий чеклашлар йўқ. Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир.

Биз, давлатимизнинг ташқи сиёсат стратегиясига амал қилган ҳолда, турли сиёсий-ҳарбий блокларга қўшилмаймиз, ўз ҳудудимизда хорижий ҳарбий базалар ташкил қилишга йўл қўймаймиз. Бизнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, аҳил ва иноқ бўлиб яшашдан иборат.

Барчамизга маълумки, депутат қайси партиёга мансуб бўлмасин, биринчи навбатда, сайловчилар олдида, эл-юрт олдида жавоб беради. Партиялар жамиятнинг маълум бир қатлами манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган куч сифа-

тида парламентда бир-бирига рақиб ёки мухолиф бўлиши табиийдир.

Лекин ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистон манфаати, ягона халқ манфаатлари ҳақида сўз борганда, уларнинг барчаси бир мушт бўлиб бирлашиши даркорлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоямиз – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганидан сизлар албатта яхши хабардорсиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгариш ва янгиланишлар туфайли парламентнинг ваколат доираси янада кенгайди. Конституциямизга тегишли ўзгартишлар киритдик. Ҳокимиятнинг учта бўғинга, яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини яратиш бўйича аниқ ишлар қилинди.

Айни вақтда парламент таркиби – структураси, унинг баъзи бир ташкилий жиҳатлари эски замонни эслатишини, ҳали-бери расмийатчилик аломатлари сақланиб қолаётганини ҳам очик айтишимиз ва бу муаммоларни ҳал қилиш устида ишлашимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!

Ўзингиз кўриб турибсиз, дунёда олдин ҳеч содир бўлмаган, учрамаган ўта оғир, ўта мураккаб

зиддият ва низолар, сиёсий қарама-қаршиликлар, жаҳон миқёсида 2008 йили бошланган молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари давом этаётган, бир сўз билан айтганда, ноаниқлик ва охирини олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеалар юз беришининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мана шундай ғоят мураккаб вазиятда янги – 2015 йил ва ундан кейинги йилларда биз ўз олдимизга қўяётган кенг қўламли ислохотларни янги босқичда давом эттириш, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, лўнда қилиб айтганда, юртимизни, Ватанимизни янада обод ва фаровон этишдек аниқ ва эзгу мақсадларга эришиш мумкинми, деган безовталиқ пайдо бўлиши мумкин.

Буни ҳам тўғри тушуниш керак. Лекин мана шундай ўта масъулиятли пайтда бир чеккада томошабин бўлиб ўтириш асло мумкин эмас. Файласуфлар айтганидек, бу дунёда душмандан эмас, аввало, лоқайд, бепарво ва бетараф одамлардан қўрқиш керак. Менинг сизларга тилагим, даъватим шуки, халқ вакиллари аввало курашчи бўлиши керак. Мана шу муқаддас замин учун, Ўзбекистонимиз учун, халқимизнинг тинчлиги, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ишлашимиз, курашишимиз зарур.

Мен чет эллик сиёсий арбоблар, катта ишбилармонлар билан учрашганда, улар бизнинг

фарзандларимиз ҳақида ҳавас билан «Ёшларингизнинг кўзи ёниб туради» деган фикрни кўп эшитаман. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда Ватани, халқи учун курашга бел боғлаган, софдил, иродаси мустаҳкам ёшларнинг кўзлари ёниб туради. Бугун мана шу залда ҳам кўзлари ана шундай ёниб турган одамларни кўриб, «Балли, сизларга!» деб айтмоқчиман.

Юқорида зикр этилган хавотирли саволларга нисбатан, ўйлайманки, барчамизнинг жавобимиз битта, яъни, биз босиб ўтган ривожланиш йўлини, эришган марра ва ютуқларимиз, энг муҳими, бизнинг бугунги салоҳиятимиз, куч-қудратимизни 90-йиллардаги давр билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Чунки бизнинг бугунги халқимиз, бизнинг бугунги жамиятимиз – бундан ўн йил, йигирма йил олдинги халқ ва жамият эмас.

Бугунги кунда одамларимизнинг фикри-зикри, дунёга, ҳаётга қараши тубдан ўзгариб, уларнинг тобора юксалиб бораётган сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти, фаол гражданилик позицияси, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деган азму қарор билан олдинга интилаётгани биз эришган ва келгусида қўлга киритадиган катта-катта ютуқ ва марраларнинг мустаҳкам пойдеворига айланаётганини кўрмаслик, англамаслик ва буни тан олмаслик мумкин эмас.

Йиллар, асрлар синовида тобланган, кўпни кўрган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз кадр-кимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворисларни эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишонган, ўз юрти, ўз фарзандларининг келажаги фаровон бўлишига интиладиган бундай халқни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди.

Мана шундай меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халққа фарзандлик садоқати билан хизмат қилиш – барчамиз учун юксак шараф, олий саодатдир.

Азиз юртдошларим, ҳурматли депутатлар, мана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида барчангизга яна бир бор бахт ва омад тилайман.

2015 йил 12 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуrolли Кучларимиз фахрийлари, кадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуг сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуrolли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг – ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуrolли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва имкониятларига

унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас ва бундай қараш мустаҳкам асосга эгадир.

Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таяндик.

Ҳарбий қурилиш, кўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислохотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлди.

Шу маънода, хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бизнинг энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ана шундай хорижий мудофаа идоралари билан ўзаро манфаатли ше-

риклик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, бундай ҳамкорлик кенгайиб бормоқда, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасидаги йиллик режалар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Қуролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларимизга мувофиқ, ҳарбий қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, илғор ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнларига таълимнинг инновацион шакл ва усуллари жорий этиш орқали Қуролли Кучлар академияси, ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини энг янги методлар асосида такомиллаштириш борасидаги узлуксиз ишларимиз долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, офицер ва сержантлар таркибининг профессионал малакасини оширишда етакчи хорижий давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш ҳамда бу тизимни бизнинг шароитимизга мослаб жорий

этиш катта ижобий роль ўйнаганини қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз офицерлар таркиби ўзининг дунёқараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириб, юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб бормоқда ва ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда ностандарт ёндашувларни фаол қўллашга қодир бўлмоқда. Сержантлар сўзда эмас, амалда офицерларнинг энг ишончли ва яқин ёрдамчиси ҳамда таянчига, аскарларимизнинг меҳрибон мураббийсига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мудофаа қурилиши соҳасида бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги ҳарбий ўқув машғулотлари мустақилликнинг биринчи йилларида ўтказилган машқлардан тубдан фарқ қилади. Йилдан-йилга жанговар шароитларга энг кўп даражада яқинлаштирилган ҳолда ўтказилаётган бундай ўқув машғулотлари қўшинлар тайёргарлигининг бутун тизимини танқидий таҳлил қилиш, ҳар бир батальон ва взводнинг имкониятларини, шунингдек, жанговар вазифаларни бажаришда танланган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва мавжуд вазиятга айнан мос келишини бўлинмаларнинг

бир-бирининг ўрнини қай даражада боса олиши ва шахсий таркибнинг ўзаро яқин бўлган турдош мутахассисликларни қанчалик пухта эгаллагани нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиникиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган.

Юртимизда 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биздан уруш қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, чинакам инсоний меҳр ва эътибор кўрсатишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Бугунги кунда кўплаб муҳтарам фахрийлар ва устозларимиз ўзининг ноёб тажрибаси, билим ва малакасини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ҳаёти – мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрў-эътибори нақадар юксак эканини намоён этадиган энг ёрқин кўрсаткичдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини, яъни, пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хомашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобатнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуроллари тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаяётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбурмиз.

АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ тажриба яққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта ҳудудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда эгаллаб олиши мумкин.

Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хужралар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига путур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологиялардан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.

Шунинг учун минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда хушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуролли Кучларимизни янада изчил ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уринишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини яна

бир бор таъкидлаш зарур. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ва озодаликларини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасига кўра, бизнинг армиямиз Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳарбий ҳаракатлар ва операцияларда иштирок этмайди.

Қадрли дўстлар!

Мана шу қутлуғ байрам айёмида сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барча ҳарбий хизматчилар – аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, шунингдек, Қуролли Кучларимиз фахрийларига, мутахассис фуқароларга, ўз тақдирини она Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчни адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларга фидокорона хизматлари учун самимий миннатдорлик билдираман.

Янги – 2015 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.
2015 йил 13 январь*

**2015 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА
ТУБ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА
ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ҲИСОБИДАН
ХУСУСИЙ МУЛК ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ
БЕРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлиси кун тартибига қўйилган асосий масала – бу Ўзбекистоннинг ўтган 2014 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини муҳокама этиш ва мамлакатимизнинг 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат.

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган

маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир.

Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди.

Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кре-

дитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди.

Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикаимизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди.

Ўтган 2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион долларни ташкил қилди, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли бу борада тобора ошиб бормоқда.

2014 йилда мазкур Жамғарма томонидан 2 минг 400 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар

кўрсатилди. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридаги экспорт шартномалари тузилди. Мазкур шартномалар асосида ўтган йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди.

Жамғарма томонидан тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва чет эллик шерикларни топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш, халқаро сертификатлар, рухсат беришга оид ҳужжатларни олиш ва божхона расмийлаштируви бўйича фаол ёрдам берилмоқда.

Шу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз.

Мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармоқларига уланишда «ягона дарча» тамойилини амалиётга жорий этиш тобора кенгайиб бормоқда.

Кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари сезиларли даражада соддалаштирилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга оширмоқда.

Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди.

2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди.

Хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш имконияти, биринчи навбатда, бундай маҳсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан сезиларли равишда кенгайтирилди. Масалан, 2014 йилда улар томонидан Республика Товар-хомашё биржасида қарийб 3 триллион сўмлик ёки 2013 йилга нисбатан 1,6 баробар кўп хомашё ва мате-

риаллар сотиб олинди. Шу билан бирга, хусусий тадбиркорлар биржа савдолари орқали ўзлари ишлаб чиқарган 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулотни сотди, бу кўрсаткич 2013 йилга қараганда 1,7 баробар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.

2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Жаҳон банки томонидан эълон қилинган, харид қобилияти бўйича ҳисобланадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмига қараб аниқланадиган иқтисодий ривожланиш борасидаги янгиланган рейтингда Ўзбекистон дунёнинг 190 та давлати орасида 2010 йилдаги 72-ўриндан 66-ўринга кўтарилди.

Мамлакатимиз 2014 йилда бизнесни юритиш шароити бўйича рейтингда 8 поғонага, солиққа тортиш борасида эса 61 поғона юқорига кўтарилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон сўнгги йилда бизнес юритишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бўйича етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган **инвестиция сиёсати** юритиш энг муҳим омил ҳисобланади.

2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг

тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди.

Ўтган йили тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти ҳам кенгайди. Улар томонидан 1 миллиард 700 миллион доллар ёки 2013 йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

Уларнинг қаторида йилига 60 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти базасида «Дамас» ва «Орландо» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш», «80 минг тонна рух концентратини қайта ишлаш бўйича рух заводини реконструкция қилиш», «Мис эритиш заводида янги сульфат кислота цехини қуриш», электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини 50 мегаваттга ошириш мақсадида «Сирдарё иссиқлик электр станциясини тўлиқ миқёсда модернизация қилиш», Қорақалпоғистон Республикасидаги «Манғит» масъулияти чекланган жамияти базасида йилига 5 минг тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган ип-калава йигирув корхонаси ташкил этиш» ва бошқа объектларни тилга олиш мумкин.

Ўтган йилда йилига 25 миллиард куб метр газни узатиш имконини берадиган «Марказий

Осиё – Хитой» газ қувурининг 1 минг 830 километр узунликдаги учинчи тармоғи ишга туширилди.

Инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган «Ангрен» махсус индустриал зонаси, «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонаси, «Жиззах» махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани юқори технологияларга асосланган корхоналарни ривожлантириш имконини кенгайтирди. Ушбу зоналар учун зарур ташқи муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси тўлиқ республикамиз маблағлари ҳисобидан барпо этилмоқда.

Йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2014 йилда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. 116 километрдан иборат икки полосали йўл кенгайтирилиб, тўрт полосали қилиб қайта қурилди, бу эса, ўз навбатида, ушбу йўлларда қатновни 3 баробар ошириш имконини берди.

Ўтган йили темир йўллар қуриш, реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ва йўловчи ташийдиган темир йўл транспортини қайта тиклаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни

амалга ошириш мақсадида 630 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Бу маблағнинг ярмидан кўпи «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳасини жадал суръатларда давом эттиришга йўналтирилди. Шу билан бирга, 240 километрлик темир йўл қайта тикланди, ўзимизда 650 та юк ва 20 та йўловчи ташиш вагонлари ишлаб чиқарилди, Қарши темир йўл вокзали реконструкция қилинди. «Тошкент – Самарқанд» ва «Самарқанд – Тошкент» йўналиши бўйича қатнайдиغان «Афросиёб» тезюрар поездида 2014 йилда 180 мингдан зиёд йўловчи ўз манзилига етказилди.

Авиация транспортида юк ташиш ҳажми 126 миллион 300 минг тонна-километрни ташкил қилди ёки 2013 йилга нисбатан 8,5 фоизга ошди. 2014 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси дунёдаги 270 дан ортиқ авиакомпанияни ўзида бирлаштирган Халқаро ҳаво транспорти ассоциациясининг (IATA) тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Навоий шаҳри аэропорти негизида ташкил қилинган халқаро логистика маркази Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёга авиация орқали юк ташишни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу марказ фойдаланишга топширилганидан буён ўтган вақт мобайнида 200 минг тоннадан зиёд юк ташилди.

Қадрли дўстлар!

Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу соҳада биз қўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир.

2014 йилда қишлоқ меҳнаткашлари қандай оғир синовларга дуч келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Совуқ кунлар одатдагидан кўпроқ бўлди. Бу, айниқса, баҳор ойларида янада кўпроқ сезилди. Ёздаги сув танқислиги, вегетация давридаги кучли шамол ва бўронлар, кузнинг анча эрта ва салқин келгани соҳа меҳнаткашлари учун кўплаб жиддий муаммоларни туғдирди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, деҳқон ва фермерларимизнинг мардонавор меҳнати, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб, пахтакор ва ғаллакорларимизга, барча-барча қишлоқ меҳнаткашларига қаҳрамонлик намуна-

си бўлган, машаққатли ва шарафли меҳнати учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Маълумки, биз қишлоқ хўжалигини ислох этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирла-

ри амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2–3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3–4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Агарки бу рақамларни гектарларга кўпайтирадиган бўлсак, амалга оширган ишларимизнинг самараси янада яққол намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш ҳақида сўз юритганда, аввало, пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этиш жоиз.

Масалан, Андижон, Косонсой, Чортоқ, Ўрта Чирчиқ, Ўзбекистон ва Бувайда туманларида пахта экин майдонлари қисман қисқартирилди, Асака, Янгийўл ва Жомбой туманларида пахта экишдан бутунлай воз кечилди. Шу асосда пахтадан бўшаган 30 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерда дон экинлари, сабзавот, картошка етиштириш йўлга қўйилди, боғ ва узумзорлар барпо этилди. **Натижада 2012–2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди.**

Янги боғ ва узумзорлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

2010–2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.

Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4–5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи – учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлайди.

Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юқори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими бутунлай қайта ташкил этилди, «Ўзагросаноатмашхолдинг» компанияси тузилди, соҳа корхоналари оптималлаштирилиб, улар қишлоқ хўжалигида талаб этилаётган аниқ турдаги техника ва механизация воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди.

Тошкент трактор заводининг оптималлаштирилган ишлаб чиқариш майдонларида янги корхона – «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Бу ерда тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналарининг янги моделлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Барчамизга аёйки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили

яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроги айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу борада хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди.

Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда **алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари** бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоизга ўсди.

Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013–2020 йилларда Ўзбекистон Республика-

сининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни яқунлаш учун замин яратди. Бу эса халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Аҳоли, жумладан, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2014 йилда юртимизда, хусусан, Қўнғирот, Бойсун, Узун, Мўйноқ каби олис туманларда 2 минг километрдан зиёд оптик толали алоқа тармоқлари барпо этилди.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Республикада интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортиди. Шу билан бирга, ундан фойдаланиш нархи 2013 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайди.

Ўтган йили 500 дан ортиқ янги базавий мобиль алоқа станциялари ўрнатилиши ҳисобидан алоқанинг ушбу замонавий, юқори технологияларга асосланган тизими абонентлари сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этди, уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми қарийб 26 фоизга кўпайди.

Айни пайтда қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси ҳали-бери етарлича ривожланмаганини ҳам айтиш жоиз. Қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар кўрсатиш ҳажми шаҳардагидан ҳали-ҳамон сезиларли даражада ортида қолмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини ҳам унутмаслик даркор.

Қадрли дўстлар!

Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик

йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Бу ҳақда сўз юритганда, собиқ Иттифок ҳудудидаги бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табақаланиш ҳолати мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. Бу ўринда жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланганини айтиб ўтиш лозим.

Жаҳон тажрибасида жамиятда ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолашнинг яна бир мезони – Жини индексидан кенг фойдаланилади. Мисол учун, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайди. Бу натижа, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига биноан 0,35–0,37 миқдорида белгиланган халқаро стандартлар нуқтаи назаридан қараганда, аҳолимизнинг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат беради.

Одамларнинг даромадлари ортиши билан оилаларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормокда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангюткич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмокда.

Мустақиллик йилларида аҳолининг телевизорлар билан, айниқса, мутлақо янги авлод телевизорлари – плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошгани ҳам оилаларимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Бугунги кунда деярли ҳар икки оиладан бири шахсий транспорт воситасига эга ва бу машиналар айнан юртимизда ишлаб чиқарилгани барчамизга мамнуният ва ғурур бағишлайди.

Қисқа вақт ичида ҳаётимизга, деярли ҳар бир оилага энг замонавий мобиль телефонларнинг бир неча янги авлоди, ноутбуклар, тюнерлар, DVD приставкалари, сунъий йўлдош орқали фаолият кўрсатадиган ва кабелли телевидение, духовкалар электр печлар, музлаткич камералар, сув иситиш бойлерлари ва бошқа мутлақо янги, юқори технологиялар асосида

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кириб келди. Бугун биз бу нарсаларга унчалик эътибор ҳам бермаймиз ва уларни одатдаги буюмлар сифатида қабул қиламиз. Ҳолбуки, йигирма йил аввал бундай ашёлар ҳақида ҳеч нарса билмасдик, ҳозирги кунда эса уларсиз ҳаётимизни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Энг муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксариятини мамлакатимиз корхоналарида ўзимиз ишлаб чиқараяпмиз.

Фуқароларимизнинг уй-жой шароитлари ҳам тубдан яхшиланиб бормокда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди.

Аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарамасдан, одамларни уй-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга оширишга эришилди. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфида эканини айтиш лозим. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амал-

га оширилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги тураржойлар барпо этилди.

Бугунги кунда шаҳарлар, айниқса, қишлоқларда барпо этилган, шифтлари баланд, хоналари шинам ва ёруғ янги уйлар пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, уларни бунёд этишда замонавий қурилиш ва том ёпиш материалларидан фойдаланилмоқда, улар зарур хўжалик биноларига эга. Бундай қишлоқ уйлари сифати ва шароитининг қулайлиги билан ҳеч бир жиҳатдан шаҳардаги уй-жойлардан асло қолишмайди.

Шаҳарларимизни комплекс қуриш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Тошкент, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Наманган, Урганч, Қарши, Термиз, Самарқанд ва бошқа кўплаб шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Буюк Британиянинг нуфузли «Экономист» журналининг берган баҳосига кўра, Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингда 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллади ва жаҳон таснифда яшаш учун энг қулай бўлган йирик шаҳарлар қаторига киритилди.

2014 йилда ижтимоий соҳада ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди. Бу соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва ривожлантиришга давлат

бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилмоқда.

Таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бора-сидаги ишлар изчил давом эттирилди. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди.

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Андижон давлат университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолари барпо этилди.

2014 йилда бир қатор янги институт ва факультетлар, ўқув-илмий марказлар очилди. Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети ва ҳудудлардаги тиббиёт олий ўқув юртлари негизида Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Нукус

шаҳарларида филиалларига эга бўлган Тошкент давлат стоматология институти ташкил этилди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида хитойшунослик факультети очилди, шунингдек, ушбу институт қошида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлғезмалари маркази ташкил қилинди.

Жанубий кореялик шериклар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Инҳа университети ташкил этилди. Мазкур олий ўқув юртида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Ўтган йили олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди, яъни тест синовларига информатика бўйича саволлар киритилди, мутахассисликка оид фанлар бўйича баҳолаш баллари оширилди. Бу эса олий ўқув юртларига танлаган касбини ҳисобга олган ҳолда, энг яхши тайёргарлик кўрган абитуриентларни саралаб олиш имконини беради.

Соғлиқни сақлаш соҳасида қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди. Бундай тиббиёт масканларининг сонини

янада оптималлаштириш, замонавий диагностика ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Оптималлаштириш натижасида камқувватли ва самарасиз фаолият кўрсатаётган 243 та қишлоқ врачлик пункти тугатилди.

Тажриба тариқасида Бўстонлик, Ўзбекистон, Шаҳрисабз, Хива ва Жомбой туманларида патронаж тиббиёт ҳамширасининг ўз функционал вазифаларини нечоғлиқ тўлиқ бажариши ва фаолиятининг якуний натижаларидан келиб чиққан ҳолда, унинг иш самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Бу йил ушбу тажрибани мамлакатимизнинг яна 18 та туманида қўллаш мўлжалланмоқда.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг энг муҳим устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу борада скрининг марказлари, вилоят кўп тармоқли болалар шифохоналари, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва зарур жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оналар ва болалар тизимли асосда тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Фақат 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бермоқда.

Ана шундай амалий ишларимиз натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6–15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди.

2014 йилда 133 та тиббиёт муассасаси янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди. Гулистон шаҳридаги вилоят онкология диспансери, Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази, Андижон шаҳридаги кўп тармоқли вилоят тиббиёт маркази, Нукус шаҳридаги Республика силга қарши кураш диспансери ва бошқалар шулар жумласига киради. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан 400 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ва қарийб 30 миллион долларлик хорижий кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Корея Республикаси билан яқин ҳамкорликда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

мамлакатлари ҳудудида ягона бўлган, энг юқори технологиялар асосидаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланадиган кўп тармоқли замонавий болалар тиббиёт маркази қурилиши бошланганидан хабарингиз бор, албатта.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш аҳолимиз, аввало, ёш авлодимизнинг соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, бу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу борада спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.

2014 йил мобайнида фақат Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт объекти ва 73 та мактаб спорт зали барпо этилди, 24 та объекта қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллионга яқин фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ киз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ғалабалар тобора кўпайиб бормоқда. 2014 йилда спортчиларимиз

849 та медални қўлга киритди, уларнинг 266 таси олтин медаллардир.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг кузида Жанубий Кореяда бўлиб ўтган, 45 давлатдан 13 минг спортчи қатнашган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 61 та, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон терма жамоаси энг кучли ўнта мамлакат қаторидан жой олганини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Спортчиларимиз ана шундай ютуқлари билан Ватанимиз шуҳратини дунёга тараннум этишга муносиб ҳисса қўшдилар ва уларнинг қўлга киритган марралари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида **2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани айниқса эътиборлидир.**

Ўтган йилда мамлакатимиз таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди. Шуниси қувонарлики, ёшларимизнинг аксарият катта қисми ўз келажагини кичик бизнесда кўрмоқда.

Ўзингиз ўйланг, бир йилнинг ўзида шунча ёшларимизни, ўзимизнинг фарзандларимизни ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит яратиб, қўллаб-қувватлаганимиз — бу бизнинг энг катта ютуғимиз эмасми?

Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтида «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги, юксак марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим.

Бу борада, иш берувчилар ва ўқувчиларни кенг жалб этган ҳолда, меҳнат ярмаркалари, бизнес гоялар танловлари ўтказилаётгани ҳамда уларнинг ғолибларига ўз хусусий ишини бошлаш имконини берадиган имтиёзли кредитлар ажратиладигани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз бизнесини йўлга қўйишга қарор қилган коллеж битирувчиларига қарийб 200 миллиард сўмлик имтиёзли микрокре-

дитлар ажратилди. Бу 2013 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Шундан келиб чиқиб, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу борада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Биз ўз олдимизга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 11,7 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини 11 фоиз ва ноозик-овқат товарларини 12,1 фоизга кўпайтириш, ушбу маҳсулотларни чакана савдо тармоғи орқали сотишни 14,2 фоизга ошириш вазифасини қўймоқдамиз.

Жорий йилда хизмат кўрсатиш соҳасини янада жадал суръатлар билан ривожлантириш

мўлжалланмоқда. Хизматлар кўрсатиш ҳажмини 15,6 фоизга ошириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54,5 фоизга етказиш назарда тутилмоқда.

Айни пайтда инфляция даражаси 5,5–6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Бу 2014 йилга қараганда сезиларли даражада пастдир.

2015 йилда кўзда тутилаётган капитал қўйилмалар ҳажми АҚШ доллари ҳисобида 15 миллиард 960 миллион долларни ёки 2014 йилга нисбатан 110,1 фоизни ташкил этади. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 23,1 фоизга етади.

Ушбу маблағларнинг 74,5 фоизга яқини ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, 43,1 фоизи асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтирилади. Чет эл инвестициялари ҳажми 3,5 миллиард доллардан ошиб, уларнинг умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 22,1 фоизни ташкил этади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса 11,2 фоизга кўпаяди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйланган изчил солиқ ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади. Ушбу сиёсат, авваламбор, иқтисодиётда солиқ юқини камайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида унинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилади.

Биринчи навбатда амалга ошириладиган вазифалар қаторига даромад солиги ставкасини 7,5 фоизга камайтириш киради. Шу билан бирга, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси, саноат корхоналарида бўлганидек, 6 фоиздан 5 фоизга туширилади.

2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, давлат ва ижтимоий институтлар ҳамда суд тизимини ислох этиш борасидаги вазифаларни изчил амалга ошириш энг устувор йўналиш бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, ишлаб чиқаришни диверсификация қилмасдан туриб, ташқи бозорларга чиқиш ва маҳсулотларимизни сотиш борасидаги экспорт дастурини амалга ошириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини ташкил этиш, пировард натижада ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Биринчи навбатда, жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда

иктисодий ўсишнинг, иктисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур.

Маълумки, Ўзбекистон жаҳон бозорида хомашё ресурсларининг, масалан, пахта ва бошқа турдаги хомашёларнинг нархи кескин тушиб кетган ҳолатларни кўп мартаба бошидан кечирган.

Шу билан бирга, тўқимачилик ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида ана шу пахта хомашёсини янада чуқур қайта ишлашни таъминлаш, бўялган ип-калава, трикотаж полотноси ва матолар каби тайёр маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш, кейинчалик, замонавий технология ва дизайнни фаол ўзлаштириш асосида, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда улкан самарага эриша оламиз.

Мамлакатимизда ишга солинмаган яна кўплаб резерв ва имкониятлар мавжудлигига биргина шу мисол асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бу ўринда гап, аввало, дастлабки хомашёни ва яримтайёр маҳсулотларни янада чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, бунинг учун нефть-газ, нефть-кимё ва кимё, енгил саноат ва электротехника тармоқларида янги комплекс ва

корхоналар ташкил этиш, шунингдек, жаҳон ва минтақа бозорларида, ички бозоримизда харидор-гир бўлган тайёр тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, электроника ва маиший электр техника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари, қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида бормокда.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар, уюшмалар, компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида 2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

Иккинчидан. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ҳов бўлиб турган барча тўсик ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айна мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини

таъминлашнинг ишончли ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва уларнинг ҳимояси учун кўп иш қилинди. Мулкдорларга зарур шароит ва кафолатлар бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси сингари тармоқлар, уй-жой фонди тўлиқ хусусий мулк эгалари тасарруфига ўтказилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган, озиқ-овқат, тикувчилик маҳсулотлари, тўқимачилик, чарм-поябзал, мебель ва фармацевтика саноати тармоқларида давлатнинг улуши анчага камайтирилди.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини кўрсатмоқда.

Хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг асосийси, ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай бошқача экани барчамизга яхши маълум.

Хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оши-

ришни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш туфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижаларга эришилаётганини таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган хусусий корхоналарнинг асосий мақсадидир.

Минг афсуски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали-ҳануз турли маъмурий ғов ва тўсиқлар сақланиб қолмоқда, мансабдорлар томонидан уларнинг қонуний манфаат ва ҳуқуқлари бузилаётгани билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Шу сабабдан биз хусусий мулк муносабатлари борасидаги қарашларимизни мутлақо ўзгартириш масалаларини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Шу асосда мустаҳкам ҳуқуқий базани хусусий мулк манфаатларига мослаштиришимиз, мулк ҳуқуқининг кучли юридик норма ва кафолатлари тизимини шакллантиришимиз, давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий таянчига айланадиган хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратишимиз керак.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, авваламбор, хусусий тадбиркорлар учун хомашё ресурсларидан фойдаланиш ме-

ханизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очик ва ошкора бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса ресурсларни очик биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш лозим.

Етакчи халқаро молия институтлари томонидан мунтазам чоп этиладиган, биринчи навбатда, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» деб номланган маърузасида эълон қилинаётган бизнинг бизнес юритиш бўйича кўрсаткичларимизни тизимли асосда чуқур ўрганиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга доир аниқ чора ва таклифлар ишлаб чиқиш, аввало, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва бошқа манфаатдор идораларнинг муҳим вазифасига айланиши керак.

Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш даркор. Бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Шуни тан олишимиз керакки, хусусий мулкни ривожлантириш учун унинг очиклик даражасини ва бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссасини аниқлаш борасидаги баҳолаш мезонлари ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа иқтисодий идоралар бу масала билан жиддий шуғулланиши зарур.

Ишончим комилки, бу вазифаларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, хусусий бизнесни ривожлантириш, жамиятимиздаги барқарорликнинг мустаҳкам асоси ҳисобланган мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришда ва мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи янги омил ва имкониятлар яратади.

Учинчидан. Иқтисодиётимизда давлатнинг иштироки қай даражада эканини танқидий баҳолаш, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш зарурлигини алоҳида таъкидлашни ўринли, деб биламан.

Иқтисодиёт тармоқларида давлат улушининг мавжудлиги ва самарадорлигини, бошқача айтганда, «иқтисодиётда давлат иштироки»ни ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт тармоқларида хусусий сектор иштиро-

кини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича вазифаларимизни белгилаб олиш вақти келди.

Биринчи навбатда, аввало, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор, маҳсулотларига талаб йўқлиги сабабли тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётган давлат корхоналарини профессионал хорижий инвесторларга уларни қайта тиклаш ва ушбу корхоналар негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбурияти билан «ноль» қийматида сотиш зарур.

Бу ўринда сўз иқтисодиётнинг реал тармоқларидаги техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш талаб этиладиган корхоналардаги давлат активлари ҳақида бормокда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу тоифага кирадиган тармоқлар, бирлашма ва корхоналарнинг рўйхати тасдиқланиши лозим.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси давлат улуши мавжуд бўлган барча корхона ва объектларни яна бир марта танқидий нуқтаи назардан қайта инвентаризация қилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили қабул қилинган «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги Қарорига қандай объектлар киритилмаганини аниқлаши ва реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида давлат иштирокини тубдан қисқартиришни назарда тутган ҳолда, 2015–2016 йилларда давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича янги дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритиши зарур.

Тўртинчидан. Корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади.

Энг аввало, корпоратив ёки акциядорлик бирлашмаларимизнинг фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш, уларни хорижий давлатлардаги ана шундай корхоналар билан таққослаб кўриш зарур. Чунки бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда, айниқса, саноат соҳасида мулкчиликнинг бундай шакли муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда ҳам мулкчиликнинг мазкур шакли тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормокда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида айни пайтда республика-мизда 1 минг 100 дан ортиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди ва фаолият юритмокда. Уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард

сўмдан ортиқ бўлиб, сўнгги ўн йилда 5,3 баробар ўсди.

Бугун шунини тан олиш зарурки, акциялаштириш жараёнини ривожлантириш кўламининг ўсиб бораётгани корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятидан тушадиган даромадларни тақсимлаш тизими ҳамда хусусийлаштириш жараёнининг бошқа бир қатор йўналишларида ҳал этилмаган кўплаб муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатмоқда.

Бу, айниқса, акциялар пакетларига давлат эгаллик қилаётган акциядорлик жамиятларига тааллуқлидир. Бундай жамиятларда акциядорлар, айниқса, миноритарийлар кам ҳажмдаги акцияларга эгаллиги ва акциялар пакетларининг тарқоқлиги туфайли бошқарув ва қарор қабул қилиш жараёнидан амалда четда қолмоқда.

Бунинг натижасида ишлаб чиқариш устидан бошқарувни илгаригидек директорлик корпуси амалга оширмоқда. Кўп ҳолларда директорлик корпуси, шунини таъкидлашимиз керакки, ўз фаолиятида ҳали-бери эски тизим қолипидан чиқолмаслиги, ишнинг замон талаб қиладиган усулда ташкил қилишдан узоқ бўлиши кўзга ташланади. Бундай ҳолат бошқарувчи кадрларнинг юқоридан буйруқ кутиб ўтиришига, сусткашлиги ва ташаббус кўрсатмаслигига сабаб бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда шундай амалий тажриба тўпландики, унга кўра, Ўзбекистон шароитида юртимиз сармоядорлари билан бир қаторда чет эллик инвесторлар акцияларга эга бўлган мулкчилик шакли энг мақбул бўлиб, ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда 90 дан ортиқ давлатнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ушбу компаниялар Ўзбекистонда ҳам, унинг ташқарисида ҳам яхши маълум.

Ўзбекистон ҳудудида тўлиқ чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усулларига асосланган корхоналар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Мазкур хорижий компаниялар тажрибаларини чуқур ўрганишимиз ва уларнинг таҳлили асосида корхоналаримиз учун корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмаларини яратишимиз, реал иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги акциядорлик жамиятларининг бошқарув тизимини айти шу асосда ислоҳ қилган ҳолда, уларни амалиётга фаол жорий қилишимиз зарур.

Аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, бошқарувнинг совет даврига хос эски ва яроқсиз режали-таксимот тизими ва лавозимлар номенклатурасидан қатъий воз кечишимиз, бозор иқтисодиёти

талабларига жавоб берадиган тижорат директори, молия директори, миждозлар билан ишлаш ва харидлар бўйича лойиҳа менежери ва бошқа янги лавозимларни халқаро амалиётга мос равишда, уларнинг мансаб мажбурияти ва вазифаларини аниқ белгилаган ҳолда, кенг жорий этишимиз лозим.

Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги барча манфаатдор тузилмалар иштирокида асосий лавозим ва касбларнинг янги классификаторини ишлаб чиқиши керак. Айнан ана шундай классификатор бугунги янги авлод профессионал кадрларини тайёрлашнинг асосий мезонига айланиши даркор.

Бешинчидан. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг энг муҳим манбаи ва омилидир.

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган воқеалар мавжуд маҳаллий хомашё базаси асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлай олишини яққол кўрсатиб турибди.

Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш борасида тўплаган тажрибамиз бизнинг ташқи

омилларга боғлиқлигимизни камайтириш, ички талабни шакллантириш ва бозорларимизни зарур истеъмол товарлари ҳамда бутловчи маҳсулотлар билан тўлдириш, ташкил этилган ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш, валюта ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим роль ўйнашини амалда тасдиқламоқда.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг жадал ўсиб бораётгани бунинг амалий тасдиғидир. 2005 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар 9,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич қарийб 20 фоизга етди.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига барча манфаатдор вазирлик, идора, уюшма ва компанияларни кенг жалб этган ҳолда, 2015–2019 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқариш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси топширилади.

Олтинчидан. Ривожланган инфратузилма-ни ташкил этмасдан, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизими, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини тараққий эттирмасдан туриб, иқтисодиёти-

мизни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга эришиш мумкин эмас.

Шу нуқтаи назардан биз Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини 2013–2020 йилларда комплекс ривожлантириш дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Интернет тармоғидан фойдаланишнинг техник имкониятларини янада ошириш, кенг полосали оптик тармоқларни кенгайтириш ва оптик толали алоқа тармоқларини қуриш ишларини давом эттириш, барча ҳудудларни, шу жумладан, узоқ ва чекка ҳудудларни рақамли телевидениега ўтказиш ишларини охирига етказиш зарур.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу дастур ижросини қатъий назоратга олиши ҳамда вазирлик ва идоралар, пудратчи ташкилотлар томонидан 2015 йилга белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши даркор.

Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг стратегик аҳамиятини инобатга олган ҳолда, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш

ва таъмирлаш, йўллар бўйидаги инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан 2015 йил учун белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Темир йўл коммуникацияларини ривожлантириш борасида ҳам муҳим вазифалар олдимизда турибди. Йўловчи ва юкларни ишончли ҳамда узлуксиз ташишни таъминлаш мақсадида 2015 йилда 260 километр темир йўлларни қайта тиклаш кўзда тутилмоқда. Соҳада 13 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. 124,1 километрлик «Ангрен – Поп» электрлаштирилган янги темир йўлининг қурилиши, 140 километрлик «Мароқанд – Қарши» ва 325 километрлик «Қарши – Термиз» темир йўл участкаларини электрлаштириш, икки томонлама қатновга эга бўлган «Жиззах – Янгиер» электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилишининг иккинчи босқичини амалга ошириш каби лойиҳалар шулар жумласидандир.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси Иқтисодиёт вазирлиги, Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда «Ангрен – Поп» темир йўлининг ўз вақтида ва сифатли қурилиши устидан алоҳида назорат ўрнатсин.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Кўриб турганингиздек, олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Уларни фақат ўз

кучимиз ва имкониятларимизга таянган ҳолда ҳал қилмасак, четдан биров келиб ҳал қилиб бермайди. Энг муҳими, шу борада эскича қолип ва ёндашувлардан бутунлай воз кечишимиз керак. Бугунги замоннинг талаби шуки, энди эскича ишлаб, эскича яшаб бўлмайди.

Бундай кайфият билан юргаи одамларни, аваламбор, раҳбарларни ҳаётнинг ўзи қабул қилмайди. Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак.

Ишончим комилки, биз иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ҳисобидан ўз олдимизга қўйган марраларга албатта эришамиз.

Қадрли дўстлар!

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил ошириш билан боғлиқ масалалар доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш биз учун устувор йўналиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадлар учун давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади. Бу ўтган йилга нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоиз кўп демакдир. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимига 14,2 фоиз маблағ сарфланади.

Жорий йилда кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, мухтарам фахрийларимиз ҳаётига дахлдор муаммоларни ҳал этишга алоҳида аҳамият қаратилади.

2015 йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном берганимиз замирида ҳам моҳият эътибори билан ана шундай эзгу мақсадлар мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши маълум.

Ҳукуматимиз тайёрлаётган дастурда кекса авлод вакиллари, аввало, 1941–1945 йиллардаги

уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизмат даражаси ва сифатини ошириш, мухтожларни ёрдамчи ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, туманлар ва маҳаллаларда қарияларимиз учун мулоқот марказлари, уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, турли клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

Мухтасар айтганда, бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга беқиёс хизмаглари сингган, хонадонларимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб умр кечиришлари учун кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимиз, деб қабул қилишимиз даркор.

Шу борада маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кексалар ва ногиронларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатадиган тузилмаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Бунда турли муассаса ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва зарур даражада назорат қилиш масалалари назарда тутилиши керак.

Азиз ватандошлар!

Биз мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш борасидаги ишларимизни давом эттириш ва янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил юксалтириб бориш бўйича 2015 йилда ва ундан кейинги йилларда ўз олдимизга юксак, айтиш мумкин вақтда аниқ мақсад ва вазифаларни қўймоқдамиз.

Ишончим комилки, уларнинг барчаси муқаддас ва саховатли заминимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси инсоннинг манфаатларига тўла жавоб берадиган, чуқур ҳаётий асосга, амалга оширишнинг реал имкониятларига эга бўлган вазифалардир.

Ана шундай мақсад-муддаоларимизнинг рўёбга чиқиши, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва тотувлик муҳитининг барқарор бўлиши барчамизга, ҳар биримизнинг ўз жойимизда бизга ишониб топширилган вазифани қай даражада масъулият билан адо этишимизга боғлиқ эканини унутмаслигимизни истардим.

Мана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза.

2015 йил 16 январь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ
МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ**

Ассалому алайкум, кадрли дўстлар!

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириш, сиҳат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Сизларни сайловчиларимиз, халқимизнинг юксак ишончини қозониб, сенатор деган шарафли номга сазовор бўлганингиз билан самимий табриклаб, фаолиятингизда янги омадлар тилайман.

Ҳаммамизга маълум: роппа-роса ўн йил олдин парламентимизни – бир палатали Олий Мажлисимизни икки палатали парламентга ўзгартирган эдик. Яъни қуйи палата – профессионал асосда доимий фаолият кўрсатадиган Қонунчилик палатаси ва юқори палата – вакиллик асосида иш олиб борадиган Сенатнинг вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳисобидан, Ўзбекистонимизнинг ҳар қайси 14 та субъекти – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланиши белгилаб қўйилди.

Бундай ўзгариш ва ислохотларни амалга оширишда чуқур маъно-мазмун борлигидан барчангиз албатта хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Аввало, Ўзбекистонимизнинг узоқ ва бой ўтмишини, унинг ўзига хос, ўзига мос томонларини ва жуғрофий хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимиз таркибига кирадиган 14 та субъект – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бири ўз тарихи, керак бўлса, бошқалардан фарқ қиладиган иқтисодий-ижтимоий белги ва аломатлари, бетакрор маданияти, анъаналари билан ажралиб туриши ҳеч кимга сир эмас. Ва бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан, хаёлимиздан чиқармасликни ҳаётнинг ўзи талаб қилади.

Иқтисодиётимиз қонуниятлари шуни тақозо этадики, агар ҳар қайси ҳудуд – бу вилоят, туман ёки шаҳар бўладими – уларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш бўйича режаларимизни тузиш ва тасдиқлаш пайтида авваламбор айти шу жиҳатларни инобатга олмасак, бундай сиёсат ҳеч кимни қониқтирмайди ва эртага турли муаммоларга дучор бўлишимиз турган гап.

Иккинчидан, парламентимиз ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур

бўлган, замонавий парламентаризм фаолиятининг асосий мақсадини ташкил этадиган **мувозанат ва тийиб туриш тизимини яратишни** биз ўз олдимизга вазифа қилиб қўйган эдик.

Учинчидан, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини эътиборга олган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш назарда тутилган эди.

Тўртинчидан, Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларида иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини нобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш кўзда тутилган эди.

Бешинчидан, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилиб, шу борада юқори палата – Сенатнинг вилоят, туман ва шаҳар вакиллик органлари депутатларидан сайланиши белгилаб қўйилган эди.

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, барчамизга аёнки, Сенат аъзолари аввало жойлардаги маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари – вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Яъни сиз, ҳурматли сенаторлар, шунини яхши тушуниб олишингиз керакки, биринчи навбатда, сизларга ишонч билдириб, депутат этиб

сайлаган ўз сайловчиларингиз олдида масъул ва жавобгарсиз.

Нега деганда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий Кенгашларининг ҳар бири 6 нафар депутатни Сенатга вакил қилиб юборган экан, уларнинг ҳисоботини эшитиш ва фаолияти ҳақида хулоса чиқаришга албатта ҳақлидир.

Шу маънода, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишда Сенатнинг ўрни ва аҳамияти, шу билан бирга, масъулияти нечоғлиқ катта эканини доимо ёдда сақлашингиз лозим. Чунки биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, қайси сиёсий партияга аъзо бўлмайлик, умумдавлат манфаати, Ўзбекистон келажаги барчамизни бирлаштиради.

Сиз, ҳурматли Сенат аъзолари, бу муҳим масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб, ўз фаолиятингизни айнан шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Маълумки, мамлакатимизда икки палатали парламент иш бошлаши билан Президентнинг баъзи ваколатлари Сенатга ўтказилди. Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан амнистия эълон қилиш, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш ва

лавозимидан озод этиш масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга бўлди.

Бундан ташқари, Сенат ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширмоқда. У ҳар йили давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқади, унинг бажарилишини назорат қилади, давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди.

Бугунги кунда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг самарасини ошириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни юксак демократик савияда ўтказиш борасида катта иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида биз амалга ошираётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш вазифаси Сенат фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Айни шу масалалар бўйича Олий Мажлис палаталарининг эртага бўладиган қўшма йиғилишида атрофлича гаплашиб оламиз.

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Сенат раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгиланган. Ана шу нормага биноан, кўпгина маслаҳатларга асосланиб, мен Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига сенатор Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев номзодини тақдим этмоқчиман.

Ниғматилла Йўлдошев 1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ҳуқуқшунос.

2011 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси адлия вазири лавозимида ишлаб келмоқда.

Н. Йўлдошев меҳнат фаолиятини Олмалик шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси лавозимидан бошлаб, прокуратура идораларида катта терговчи, бошқарма прокурори, бўлим бошлиғи, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бошлиғи, Бош прокурор ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Меҳнат фаолияти давомида орттирган катта амалий ва ҳаётий тажрибаси, билими, касбий маҳорати ҳамда ташкилотчилик ва талабчанлик қобилиятини эътиборга олган ҳолда, Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига ҳар томонлама муносиб номзод, деб ҳисоблайман.

Энди Сенат раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак,

мен бу вазифаларга қуйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат раиси ўринбосари лавозимига сенатор Светлана Боймирзаевна Ортиқованинг номзодини тавсия этаман.

Светлана Ортиқова 1962 йили Наманган вилояти Учқўрғон туманида туғилган. 1987 йили ҳозирги Тошкент давлат юридик университети таомлаган. Мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос, кўп йиллар Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идораларида хизмат қилган, 2010–2014 йиллари Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатган.

2014 йилдан буён Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўйлайманки, бу кишини ҳам кўпчилик, шу залда ўтирганларнинг барчаси яхши билади. Аввало, унинг етарли билим ва тажрибасини, малака ва маҳоратини, обрў-эътиборини юксак баҳолайди, десам, хато бўлмайди.

Маълумки, Конституциямизнинг 86-моддасига асосан Сенат раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлиши белгилаб қўйилган. Мен бу лавозимга ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси вазифасида ишлаб ке-

лаётган сенатор Муса Таджетдинович Ерниязов номзодини тавсия этаман. Ўйлайманки, бу номзодни ҳам барчангиз яхши танийсиз, унинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти ҳақида атрофлича маълумотга эгасиз.

Муса Ерниязов 1947 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли туманида туғилган, муҳандис-электрик. Меҳнат фаолияти давомида турли масъулиятли лавозимларда фаолият юритган ҳамда катта амалий тажриба тўплаган. Жумладан, қурилиш трестида муҳандис, участка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой-коммунал хўжалиги вазири, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси, Чимбой тумани ҳокими, Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Муса Ерниязов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган даврида ўзининг ташкилотчилик ва талабчанлик хусусиятларини кўрсатган.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимида кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

2015 йил 22 январь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА
СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ
МАЪРУЗА**

Хурматли депутатлар!

Мухтарам сенаторлар!

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловда эришган ғалабангиз билан, халқимиз томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан сизларни табриклаш, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаолиятингизда янги омадлар тилашга рухсат бергайсиз.

Бўлиб ўтган сайловларни кузатишда иштирок этган 70 мингдан ортиқ маҳаллий ва 340 дан зиёд чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ва аксарият кўпчилигининг фикрича, бу сайловлар очиклик ва ошкоралик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мувофиқ равишда ўтди.

Мазкур сайловлар авваламбор жамоатчилигимиз, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етуклик даражаси сезиларли равишда ошганини кўрсатди.

Шу билан бирга, ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислохотларнинг амалий натижаларини намойиш этди.

Буларнинг барчасини сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнининг ўзи, уларнинг яқунлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Бўлиб ўтган сайловларда 18 миллион 500 мингга яқин фуқаро ёки сайловчиларнинг 88,9 фоизи иштирок этди.

Шуниси диққатга сазоворки, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди кураши кескин ўтган 135 та сайлов округининг 22 тасида биринчи босқичда номзодлар етарлича овоз ололмади ва бу округларда такрорий овоз беришни ўтказишга тўғри келди. Бу эса сайловларнинг демократик асосда ўтказилганидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги барча сайлов комиссияларига, сайловларнинг қонунларга, Конституциямиз нормалари, умумэътироф этилган халқаро демократик принцип ва талабларга мос равишда ўтиши учун куч-ғайратини сафарбар этган минглаб фаолларга миннатдорлик билдираман.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, кўпгина давлатларнинг миллий сайлов комиссиялари вакиллари, хорижий мамлакатлардан келиб қатнашган сиёсатчи ва кузатувчиларга ўз номидан, халқимиз номидан алоҳида чуқур миннатдорлик билдириш барчамизга катта мамнуният етказди.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун Олий Мажлисимизнинг аввалги таркиби фаолиятига якун ясар эканмиз, ҳолисона таъкидлашимиз даркор – парламентимиз томонидан амалга оширилган ишлар демократик ислохотларни ҳаётимизга жорий этишда, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўйган қадамларимизда муносиб ҳисса бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида ҳаммаси бўлиб 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, ҳеч шубҳасиз, бизнинг эртанги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислохотларимизнинг Стратегик дастурига айланди.

Концепция доирасида бугунги кунгача қабул қилинган 27 та қонун, уларни кенг миқёсда

муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнининг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил ва катта амалий ҳисса бўлди.

Мазкур Концепцияга мувофиқ, 2011 йилда ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган тузатишлар, давлат қурилиши соҳасида қабул қилинган бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, мамлакат ҳукумати ваколатларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида **ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ва оптималлаштиришни таъминлади.**

Давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва жойлардаги вакиллик органларининг ролини сезиларли равишда ошириш, ҳукумат, ижро ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш ва айни пайтда қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлигини янада кучайтиришга имкон яратди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислоҳ этиш, мустаҳкамлаш

ва эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларда парламентнинг алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш зарур.

Ана шу даврда парламент томонидан қабул қилинган 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Парламент фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳам салмоқли хисса қўшди. Бу соҳада қабул қилинган ўнга яқин қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятимизда манфаатлар мувозанатини таъминлаш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этишда **фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтирди.**

Шу борада Ўзбекистон экологик ҳаракатининг фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. 2008 йилда Қонунчилик палатасида ушбу ҳаракат ва-

килларига ўн бешта депутатлик ўрнини ажратиш ҳақида қабул қилинган қарор нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Сўнгги йилларда мазкур ҳаракатнинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бу соҳага фуқаролик институтларини фаол жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган 9 та қонун, хусусан, «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

Парламент томонидан демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва таркибий ўзгартириш, кичик бизнес, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилаётган 30 дан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

Бугунги кунда Олий Мажлис ҳар йили, ҳукумат тақдимномасига кўра, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиб, тасдиқламоқда, унинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан парламент назоратини олиб бормоқда. 2014 йилги дастурни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ, жумладан, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган даврда яратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база, айниқса, дунёда ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги 10 йилда дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариши, инвестициялар ҳажми ва аҳолининг реал даромадлари жадал равишда ўсиб бормоқда.

Бундай натижалар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлигини амалга ошириш бўйича янги, замонавий фаолият шакллари жорий этишга қаратилган ишларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Қонунчилик палатаси томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича биринчи марта ҳуқуқий тажриба амалга оширилди. Хорижий экспертларнинг фикрига кўра, ноёб хусусиятга эга бўлган ушбу тажриба сифатли, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб берадиган қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг замонавий усуллари синаб кўриш имконини берди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ўз вақтида ташкил этганимиз парламент фаолияти самарадорлигини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилганини қайд этмоқчиман. Мустақил тузилма бўлган мазкур институт қонунчилик, қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилашга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Институт томонидан амалдаги қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу ишлар қонун ижодкорлиги борасида олдимизда турган вазифаларни самарали ҳал этиш имконини беради ва уларни янада ривожлантиришни, бунинг учун зарур ташкилий-техник шароитларни яратишни талаб қилади.

Биз бундан роппа-роса ўн йил олдин таркибида депутатлар доимий равишда, профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ва шунингдек, ҳудудий вакиллардан иборат қонунчилик органи бўлмиш Сенат фаолият кўрсатадиган икки палатали парламентни ташкил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадимиз тўлиқ рўёбга чиқди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Натижада қабул қилаётган қонунларимиз сифати сезиларли даражада ошди, минтақалар,

тармоқлар ва давлатнинг умумий манфатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда.

Айни пайтда биз парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини оширишни мақсад қилиб қўяр эканмиз, Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини ҳолисона баҳолаб, кўзга ташланадиган камчилик ва жиддий нуқсонлар устида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Нега деганда, йўл қўйилган камчилик ва ҳатоларни тан олмасдан, иқрор бўлмасдан туриб, уларни йўқ қилиш оғир кечади.

Биринчидан. Олий Мажлисимиз қонуний, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор бермаётганини эътироф этиш керак.

Қонунлар қабул қилиниши билан ҳаётимизда нима ўзгарди, улар тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига қандай таъсир кўрсатди, деган саволларга камдан-кам эътибор берамиз.

Масалан, биз қонунчиликни эркинлаштириш ҳақида кўп гапирамиз. Шу билан бирга, одамлар ўз ҳаётида бундай эркинлаштириш жараёнини қандай ҳис этаётганига, бу ҳақда журналистлар, шарҳловчилар нималарни гапираётганига қараб,

бу ишларнинг натижасига энг аниқ баҳо бериш мумкин.

Айни вақтда шуни ҳам тан олишимиз керакки, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаяпти.

Шу боис Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш – бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор.

Иккинчидан. Ўрганишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўнинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаяпти. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур қонунларнинг са-

марали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганида бўлиб, уларсиз эса бу қонунларда белгиланган қоидалар умуман ишламаётганини англаб олишимиз даркор.

Энди ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: парламентимиз қабул қилишни «яхши кўрадиган», ижро механизмларига эга бўлмаган қонунлар нима учун «ҳавода осилиб, муаллақ бўлиб» қолмоқда? Нима учун улар мантиқий якунига етказилмаяпти, ҳуқуқни қўллаш босқичига олиб борилмаяпти?

Ўйлайманки, бу борадаги асосий сабаблардан бири шуки, биз қонунларни қабул қилар эканмиз, уларни ишлаб чиқиш жараёнидаёқ қўйишимиз керак бўлган саволни, яъни бу қонунга реал ҳаётда қай даражада эҳтиёж бор ва у қанчалик самарали ишлайди, деган саволни ўз олдимизга қўймаймиз. Бу эса қонунчилигимизда такрорлар ва зиддиятли ҳолатларнинг учраб туришига, унинг самарадорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. 2014 йилнинг май ойида Концепцияга мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилдик. Очик тан олиш керак, корпоратив бошқарув соҳасида муҳим

ҳужжат бўлган бу қонун ҳалигача тўлиқ ишлаган йўқ.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, акциядорлар, авваламбор, акцияларнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмаяпти, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатмаяпти.

Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, хусусан, маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида ушбу қонун қабул қилиниши билан бир пайтнинг ўзида унинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаган. Хусусан, акциядорларнинг ҳуқуқларини бузгани учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланмаган.

Айни пайтда корпоратив бошқарув тизими ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг қонунчилигида жавобгарлик, суд ҳимояси корпоратив муносабатлар ва улар билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг деярли барчасини қамраб олган.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аниқ ва равшан бўлиши керак – бозор ислохотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида биз қонунларимизда белгилаб

кўяётган рағбатлантирувчи омиллар, преференциялар қачон ишлайди? Қачонки ҳуқуқнинг юқорида қайд этилган бошқа тармоқларига тегишли бўлган ҳуқуқий институтлар, аввало, суд-ҳуқуқ соҳасининг таъсир кўрсатиш механизмлари билан мустаҳкамлаб кўйилган тақдирдагина улар ўз самарасини беради.

Ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу масалаларнинг барчаси Олий Мажлис палаталарининг доимий диққат-эътиборида бўлиши даркор. Такрор ва такрор айтишни зарур деб биламан – биринчи навбатда, айнан қонун қабул қиладиган олий қонунчилик органи нафақат бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидан, айтишга келганда уларнинг бир-бирига зид келиб қолмаслиги, қонунчиликнинг аниқ тизимга асосланиши, умуман, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукамал бўлишини таъминлашдан манфаатдор бўлиши зарур.

Учинчидан. Қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий

муҳокама қилишни таъминлаш муҳимдир. Айтиш керакки, биз бу иш билан деярли шуғулланмаймиз ёки номигагина шуғулланамиз.

Бунинг сабаблари жуда кўп. Балки бундай муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаси янги қоидалар билан кенгайиб кетишидан ва бу қоидалар асосида қонун лойиҳасини ўзгартириш, ун қайта ишлашга тўғри келишидан қўрқармиз? Шу билан бирга, бу масалада қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг ўзига бино қўйиши, профессионал даражасининг пастлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳеч кимга сир эмас, амалиётчилар тажрибаси кўпроқ бўлгани учун қонунларнинг моҳиятини қонун чиқарувчилардан кўра яхшироқ билади. Ишимиз самарали бўлиши, қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш учун олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни кенг жалб этган ҳолда, қонун лойиҳасини албатта атрофлича муҳокама этиш шарт, деб ўйлайман.

Қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчиликни, фуқаролик институтлари вакилларини ҳам кенг жалб этиш лозим.

Авваламбор, сўз мамлакатни бошқаришда фуқароларнинг иштирокини ҳар томонлама ку-

чайтириш ҳақида бормокда. Давлат бошқаруви асосини қонунлар ташкил этар экан, қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши зарур. Шу муносабат билан бу борадаги ишларнинг очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Тўртинчидан. Қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш даркор. Тан олишимиз керак, биз бу масалага ҳам етарлича эътибор бермаянмиз.

Демократик давлатларнинг қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганишга, шунингдек, тайёрланаётган қонун лойиҳаларини ривожланган хорижий мамлакатларда қабул қилинган шундай қонунлар лойиҳалари билан қиёсий таҳлил қилишга бағишланган турли конференция ва семинарлар, давра суҳбатларини ўтказиш муайян қонун лойиҳасини ва умуман, қонунчилигимизни бойитиш учун янги материалга эга бўлиш имконини беради. Айнан шу сабабдан бундай тадбирлар биз учун қонун ижодкорлиги фаолиятини

такомиллаштиришда самарали восита бўлиши даркор.

Юқорида баён қилинган ана шу фикрлар, ўз навбатида, парламентда олиб борилаётган таҳлилий ишлар самарадорлигини, депутатларнинг тайёргарлик, хабардорлик ва малака даражасини, бошқача айтганда, профессионал савиясини сезиларли равишда оширишни тақозо этади. Шу муносабат билан депутатларнинг профессионал даражасини мунтазам ошириш Олий Мажлиснинг келгуси беш йилдаги бутун фаолияти давомида энг муҳим йўналишга айланиши даркор.

Бешинчидан. Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардандир.

2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг бу борадаги аҳамиятини таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Мазкур қонунда фракцияларнинг ҳуқуқий мақоми, жумладан, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат мақоми, уларнинг алоҳида ҳуқуқлари ва фаолияти самарадорли-

гининг кафолатлари аниқ белгиланган. Жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳокимият вакиллик органларида депутатлар гуруҳларининг роли сезиларли равишда оширилган. Қонундаги шу ва бошқа қатор муҳим қоидалар мамлакатимизда амалдаги кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди.

Олий Мажлис – парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органиларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Баҳс-мунозаралар, ғоя ва дастурлар, муқобил қонун лойиҳалари ўртасидаги рақобат энг муҳим, принципиал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар бўйича ҳақиқий профессионал асосда амалга оширилиши лозимлигини барчамиз тушунамиз, албатта.

Олтинчидан. Сиёсий фракциялар ҳамда депутатларининг фаоллиги, ташаббускорлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг

атиғи 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинганини қониқарли, деб бўлмайди. Қолаверса, ана шу қонунларнинг бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир.

Бугунги шароитда фракциялар ва депутатларнинг мамлакатимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиш ва уларни қабул қилиш бўйича фаолиятини принципиал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш керак, десам, ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз. Фракциялар ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозим.

Айни пайтда партия ва фракцияларнинг у ёки бу қонун бўйича позицияси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим масалаларига доир фракциялараро баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчилик ва сайловчиларни ҳар томонлама тўлиқ хабардор қилиб бориш даркор. Ҳокимият, халқ ҳокимияти ва парламентаризмни демократик асосда ташкил этишнинг моҳияти ҳам шундан иборат.

Ана шу масалада оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаш ҳам, ўйлайманки, ортиқча бўлмайди.

Айрим депутатларнинг оммавий ахборот воситалари ва телевидение вакиллари билан мулоқотдан ўзини тортиш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб туради.

Еттинчидан. Конституциявий ислохотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жихатидан янги асосда қурилиши лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган беш йилда ҳар икки палата томонидан турли давлат бошқаруви органларига айрим ижтимоий масалалар бўйича атиги 7 та сўров юборилган. Янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни

таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарур.

Депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усуллари татбиқ қилиш, жумладан, давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг ушбу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилишнинг замонавий усуллари жорий этиш муҳим вазифалардан биридир.

Олий Мажлис палаталари томонидан назорат вазифасини амалга оширишнинг ана шу ва бошқа қатор шакллари ҳамда усуллари **«Парламент назорати тўғрисида»ги қонунда тизимли ва аниқ мустаҳкамлаб қўйиш зарур.** Бугунги кунда ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимиз экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Саккизинчидан. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўзаро ҳамкорлиги самарасини янада ошириш масаласи эътибор марказимизда туриши шарт.

Бу ҳақда сўз юритганда, парламентнинг икки палатаси – бу яхлит тизим, мамлакатимизнинг ягона қонунчилик органи эканини таъкидлаш зарур, деб ҳисоблайман. Очиқ айтиш керакки, илгари, икки палатали парламентимиз иш бошлаган дастлабки пайтларда, ўзаро ҳамкорликда, қонунчилик

фаолиятининг маъно-мазмунини белгилаб берадиган умумий мақсадларга эришиш учун келишиб ҳаракат қилиш ўрнига палаталар ўртасида уларнинг қайси бири кўпроқ ваколатга эга экани ҳақида, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти ва мазмунини қайси палата яхши тушуниши ҳақида ўринсиз тортишувлар ҳам бўлган эди.

Ҳозирги кунда бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида икки палата вакилларида иборат мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ташкил этилгани ва сўнгги йилларда амалга оширилган бошқа қатор ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида бундай тушунмовчиликка чек қўйилди. Лекин бундай вазиятлар янги таркибдаги депутатлар ва сенаторлар орасида пайдо бўлишининг олдини олиш зарур, деб ўйлайман.

Ҳурматли халқ депутатлари ва сенаторлар, мажлис иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта.

Кўпчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ҳам айна мана шундай таҳликали ва-

зиятнинг олдини олиш, остонамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, **юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганмиз.**

Шулар қаторида 2012 йили қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Конституциявий қонунда белгилаб берилган, **бизнинг хавфсизлигимиз билан боғлиқ бўлган принциплар ва позицияларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилигига яхши аёндир.**

Авваламбор, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, улар билан ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш ва энг муҳими, **ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмаслик**, муқаддас юртимиз тупрогида чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришга ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиз ташқарисига ўтишига йўл қўймаслигимиз шулар жумласидандир.

Бугун юзага келаётган халқаро вазиятда айти шу йўл, шу сиёсат биз учун мақбулдир.

Азиз депутатлар ва сенаторлар!

Яна ва яна бир бор барчангизни ана шундай улуғ ва шарафли, шу билан бирга, ўта масъулиятли ишонч ва вазифага сазовор бўлганингиз

билан табриклаб, олдингизга қўйилган юксак мақсадларга эришишда аввало сиҳат-саломатлик, бардамлик, янги зафар ва омадлар тилайман.

Ҳурматли депутатлар!

Муҳтарам сенаторлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала бўйича фикр алмашиб олсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Маълумки, сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан Бош вазир лавозимига номзодни таклиф этиш, ушбу номзодни Президент томонидан кўриб чиқиш, янги парламентнинг қўшма мажлисида бу номзодни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тартиби Конституциямизнинг 98-моддасида ва шу асосда қабул қилинган тегишли қонунларимизда аниқ белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, Бош вазирнинг вазифалари, унинг қонуний ваколатлари ва масъулияти ҳам Асосий Қонунимизда ўз аксини топган.

Конституциямизга киритилган охириги қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ, Бош вазир ва умуман, ижро ҳокимиятининг вазифалари ва шу билан бирга, ваколатлари, бир сўз билан айтганда, масъулияти анча кенгайгани ҳақида барчамиз хабардормиз.

Ҳеч кимга бу сир эмас – Бош вазир лавозимига номзод танлаш ва уни тасдиқлаб олиш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулият-

ли масала эканини ҳаммамиз ўзимизга яхши тасав-
вур қиламиз.

Бу вазифага ҳар томонлама чуқур билим ва
ақл-заковатга, кенг фикрлаш қобилияти, катта
ҳаёт тажрибасига эга бўлган, турли синовлар-
да тобланган, мухтасар айтганда, кўпни кўрган,
мамлакатимизни ривожлантириш, тараққий топ-
тиришда, йирик лойиҳаларни амалга оширишда
талабчан, ташкилотчи ва жонкуяр, масъулият-
ли, жавобгарликни ўз зиммасига оладиган, энг
муҳими, ҳар қандай вазиятда ҳам одамлар билан
тил топишишга, обрў қозонишга қодир бўлган,
ўзининг хусусият ва аломатлари билан ажралиб
турадиган инсонни топиш – бу анча мураккаб ва
оғир вазифадир.

Шу маънода, бугун сизларнинг муҳокамангизга
тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва бажар-
ган вазифалари билан эл-юртимиз, Ватанимиз
эришган марраларни қўлга киритишда муносиб
ҳисса қўшган одам бўлиши шарт, десам, адашма-
ган бўламан.

Айни ҳозир тилга олинган хусусият ва аломат-
ларга тўғри келадиган, жавоб берадиган инсонни
топиш қандай оғир бўлмасин, барча-барча фикр-
ларни, хулосаларни инобатга олган ҳолда, ушбу
вазифага Ўзбекистон Республикаси Бош вази-
ри лавозимида фаол меҳнат қилаётган Мирзиёев
Шавкат Миромонович номзодини тавсия этаман.

Ўйлайманки, бу номзодни сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлар ҳаммангиз яхши биласиз.

Шавкат Мирзиёев ўз раҳбарлик фаолияти давомида турли масъул лавозимларда ишлаган, катта ташкилотчилик ва амалиёт тажрибаси билан обрў қозонган. Уни мамлакатимиз вилоятлари ва туманларидаги барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар, халқимиз яхши танийди.

Сиз халқ вакиллари – ҳурматли депутат ва сенаторлар ҳам бу номзодни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонаман.

2015 йил 23 январь

БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ҲАЁТ ҚУРИШ

Ҳурматли съезд қатнашчилари!

Муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, бугун Ўзбекистон либерал-демократик партияси съездининг делегатлари ва фаоллари билан учрашиб, сиз, азизларни соғ-омон, яхши кайфиятда кўришдан, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан хурсандман.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мени номзод этиб кўрсатганингиз учун сиз, азизларимга, Ўзбекистон либерал-демократик партияси аъзоларига, бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган барча юртдошларимга чин қалбимдан миннатдорлик билдириш мен учун катта бахтдир.

Менга билдирилган бундай юксак ишонч ва масъулият, ҳеч шубҳасиз, катта шарафдир.

2003 йилда ташкил этилган бу партия ўзининг олдида қўйган мақсад ва дастурлари, амалий ташаббус ва ҳаракатлари билан, доимо халқимиз ғам-ташвишларини, муаммоларини ечишда, эл-юртимиз фаровонлигини янада ошириш йўлида ўзига тобора катта обрў-эътибор қозонмоқда.

Бу ҳақиқатни 2014 йил 21 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳам яққол тасдиқлади. Сайловда партия номзодларидан 52 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиб, мазкур қонун чиқарувчи органда энг кўп ўринни қўлга киритганининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ушбу партия эришган марраларнинг амалий намоёни, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳозирги вақтда партиянинг 240 мингдан зиёд аъзоси бўлиб, улар, асосан, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати вакиллари, яъни ўрта синф сифатида Ватанимиз куч-қудратига, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига, халқимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшиб, Ўзбекистоннинг ҳал қилувчи кучига айланмокда, десак, янглишмаган бўламиз.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина тараққий топган, барқарор ва бадавлат яшаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмокдаки, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат тоифа қўлга киритган бойликни янада кўпайтиришга интилади. Шу аснода ўзининг, оиласининг турмуш фаровонлигини ошириб бориш билан бирга, давлат ва жамият зиммасидаги кўплаб вазифаларни бажаришда ҳам фаол

иштирок этади. Керак бўлса, кўпгина масалаларда бошқаларга ўрнак ва намуна кўрсатади.

Энг муҳими – буни ҳам такрор ва такрор айтишга тўғри келади – мулкдорлар синфи ўз юртида тинчлик ва осойишталик, эркин фаолият юритиш муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун астойдил жон куйдиради. Чунки ҳаммамизга яхши маълум – фақатгина осуда ҳаёт, тинч ва осойишта вазиятдагина ўз ишини бошлаш, тадбиркорлик, хусусий бизнесни ривожлантириб, эркин яшаш ва даромад, бойлик топиш мумкин.

Яна бир муҳим масала – халқимизнинг тарихий-маънавий ўзига хослиги, азалий қадрият ва анъаналаримиз, эл-юртимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланиб келаётган ижтимоий адолат тамойилларининг ўзи биз қураётган янги жамиятда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслигини тақозо этади.

Бугунги кунда бу талаб миллий давлатчилик барпо этиш борасидаги сиёсатимизнинг муҳим пойдеворига айланганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Биз ўрта синф деганда, ён-атрофимиздаги айрим давлатлардаги каби турли нопок, коррупция йўллари билан беҳисоб мол-дунё орттирган ўта бойларни эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, ақл-заковати, куч-ғайрати билан даромад топаётган

миллион-миллион тадбиркор ва ишбилармонларни тасаввур қиламиз.

Биз ўрта синф деганда, ўзининг, фарзандларининг тақдири ва келажагини шу замин билан узвий боғлаган, шу юртда озод, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, шу юртни равнақ топтириш мақсадида тер тўкиб меҳнат қилаётган инсонларни кўз олдимизга келтирамиз.

Бу инсонлар, аввало, эл-юртимизнинг куч-қудрати ва бойликларини бунёд этаётган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлик ҳаракати ва кичик бизнес, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, бир сўз билан айтганда, моддий ва интеллектуал мулк эгаларидир.

Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ташкил қилиниши ва сиёсат майдонида пайдо бўлишидан кўзда тутилган мақсад ҳам, биринчи навбатда, тез ўзгариб бораётган замон талабларини ҳисобга олган ҳолда, ана шундай мулкдорлар, яъни нима учун ва ким учун меҳнат қилаётганини чуқур англайдиган инсонларни ягона эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида бирлаштиришдан иборат эди.

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан, ҳаёлимиздан чиқармасдан, мулкдорлар ўртасида шаклланган муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтариш — партиянинг кундалик устувор вазифасига айланиши даркор.

Азиз дўстлар!

Биз бугун мустақил давлат ва жамият куриш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўн йилларга, балки асрларга тенг келадиган йўлни – масофани босиб ўтдик, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўз вақтида, бизнинг тақдиримиз ҳал бўлаётган ўта оғир ва хатарли бир замонда, турли хомхаёллардан воз кечиб, бизга кўрсатилган тазйиқ ва зўравонликларга қарамасдан, бугунги кунда дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган, демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш бўйича чуқур ўйланган ривожланиш йўлимизни қатъий белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, **том маънода тарихий ютуғимиз бўлди.**

Ислохотларнинг машҳур беш тамойилига асосланган бу тараққиёт модели, аввало, биз танлаган тадрижий – эволюцион йўл нақадар тўғри ва самарали эканини бугун ҳаётимизнинг ўзи амалда иботлаб бермоқда.

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда бир вақтлар иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, собиқ СССР таркибида аҳолининг ҳаёт даражасини ифодалай-

диган кўрсаткичлар бўйича энг орқа ўринда, жар ёкасида турган кашшоқ ўлкадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан, аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан ривож топаётган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатга айланиб бораётгани кўпгина яқин ва узоқ кўшниларимизни ҳайратда қолдирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бир ўйлаб кўрганда – биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, деган саволни ўзимизга бериб, кечаги ҳаётимизни бугунги ҳаётимиз билан қиёслаганда, содир бўлаётган туб ўзгаришларнинг асл маъно-мазмунига етиб боргандагина кўп нарса бизга яққол аён бўлади.

Ўзлигимизни англаб, юртимизнинг, тақдиримизнинг том маънода эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечиришнинг ҳақиқий аҳамияти ва моҳиятини чуқур тушуниб олган заҳматқаш, мард ва матонатли халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга оширилаётган оламшумул ишлар, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгаргани, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик ва кузатмасликнинг ўзи қийин, деб ўйлайман.

Бундай улкан ютуқ ва марраларнинг асосий омили ва мезонини биз, аввало, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, фуқаролик савияси ва бурчи юксалиб бораётгани-

да кўрамиз. Энг муҳими, эски, ўзини окламаган тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч – ёшларимиз майдонга чиқаётганида бу ҳақиқатни яққол англамоқдамиз.

Айни шулар ҳисобидан биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга, жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Жорий йилимизда ҳам, иншооло, бундан кам бўлмайди.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизнинг иқтисодиёти 5 каррадан кўпроқ, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очиғини айтганда, биз эришган ютуқларни баъзан одамлар тасаввур қилиши ҳам қийин бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимиз, яъни аҳолимиз олдида қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захира-

римиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани барчамизни, албатта, қувонтиради.

Ҳурматли дўстлар!

Биз ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини, албатта, яхши англаймиз. Агарки биз ХХІ асрда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётимиз нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, айниқса, чуқур ҳис қиламиз.

Ана шундай шароитда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз – бу олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз керак.

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узоқ атрофимизда турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси бизнинг ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб қилади.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чуқурлаштиришга қаратилган эътибор ва саъй-ҳаракатларимизни асло камайтирмаслик ҳақида бормоқда.

Айни шу вазият ва ҳолатларни инобатга олиб, олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: **аввало, биз учун 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа – бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.**

Ўз олдимизга қўйган бу мақсадга эришиш учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иқтисодиётимизнинг реал секторида эскирган асбоб-ускуналар ва технологик қолоқликка барҳам бериш каби принципиал масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, очик айтиш керак, ислохотларни амалга оширишда, биринчи навбатда, мулкдорлик масаласида чала-ярим ишларга йўл қўймаслик, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий буйруқбозлик усулларининг қолдиқларини бутунлай бартараф этиш зарур.

Барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушуниб олишимиз шарт. Яъни, таркибий ўзгаришларни амалга оширмасдан, ишлаб чиқаришни диверсификация қилмасдан туриб, маҳсулотларимизни ташқи бозорларга олиб чиқиш бўйича экспорт дастурини жадал ривожлантириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш ва мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш ўринларини яратиш ҳақида гапиришнинг ўзи мумкин эмас.

Биринчи навбатда, жаҳон бозорида юқори даражадаги рақобатга дош бера оладиган ва келгуси даврда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқларни жадал ривожлантириш ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш лозим.

Иқтисодиёти, аввало, хомашё ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган давлатнинг эртанги куни гумон бўлиши барчамизга маълум.

Ўзбекистон жаҳон бозорида хомашё ресурслари, масалан, пахта ва бошқа хомашё турларининг баҳоси кескин тушиб кетган вазиятларни ўз мисолида кўп бор кўрган, бошидан кечирган.

Шу билан бирга, агар ана шу пахта хомашёсининг ўзини тўқимачилик ва енгил саноатнинг

бошқа тармоқларида янада чуқур қайта ишлашни таъминлаб, четга бўялган ип-калава, трикотаж по-
лотно ва матолар сотадиган бўлсак, кейинчалик
тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш
бўйича замонавий технологиялар ва дизайнни
ўзлаштириб олсак, катта самарадорликка эриши-
шимиз мумкин.

Ана шу биргина мисол асосида бизда ҳали-
бери ишга солинмаган қанча-қанча имкониятлар
борлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас, деб
ўйлайман.

Бу ўринда, **авваламбор**, дастлабки хомашё ва
яримтайёр маҳсулотларни янада чуқур қайта иш-
лаш бўйича замонавий технологияларни жорий
қилиш ҳақида сўз бормокда. Бунинг учун нефть-
газ, нефть кимёси ва кимё, енгил ва электротех-
ника саноати каби тармоқларда ва, шунингдек,
жаҳон бозорида, ички ва минтақавий бозорлар-
да талаб катта бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб
чиқарадиган тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-
овқат, фармацевтика саноати, электроника ва ма-
иший электр техникаси, маиший кимё товарла-
ри, қурилиш ва пардозлаш маҳсулотлари ишлаб
чиқариш соҳаларида янги мажмуалар, ишлаб
чиқариш корхоналари барпо этиш долзарб вазифа-
ларимиз қаторига киради.

Иккинчидан. Мамлакатимизнинг барқарор
иқтисодий ўсиши ва истикболи, аҳолининг ҳаёт

даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа – бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда хусусий мулк ва инвестицияларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини яратиш ва уларнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, хусусий мулкдорлар учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар туғдириб бериш бўйича кўп иш қилинди.

Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо-сотик, хизмат кўрсатиш соҳаси каби кўпгина тармоқлар ва уй-жой фонди, истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган соҳалар деярли тўлиқ хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти айнан мана шундай мулк шаклининг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини ишончли тарзда исботлаб бермоқда. Хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг асосийси, ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай бошқача экани, айниқса, эътиборлидир.

Хусусий секторда маблағлардан тобора самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқаришнинг имкон қадар кўпроқ даромад олиш каби пировард молиявий натижалари ҳам сезиларли равишда юқоридир.

Айнан кичик бизнес, хусусий тадбиркорликка хос бўлган ана шундай туб ва устун жиҳатлар, шунингдек, мустақиллик йилларида яратилган рағбатлантирувчи омиллар, имтиёз ва преференциялар ушбу соҳанинг Ўзбекистондаги жадал тараққиётини белгилаб бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи ана шу соҳага тўғри келаётгани ва иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Минг афсуски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳалиҳамон турли маъмурий ғов ва тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Энг ёмони, мансабдорлар томонидан бу соҳа вакилларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқлари бузилаётгани билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Бундай ҳолатларни таг-туғи билан бартараф этиш, мулк ҳуқуқининг кучли юридик норма ва кафолатлари тизимини шакллантиришимиз ва шу асосда давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий таянчига айланадиган хусусий мулкдорларнинг кенг катламини яратишга эришмоғимиз зарур.

Хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очик биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очик-ошкора бўлишини таъминлаш лозим.

Бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд **органлари** ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалда ҳанузгача сақланиб қолаётган муаммоларни қайд этган ҳолда, айни вақтда, кейинги йилларда тадбиркорларимизни ҳар томонлама рағбатлантириш учун етарли даражада кўп иш қилинганини таъкидлаш лозим. Ана шу иш-

ларнинг давоми сифатида мамлакатимизда бизнеснинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун солиқ юкини камайтириш, имкон даражасида барча зарур шароит ва кафолатларни яратиш керак.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус жамғарма ташкил этилганидан хабарингиз бор, албатта.

Ушбу жамғарма ёрдамида экспортга маҳсулот етказиб бериш бўйича хорижий шериклар билан 1 миллиард 250 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги шартномалар имзоланган бўлиб, ўтган йили, биринчи навбатда, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари соҳасида 840 миллион доллардан зиёд миқдордаги товарлар экспорти амалга оширилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни бевосита электрон шаклда амалга оширмоқда. 2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилди.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлар учун даромад солиғи ставкаси 25 фоиздан 15

фоизга, қурилиш соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Имтиёз ва преференцияларнинг ушбу рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Учинчидан. Бугун Ўзбекистонда иқтисодиётда ҳам, фаолиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқадиган вақт келди.

Давлатнинг иштироки, авваламбор, электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари давлат иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаётган, табиий монополияларга асосланган соҳаларда сақлаб қолиниши керак.

Бошқача айтганда, давлатнинг иқтисодиётимиздаги улуши иқтисодий ва стратегик асосланган даражага қадар қисқартирилиши ва бу ҳақиқий рақобат муҳитини таъминлаши ҳамда тақсимотга асосланган маъмурий буйруқбозлик тизимининг ўз умрини ўтаб бўлган иллатларидан халос бўлишга олиб келиши лозим.

Шу муносабат билан хўжалик фаолиятида давлат улушини тубдан қисқартириш бўйича махсус дастурни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Ушбу дастурда самарасиз давлат корхоналарини тугатиб, улар-

ни, жумладан, очик ва ошкора савдолар орқали тегишли инвестиция мажбуриятлари билан «ноль» қийматида сотиш орқали тўлиқ хусусий мулк шаклига ўтказиш даркор.

Корпоратив ёки акциядорлик бирлашмаларимизнинг фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Бу, биринчи навбатда, акция пакетларига давлат эгалик қилаётган акциядорлик жамиятларининг фаолиятига тааллуқлидир. Бундай жамиятларда, акциядорлар, айниқса, миноритарийлар, кам ҳажмдаги акцияларга эгалиги ва акциялар пакетларининг тарқоқлиги туфайли бошқарув ва қарор қабул қилиш жараёнидан амалда четда қолмоқда.

Бугун, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик компанияларининг тажрибасидан фойдаланган ҳолда, маҳаллий сармоядорлар қаторида хорижий акциядорлар ҳам акция эгалари бўладиган вақт келди.

Ишончим комилки, акциядорлик жамиятларини айти шундай асосда ташкил этиш бизнинг манфаатларимизга кўпроқ мос келади.

Тўртинчидан. Экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация

ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш – **айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо бизнинг эътиборимиз марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.**

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс равишда ҳал этиш учун биз **қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишга киришдик.** Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва, шунингдек, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Шу борада олдимизда миқёси ва кўламига кўра қандай улкан ишлар тургани ва бунинг учун қандай катта маблағлар талаб этилишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. **Бу масалада ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни тасдиқлаб, исботлаб бермоқдаки, қишлоқ хўжалиги ҳисобидан маблағларни тежаш мутлақо ярамайди ва биз ҳеч қачон бунга йўл қўймаймиз.**

Агарки биз бундан 5 йил олдин ерларнинг ме-
лиоратив ҳолатини, биринчи навбатда, мамлака-

тимизнинг давлат бюджети ҳисобидан тубдан яхшилашга киришмасак – қани, айтинглар, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги қандай аҳволга тушиб қолган бўларди?

Ҳаммамизга аёнки, барча қишлоқ хўжалиги тармоқларининг самарадорлиги, бизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигимиз, нафақат қишлоқ аҳли, балки бутун халқимизнинг моддий фаровонлиги, охир-оқибатда эса бозорларимизда нон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи қандай бўлиши, авваламбор, бебаҳо бойлигимиз бўлган ерларнинг унумдорлиги, уларнинг ҳолатини доимий равишда яхшилаб бориш билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги кунда амалга оширган чора-тадбирларимиз натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришдик.

Сизот сувлари энг оғир даражада, яъни 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга, кучли шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга қисқарди.

Мелиорация ишлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2–3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3–4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага, яъни ҳозирги кунда пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги ислоҳотларининг самарадорлигига қаратмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, Андижон, Косонсой, Чортоқ, Ўрта Чирчиқ, Ўзбекистон ва Бувайда туманларида пахта экин майдонлари қисқартирилганини, Асака, Янгийўл ва Жомбой туманларида эса пахта экишдан бутунлай воз кечилганини қайд этиш жоиз.

Пахтадан бўшаган жами 30 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерда боғ ва узумзорлар ташкил этилиб, бошоқли дон, сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Бунинг натижасида 2012–2014 йилларда пахта хомашёси тайёрлашнинг барқарор ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш – 16,3 фоизга, полиз маҳсулотлари – 16,6 фоизга, мева етиштириш эса – 21 фоизга кўпайди.

Бешинчидан. Қишлоқ хўжалигимизнинг, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса бўлиб кирган фермерлик ҳаракати янги тарихимизда

ўчмас из бўлиб қолажак десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугунги кунда умумхалқ бойлиги бўлмиш ерни ижарага олган, бу ерга ўз мулки ва хизматини қўшган, замонавий техникага эга бўлган **фермер хўжаликлари** – нафақат қишлоқ хўжалигимизнинг асосий маҳсулотини ишлаб чиқарадиган, балки қишлоқнинг келажагини, тараққиётини ўз масъулиятига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатдир.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирги шароитда замонавий фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, катта вазифалар ва масъулиятни ўз зиммасига олган кўптармоқли хўжаликларга айланиб бормоқда.

Эски деҳқон ва фермерлар уюшмаси Ўзбекистон фермерлар кенгашига, жойларда эса вилоят ва туман фермерлар кенгашларига айлантирилди. Бу ҳақда сўз борганда, ҳозирги вақтда фермер хўжаликларининг ривожланиши ва уларнинг фаолиятида юзага келадиган муаммоларга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган бирон-бир масала Фермерлар кенгашининг бевосита иштирокисиз амалда ҳал этилмаслигини қайд этиш лозим.

Фермерлар кенгашлари фермерлик ҳаракати, қишлоқларнинг ривожланиши ва қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги ўсиши учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бориши муқаррар. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, катта истикболга эга бўлган, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90–92 фоизини ишлаб чиқараётган фермер хўжаликлари мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлоқларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлигини янада оширишни ўз назоратига олиши зарур, деб ўйлайман.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, жумладан, энг муҳим ижтимоий дастурлар доирасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ишлар, олдимизда турган кенг кўламли вазифалар ҳақида барчамиз яхши хабардормиз.

Фақат жорий йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда қарийб 400 миллиард сўм ҳажмидаги капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мак-

таб барпо этиш ва 810 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса – 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш ишларини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилади, 2015–2016 йилларда 2 миллиард 100 миллион доллар қийматидаги 25 мингта уй-жой бунёд этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислон тараққиёт банкининг маблағлари жалб қилиниши белгиланмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида фақат табиий газ ва электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 2020 йилгача 530 миллион доллар, телекоммуникациялар тармоғини кенгайтириш учун эса – 136 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Олтинчидан. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш – ҳозирги

боскичда энг устувор вазифаларимиз қаторида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ушбу дастурни амалга оширишнинг нақадар улкан самара келтиришига биргина факт мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Яъни, биз бу дастурни жорий қилишга киришган 2000 йилнинг ўзидаёқ илгари четдан олиб келинадиган маҳсулотларни Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни бошлаган эдик.

2000 йилдан буён мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 220 баробардан зиёд ошгани ҳам маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга қаратилган ишларимизнинг қандай катта самара бераётганини кўрсатади.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улкан имкониятларга эга эканини барчамиз яхши биламиз.

Ҳозирги пайтда маҳаллийлаштирилган корхоналар нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки улар экспорт бозорига ҳам чиқмоқда. 2014 йилда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда 550 турдаги маҳаллийлаштирилган маҳсулот экспорт қилинди.

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёрқин далили ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 та русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Ана шу тармоқларнинг барчасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Ушбу стратегияни янада ривожлантириш мақсадида 2015–2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Еттинчидан. Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Фақат иқтисодиётга инвестиция киритиш жараёни узлуксиз давом этаётган соҳалардагина барқарор иқтисодий юксалиш, иқтисодиётнинг диверсификация қилиниши ва технологик салоҳиятнинг ўсиши кузатилмоқда. Ва аксинча, инвестиция ҳажми камайганда иқтисодий ўсишнинг барча кўрсаткичлари пасайиб, саноат ва бошқа тармоқларда орқага кетиш бошланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми **190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.**

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасида кенг кўламли замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган юзлаб корхоналар, энг илғор буғ-газ ва газ турбинали технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилингани ана шундай йирик лойиҳалар қаторига киради.

Биргина 2014 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида 14 миллиард 600 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди ва бу борадаги кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 11 фоизга ўсди. Ушбу маблағларнинг 3 миллиард доллардан ортиғи хорижий инвестициялардир.

Бугун қурилаётган замонавий корхоналар қаторида Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг

етакчи компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуасининг барпо этилаётгани хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа технологик даражаси, жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми ва қурилиш кўлами бўйича ўта ноёб ҳисобланади ва жаҳон газ-кимё тармоғидаги энг яхши лойиҳа сифатида ҳақли равишда кўплаб мукофотларга сазовор бўлди.

Туб таркибий ўзгаришлар, стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари сезиларли равишда ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ушбу институтлар томонидан йўналтирилган кредитлар ҳажми бугунги кунда 8 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Инвестиция сиёсати ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта миқдорда инвестиция сарфламоқда. Мисол учун, фақат 2000 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда ирригация тизимларини ривожлантириш, йирик ва ўта муҳим сув хўжалиги объектлари фаолияти хавфсизлиги-

ни ва улардан ишончли тарзда фойдаланиш кафолатларини ошириш учун қарийб 1 миллиард 300 миллион доллар ҳажмидаги маблағ йўналтирилди. Бу маблағнинг 335 миллион доллари Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари ҳисобидан жалб этилди.

2015 йилда ирригация тармоқларини янада ривожлантириш мақсадида 390 миллион 600 минг доллар ҳажмидаги марказлаштирилган капитал қўйилмаларни ўзлаштириш кўзда тутилган. Умуман олганда, 2020 йилгача ирригация тармоқларини янада яхшилашга марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан 1 миллиард 480 миллион доллар, жумладан, қиймати 1 миллиард 100 миллион долларга тенг имтиёзли чет эл кредитларини йўналтириш мўлжалланмоқда.

Инвестиция сиёсатини амалга оширишда инфратузилмани ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда қарийб 2 минг километр автомобиль йўллари, хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган 1,5 минг километр узунликдаги йўл тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Темир йўл соҳасида 342 километр узунликдаги янги «Навоий – Учқудук – Нукус – Султон Увайстоғ» ва 223 километрлик «Тошгузар – Бой-

сун – Қумқўрғон» тармоқлари барпо этилди, 550 километрдан зиёд темир йўл линиялари электрлаштирилди. Айни пайтда, янги «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўли ва тоғли ҳудудлар орқали ўтадиган 19 километрдан зиёд узунликдаги тоннель қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Саккизинчидан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Авваламбор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда йилига қарийб 1 миллионта иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани, айниқса, аҳамиятлидир.

Тўққизинчидан. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Бу борада шуни кайд этиш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59–60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмокда. Фақат ўтган 2014 йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, аҳолининг реал даромадлари 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормокда.

Бугунги кунда ушбу кўрсаткич мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидаги 10,6 фоиздан 52 фоизга ошганини таъкидлаш лозим ва бундай катта ютуқ, албатта, барчамизга мамнуният бағишлайди.

Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. Яъни, бошқача қилиб айтганда, жамиятимизнинг ўта бойлар ва ўта камбағалларга кескин табақаланиб кетишига йўл қўймаслик сиёсатини амалга оширганимиз ўз натижасини бермокда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга. Деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йўлдош орқали кўрсатадиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхо-

на анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар пайдо бўлди.

Мамлакатимизда уй-жой билан таъминланиш даражаси, жон бошига ҳисоблаганда, 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга ошди. Уй-жой фондининг деярли ҳаммаси хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Аҳолининг тўлов қобилияти ва истеъмол талабининг ортиб бораётгани иш ҳақи ва пенсияларнинг истеъмол нархлари ўсишига нисбатан жадал ошишини таъминламоқда.

Масалан, 2000 йилда ўртача иш ҳақига ўртача истеъмол саватининг ярмини, яъни 50 фоизини харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич тегишли истеъмол саватининг 4,26 баробарини ташкил қилгани, яъни 2 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Ҳурматли съезд иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган кескинлик, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг тобора авж олиб бораётгани, ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари, радикализм, терроризм ва экстремизмнинг янада фаоллашаётгани, жаҳон бозорларидаги бекарор вазият бизни ташвишга солмасдан қўймайди, албатта.

Ўзбекистоннинг бу борадаги принцип ва позициялари жаҳон ҳамжамиятига яхши маълум. Хавфсизлигимиз асосини ташкил этадиган мазкур принцип ва позициялар 2012 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блока қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Узоқ ва яқин атрофимизда вужудга келаётган бугунги мураккаб вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри ва энг маъқул деб биламиз.

Азиз ватандошларим, кадрдонларим!

Биз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимиз – демократик ва фуқаролик жамияти, барқарор суръ-

атлар билан тараққий топаётган иқтисодиёт, тинч-осойишта, бадавлат ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда давлатимизга обрў-эътибор ва ҳурмат қозониш – буларнинг барчаси, албатта, қисқа даврда эришадиган, етиб борадиган қоялар – марралар эмас.

Буни ҳаммамиз чуқур тушунамиз.

Лекин шу ҳақиқатни тан олган ҳолда, шу билан бирга, таъкидлаш керакки, эл-юртимизга инъом этган шундай омил ва мезонлар борки, улар ўз таъсири, куч-қувватини мустақиллик йилларида мамлакатимиз қўлга киритган, бошқалар асрлар давомида эришадиган, дунё ҳамжамиятини ҳайратда қолдираётган ютуқ ва марраларда яққол намоён этмоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Яна бир муҳим фикрни билдиришни зарур, деб ҳисоблайман.

Бугун Ўзбекистон деб аталмиш кўрғонимиз тарихан қисқа даврда пойдевори мустаҳкам, давр талабига жавоб берадиган замонавий давлатга айланиб бораётгани, энг асосийси, аввало, одамларимизнинг дунёқараши, фикри-зикри, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи омиллардан бири эканини ҳаммамиз яхши англамоқдамиз.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади – фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати,

жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишда улкан ва қудратли замин бўлишига аминман.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халкимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш – барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Мухтарам дўстлар!

Сизларга яна бир бор ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, самимий тилакларимни изҳор этиб, барчангизга соғлик-омонлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака тилайман.

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –
Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг
VII съездидаги маъруза.
2015 йил 6 февраль*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ
САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ**

Мамлакатимизда 2015 йилнинг 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик стандартлар асосида, очиқлик, ошқоралик, тенглик ва холислик принципларига тўла мувофиқ равишда ўтгани Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг кузатувчилар миссиялари ҳамда дунёнинг 43 та мамлакатидан келган халқаро кузатувчилар томонидан кенг эътироф этилди.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур сайлов халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, унинг ҳуқуқий онги ва тафаккури, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг етуклик даражаси тобора юксалиб бораётгани, жамиятимизнинг демократик қадриятларга садоқатини яна бир бор намоён этди.

Ҳеч шубҳасиз, сайловнинг ана шундай муваффақиятли ўтишида сайловолди жараёнлари, жумладан, Президентликка номзодларнинг марказда ва жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари муҳим роль ўйнади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов ҳам, бошқа номзодлар каби, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

2015 йил 19 февралдан 18 мартга қадар бўлган вақт мобайнида самимийлик ва ошкоралик руҳида ўтган учрашувларда Ислом Каримов Президент сайловининг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталиб, сайловчиларни ўзининг сайловолди дастури билан яқиндан таништирди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур дастурда аввало мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган ғоят мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўл чуқур таҳлил қилиниб, қўлга киритилган улкан ютуқлар, амалга оширилган буюк ўзгаришлар мисолида «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган саволга атрофлича жавоб берилади. Ватанимиз эришган, жаҳон миқёсида тан олинаётган юксак марраларда ҳар бир вилоятнинг муносиб ҳиссаси борлиги таъкидланади. Ўзбекистон

иктисодиёти мустақиллик даврида 5 каррадан зиёд ўсгани, аҳоли даромадлари қарийб 9 баробар ошгани, одамларимизнинг ўртача ёши 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга узайгани – бундай натижалар билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди, албатта.

Айниқса, кейинги ўн йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотимиз 8 фоиздан кам бўлмаган суръатларда ўсаётгани ва 2015 йилда ҳам шундай натижа кутилаётгани чиндан ҳам халқаро жамоатчилиكنинг, яқин ва узоқ ён-атрофимиздаги қўшни мамлакатларнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда. Мана шундай ютуқларга эришишда ўз вақтида танланган, дунёда «ўзбек модели» деб ном олган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли бекиёс аҳамиятга эга бўлгани учрашувларда алоҳида қайд этилди.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, янги-янги талаб ва вазифаларни, илгари дуч келмаган турли ўткир муаммоларни олдимизга қўяди, деди Ислон Каримов.

Айниқса, биз бугун ХХІ асрда – интеллектуал салоҳият, интернет ва юқори технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган глобаллашув даврида яшаётганимизни, жаҳон бозоридаги кескин рақобат, дунё миқёсида зиддият ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб, шиддатли тус ола-

ётганини ҳисобга оладиган бўлсак, қўлга киритган ютуқ ва натижаларимиз – бу биз танлаган олис ва мураккаб йўлнинг фақат бир қисми, яъни, дастлабки қадамлар эканини чуқур англаб олишимиз даркор.

Мана шундай вазиятда биз эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, ҳаёт билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиб яшаш учун танлаб олган йўлимиздан қатъият билан боришимиз, замон қийинчиликларига таслим бўлмасдан, уларни енгиб яшашимиз керак. Нега деганда, эзгу мақсадларимизга эришиш учун бугун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилмасак, ўзимизни қийнамасак, эртага ҳаёт бизни қийнаб қўйиши ҳеч гап эмас.

Ислом Каримов ўзининг сайловолди дастури айни шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганини, бизнинг вазифамиз аниқ ва равшан – ривожланган давлатлар қаторига кириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада ошириш, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун эркин ва фаровон ҳаёт кечириш имкониятларини яратиб беришдан иборат эканини таъкидлади.

Бу мақсадга эришишнинг стратегик йўли сифатида 10 та устувор йўналишни ўзида мужассам этган энг муҳим вазифаларга эътибор қаратилди.

Ислом Каримов мамлакатимизнинг истиқболдаги иқтисодий-ижтимоий тараққиёти ҳақида тўхталар экан, бу борада ишлаб чиқилган кенг қамровли ушбу дастур ҳар бир минтақа ва ҳудудни унинг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мутаносиб ривожлантиришни назарда тутишини қайд этди.

Учрашувларда мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳот ва модернизация жараёнлари доирасида барча ҳудудларимизни замон талаблари асосида тараққий эттириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш, одамларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Барча соҳалар бўйича яқин ва узоқ келажақда амалга оширилаётган ишлар режаси баён қилинди.

Биринчи устувор йўналиш – иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ва зифасини муваффақиятли амалга ошириш бўйича барча ҳудудларимизда етарли иқтисодий салоҳият мавжуд экани ҳамда ўтган даврда катта ишлар амалга оширилгани, яқин келажақда йирик лойиҳалар мўлжалланаётгани аниқ мисол ва рақамлар асосида кўрсатиб берилди.

Масалан, Қашқадарё вилоятида воҳанинг мавжуд индустриал салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида ҳозирги вақтда фақат нефть-газ, нефть-кимё саноатининг ўзида қиймати салкам 10 миллиард долларга тенг бўлган 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020 йилгача вилоятда бу соҳада 11 миллиард доллар қийматидаги 31 та янги лойиҳа жорий этилади. Қорақалпоғистон Республикасида эса келгуси беш йилда фақат саноат соҳасининг ўзида яна 500 га яқин йирик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида 10 мингга яқин одамни иш билан таъминлаш имкони пайдо бўлади. Шунингдек, Навоий, Жиззах ва Ангрен махсус индустриал зоналарида амалга оширилган катта хажмдаги бунёдкорлик ишлари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам бўлиб ўтган мулоқотларда батафсил ахборот берилди.

Ушбу индустриал зоналар нафақат Навоий, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётидаги улкан қадам бўлгани, ана шу ҳудудларда қисқа муддатда зарур ишлаб чиқариш тармоқлари ва инфратузилмалари барпо этилгани эътироф қилинди. Яқин вақт ичида бу иқтисодий зоналарда замонавий маиший буюмлар, тикув машиналари, қуёш энергияси ускуналари, енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун шиналар ва конвейер ленталар,

пойабзал, керамик плиткалар, сантехника воситалари, энергия тежайдиган лампалар, мобиль телефонлар, телекоммуникация тармоқлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бир вақтлар – 90-йилларда саноатимиз улуши ялпи ички маҳсулотнинг 14,1 фоизини ташкил қилган бўлса, мана шундай кенг кўламли амалий ишларимиз ҳисобидан бугунги кунда бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этмоқда.

Энг асосийси, бундай лойиҳалар касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битирган минглаб ёшларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз истиқболини белгилаб берадиган саноат соҳасини жадал ривожлантириш билан боғлиқ ислоҳотларимизни амалга ошириш бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида бўлади, деди Ислон Каримов. Айниқса, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик ва енгил саноат, замонавий ахборот-коммуникация тизимлари каби барча тармоқларни янада ривожлантириш, шу асосда аҳолини доимий иш билан таъминлаш келгуси режаларимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Албатта, бугунги кунда янги-янги замонавий тармоқларга эга бўлиб бораётган саноатимизнинг қиёфасини кўрсатадиган ўзгариш ва янгиланишлар, бу соҳада амалга оширилаётган

йирик лойиҳалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу ўринда биргина муҳим йўналиш – юртимизда автомобилсозлик соҳасидаги лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида Германиянинг «МАН авто» компанияси билан ҳамкорликда қурилган йирик заводда йилига 4 минг 600 га яқин юк автомобили ва 1 минг 350 дан ортиқ прицеп ишлаб чиқарилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги яна бир йирик автомобиль заводи – «Самавто» корхонасида эса 5 хил русумдаги автобуслар, 8 турдаги юк автомобиллари, 35 хил кузовлар тайёрланмоқда. Уларнинг қаторига йилига 60 мингта «Дамас» ва «Орландо» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди.

Бу тармоқда жаҳондаги йирик «Женерал моторс» компанияси билан эришилган ҳамкорлик туфайли енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 250 мингтага етказиш имконияти пайдо бўлди.

Асака шаҳридаги автомобиль заводида бугунги кунга қадар 2 миллион 500 минг автомобиль ишлаб чиқарилди. Ҳозирги вақтда юртимиздаги ҳар икки оиланинг бири ўз енгил автомобилига эга, буларнинг асосий қисми ана шу заводда ишлаб

чиқарилган машиналар экани айниқса эътиборлидир.

Ислом Каримов бу ҳақда гапирар экан, қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтди.

Бу корхонада ўзимизнинг коллежларимиз, олий ўқув юртларимизни битириб, чет элда малака ошириб келган ёшларимиз илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган, мураккаб техника ва технологияларни моҳирона бошқармокда. Улар энг замонавий русумдаги, нафақат ички бозоримизда, балки халқаро бозорда ҳам талаб катта бўлган 8 турдаги енгил машиналарни ишлаб чиқараётгани, ўзингиз айтинг, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган шиоримизнинг амалдаги яққол ифодаси эмасми?

Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожининг йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади, деб қайд этилди сайловолди учрашувларида.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи ана шу соҳага тўғри келаётгани, иш билан банд бўлган аҳолиимизнинг 75 фоизи, яъни 10 миллионга яқин одам айна шу соҳада меҳнат қилаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу масаланинг биз учун қандай катта аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

Шу билан бирга, очик айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйиш ҳолатлари учраб турганига мутлақо тоқат қилиб бўлмаслиги, қонунга зид бўлган бундай ҳолатларга бутунлай чек қўйиш муҳим вазифа эканига алоҳида урғу берилди.

Сайловчилар билан ўтказилган мулоқотларда иқтисодиётда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам **давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш** лозимлиги қайд этилди.

Давлатнинг иштироки, авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаётган электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари табиий монополияларга асосланган соҳаларда сақлаб қолиниши керак. Яъни, зарар кўриб ишлаётган давлат корхоналари ва объектларини хусусий ёки корпоратив мулк шаклига ўтказиш, корхоналарда давлат улушини камайтириб, хусусий тадбиркорлик субъектларига айлантириш, давлат активларини очик савдолар орқали, инвестиция киритиш шарти билан «ноль» қийматида сотиш мўлжалланмоқда.

Бу борада Самарқанд вилоятида кейинги беш йилда зарар кўриб ишлаётган 14 та давлат корхонаси ва объекти хусусий ёки корпоратив мулк шакли-

га ўтказилган бўлса, Фарғона вилоятида 21 та ана шундай объект хусусийлаштирилди, 23 та корхона «ноль» қийматида сотилди, авария ҳолатидаги 71 та объектга тегишли бўлган ер майдонлари тадбиркорларга берилди. Тошкент вилоятида эса ана шундай ҳолатдаги 131 та давлат корхонаси ва объекти хусусий ёки корпоратив мулк шаклига ўтказилгани бу мураккаб ва оғир масаланинг тўғри ечимини топишда ҳал қилувчи қадамлар бўлгани эътироф этилди.

Барчамизга аёнки, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида **қишлоқ хўжалиги** муҳим ўрин тутади. Мазкур соҳани барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, шу асосда ҳосилдорликни юксалтириш, ирригация тизимларини модернизация қилиш масаласи бугунги кунда энг долзарб ва устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу ўринда Ислом Каримов томонидан муҳим бир масалага эътибор қаратилди. Агар биз ўз вақтида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини қабул қилмасак, 1 миллион 760 минг гектар ернинг – эътибор беринг, агар республика бўйича жами суғориладиган ерларимиз 4 миллион 200 минг гектарни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бу барча экин майдонларининг қарийб ярми деганидир – мелиоратив ҳолатини яхшилаш мумкинмиди?

Мамлакатимиз бўйича келгуси 5 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 1 триллион 860 миллиард сўм, ирригация тармоқларини модернизация қилиш учун 3 триллион 144 миллиард сўм ва 584 миллион долларлик хорижий инвестицияларни йўналтириш режалаштирилмоқда.

Айни шу масала Сирдарё вилоятида ниҳоятда ўткир муаммо бўлиб, воҳа аҳлини, авваламбор, заҳматкаш деҳқонларни йиллар давомида қийнаб келгани ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ. Вилоятдаги экин майдонларининг 19 фоиздан ортиғи турли даражада шўрлангани, сизот сувларининг меъёридан юқори экани, ирригация иншоотларининг яроқсиз ҳолга келиб қолгани ҳам бу борадаги аҳволни яққол кўрсатиб турибди.

Ўтган даврда вилоятда 80 миллиард 900 миллион сўм маблағ ҳисобидан 11 минг гектардан зиёд ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши натижа-сида ҳосилдорлик ғалла бўйича 6 центнерга, пахта бўйича 5,5 центнерга ошгани шу борада эришилган энг муҳим амалий натижа бўлди.

Ҳозирги кунда суғориш ишларини янада яхшилашга хизмат қиладиган Сардоба сув омбори барпо этилмоқда. Бу йирик иншоот қурилиши 2017 йилда якунига етказилади, шу тариқа Сирдарё ва Жиззах вилоятидаги минглаб гектар ерларни суғориш учун қулай имконият пайдо бўлади.

Бухоро вилоятида 233 минг гектардан ортиқ ернинг дардига бамисоли дармон бўлган мелиорация ишлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада кейинги 7 йилда давлат бюджетидан 133 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу айти шу мақсадда мамлакат бўйича ажратилган маблағнинг 12,6 фоизини ташкил этади.

Хоразм вилоятида 160 миллиард 800 миллион сўм маблағ ҳисобидан 177 минг гектардан зиёд ернинг мелиоратив ҳолати яхшилангани ҳам ҳосилдорликнинг ошиши, пировард натижада қишлоқ аҳлининг даромади ва турмуш даражаси юксалишига замин яратди.

Бу борада Урганч экскаватор заводи базасида хитойлик шериклар билан ҳамкорликда 18 миллион 200 минг долларлик инвестиция ҳисобидан экскаватор ва бульдозерлар ишлаб чиқарадиган корхонанинг ишга туширилгани, ҳеч шубҳасиз, замонавий тарзда, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини қўллаган ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим қадам бўлди. Келгуси 5 йилда эса Хоразм вилоятида 264 миллиард сўм ҳажмидаги маблағлар эвазига 160 минг гектардан ортиқ ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш режалаштирилган.

Ислом Каримовнинг сайловолди дастурида яна бир устувор йўналиш сифатида мамлакатимизда **фермерлик ҳаракати** жадал суръатлар билан ри-

вожланиб, одамларнинг ерга, ишга бўлган муносабати ўзгараётгани, энг муҳими, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси кучайиб, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалиб бораётгани таъкидланиб, бу борадаги долзарб вазифалар ўз ифодасини топган.

Бу масалани Сурхондарё мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳозирги вақтда вилоятда 5 мингдан зиёд фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар томонидан бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган пахта хомашёсининг 10 фоизи, ғалланинг қарийб 6 фоиздан ортиғи тайёрланаётганини таъкидлаш лозим. 2014 йилда вилоят бўйича 335 минг тоннадан зиёд пахта, 495 минг тонна ғалла, 575 минг тонна сабзавот, 185 минг тонна картошка, қарийб 90 минг тонна мева, 80 минг тоннага яқин узум етиштирилди.

Сирдарё вилоятида эса 6 мингдан зиёд фермер хўжалиги томонидан ўтган йили 580 минг тонна ғалла, 243 минг тоннадан ортиқ пахта, қарийб 346 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилгани албатта машаққатли ва катта меҳнат натижасидир.

Шу билан бирга, фермерлик ҳаракатини замон талаб қиладиган даражага кўтариш, фермерларни қишлоқнинг ҳақиқий таянчи ва устунига айлантириш, фермерлар кенгашларининг фаолияти самарасини ошириш, кўптармоқли

фермер хўжаликларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника, ресурсларни тежайдиган технологиялар билан таъминлаш, янги авлод фермерларини тайёрлаш масалаларига дастурда алоҳида эътибор қаратилди.

Сайловчилар билан бўлган учрашувларда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида энг устувор вазифаларимиздан бири экани таъкидлаб ўтилди.

Шу мақсадда мамлакатимизда 2015–2019 йилларга мўлжалланган Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 602 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилгани бу йўлдаги энг катта қадам бўлди.

Тошкент вилоятида яқин беш йилда шу борада 117 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда. Бу лойиҳалар энергияни тежайдиган ёритгичлар, темир йўл вагонлари ва қуёш панеллари учун қуёш батареялари, турли маиший хизмат буюмлари каби 146 турдаги 465 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 1 минг 700 га яқин янги иш ўрнини ташкил этиш имконини беради. Яна бир муҳим томони – йилига 194 миллион доллар ҳажмидаги валютани тежашга эришилади.

Андижон вилоятида яқин 5 йилда автомобиль саноати учун бутловчи буюмлар, нефть-газ-кимё маҳсулотлари, спорт анжомлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган 45 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ана шу лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш натижасида тахминан 1 триллион 500 миллиард сўм ҳажмидаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 960 та янги иш ўрни яратиш, йилига 620 миллион долларга яқин валюта маблағларини иқтисод қилинишининг ўзи бу ишларнинг миқёси ва кўламидан далолат беради.

Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти **инвестиция жараёнлари** билан боғлиқ экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман, дея қайд этди Ислом Каримов ўз дастурининг навбатдаги устувор йўналиши ҳақида тўхталар экан.

Бу йўналишдаги ишларимизнинг самараси сифатида хорижий инвесторлар иштирокида фаолият кўрсатаётган 56 та корхона томонидан сўнгги 7 йилда 3 миллиард 700 миллион доллардан зиёд маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилганини таъкидлаш зарур.

Бухоро вилояти мисолида оладиган бўлсак, кейинги 7 йилнинг ўзида 9 миллиард 500 миллион

доллар ҳажмида инвестиция киритилди. Шунингдек, Навоий вилояти иқтисодиётига 9 триллион сўмдан зиёд инвестиция, жумладан, қарийб 1 миллиард долларлик хорижий сармоя киритилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон таракқиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди. Дастурда бу борадаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилиши белгиланган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларда энг долзарб мавзулардан бири сифатида қизғин муҳокама қилинди.

Маълумки, биз учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини ошириш борасида ҳар йили аниқ режа асосида мамлакатимиз бўйича 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилмоқда.

Биргина Қашқадарё вилоятида ўтган йили 89 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани, жумладан, қарийб 45 минг нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилганини таъкидлаш лозим. Хоразм вилоятида эса 60 мингдан зиёд иш ўрни яратилиб, 26 мингдан зиёд коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилганини қайд этиш жоиз.

Нафақат иқтисодий, авваламбор, сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу вазифа, яъни, одамлар-

нинг, айниқса ёшларнинг тақдирини, келажагини ҳал қиладиган, уларни турли номаъқул, хатарли йўллардан асрайдиган бу масалага эътиборни янада кучайтириш, шу ишга мутасадди бўлган раҳбар ва хизматчиларнинг масъулиятини ошириш лозим. Бир сўз билан айтганда, бу масала доимий эътиборимиз марказида туриши зарур.

Айни шу муаммонинг тўғри ечимини топиш, ҳар қайси одамнинг куч-имконияти ва қобилиятига яраша иш топиб бериш, шу орқали уларни даромад билан таъминлаш ҳисобидан халқимиз, аввало, қишлоқда яшайдиган аҳолини ҳаётдан рози қилиш, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш мумкин.

Дастурдан ўрин олган яна бир муҳим устувор йўналиш – **халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш** ҳақидаги амалий фикр ва ғоялар барча учрашувларда сайловчилар вакиллари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида аҳоли даромадлари қарийб 9 баробар ўсганини инобатга оладиган бўлсак, бу борада қандай катта ўсишга эришилгани яққол аён бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йўлдош орқали кўрсатадиган ва кабелли телевизорлар, музлатиш камералари ва

замонавий ошхона анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлардан кенг фойдаланилаётгани ҳам аҳоли фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Кейинги 5 йилда мамлакатимизда **аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш** бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар олиб борилгани ва дастурга кўра, бу масалага келгусида ҳам жиддий эътибор қаратилиши учрашувларда алоҳида кайд этилди.

Юртимизда янги сув тармоқлари ва сув тозалаш иншоотларини барпо этиш, мавжудларини модернизация қилиш ва уларнинг қувватини янада ошириш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш ўта муҳим вазифаларимиз қаторига киради. Ўтган йиллар давомида ҳудудда шу борада 1 минг 400 километрлик сув тармоғи қурилгани ва реконструкция қилингани натижасида 500 мингга яқин аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Келгусида 740 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобидан 5 минг 100 километр сув тармоғини тортиш ва реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда.

Навоий вилоятида сўнгги йилларда 275 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Келгуси 5 йилда вилоятда яна 1 минг 50 километрлик ичимлик сув тармоғи барпо этиш режалаштирилмоқда.

Сайловчилар билан учрашувларда яна бир муҳим вазифа — **аҳолини табиий газ билан таъминлашни** яхшилаш масаласига эътибор қаратилиб, барча шаҳар ва қишлоқларимизда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш ва яқин келажакда амалга ошириладиган режалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг истиқболи ва тараққиётини таъминлашда иқтисодиётимизнинг қувват манбаи бўлган **энергетика соҳаси** бекиёс ўрин тутади. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг қарийб учдан бир қисмини етказиб бераётган Сирдарё иссиқлик электр станциясида кейинги йилларда 60 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 2 та энергия блоки модернизация қилингани, Тошкент иссиқлик электр станциясида қиймати 512 миллион доллар ҳажмидаги буғ-газ қурилмасини 2015 йилда фойдаланишга топшириш, Фарғона водийси аҳолисининг электр энергияга бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясининг биринчи ва иккинчи блокени яқин 3 йилда ишга тушириш ва 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилаётгани таъкидланди.

Барчамиз яхши биламизки, ҳозирги кунда **замонавий транспорт ва коммуникация тармоқларини** ривожлантирмасдан туриб, иқти-

содий-ижтимоий тараққиётда юксак марраларга эришиб бўлмайди. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг амалий тасдиғи сифатида темир йўл транспортида Марказий Осиёда биринчи бўлиб «Тошкент – Самарқанд» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» поезди катнови йўлга қўйилганини алоҳида эътироф этиш ўринли бўлади.

Учрашувларда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, янги йўл ва кўприklar қуриш, шаҳарлар, қишлоқлар, маҳаллалар ҳудудларидаги йўлларни таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган аниқ лойиҳа ва режалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Бу борада яна бир ўта муҳим лойиҳа – 123 километрлик «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилиши жадал олиб борилаётгани тўғрисида сўз борди. Бу темир йўлнинг 19 километри денгиз сатҳидан 1 минг 465 метр баландликда жойлашган мураккаб тоғ тизмаларини кесиб ўтадиган, Марказий Осиёда ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида энг узун замонавий тоннель ҳисобланиб, дунё миқёсида у 13-ўринда туради. Ҳозирги вақтда ушбу темир йўлнинг 84 километрлик тармоғи қуриб битказилди. У Европа билан Осиё қитъаларини ўзаро боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг узвий бўғинига айланади. Темир йўл ишга туширилиши натижасида

Тошкентдан Фарғона водийси вилоятларига юк ташиш вақти 2 баробар қисқаради, юк ташиш тарифлари эса салкам 4 марта камаяди. Бу лойиҳа йилига 20 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш ва транзит ҳисобидан 140 миллион доллар маблағни тежаш имконини беради. Яна бир муҳим жиҳати — ана шу темир йўл туфайли 1,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Келгуси 3 йилда Қамчиқ довони орқали ўтадиган автомобиль йўли таъмирланади, Наманган шаҳрига олиб борадиган магистраль йўлнинг Поп, Чуст, Тўрақўрғон туманларидан ўтадиган тармоғини халқаро стандартлар даражасида реконструкция қилиш якунига етказилади. 2017 йилда яна бир йирик лойиҳа — «Қарши — Термиз» темир йўл тармоғини электрлаштириш ниҳоясига етказилади ва бунинг натижасида юк ташиш харажатлари ўртача 20 фоизга камайиб, йўловчи ва юк ташиш тезлиги 1,5 баробар ошади.

Бу борада амалга ошириладиган йирик лойиҳалар ҳақида гапирганда, биргина Сурхондарё вилоятида халқаро стандартларга жавоб берадиган 336 километрлик автомобиль йўлларини барпо этиш, халқаро аҳамиятга эга бўлган «Қарши — Термиз» автомобиль йўлини реконструкция қилиш белгиланганини айтиш лозим.

Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам бу масала алоҳида

тилга олиниб, пойтахтимизда автомобиллар сони тобора кўпайиб бораётгани, бу ерда транспорт қатновини оқилона ҳал этиш зарурлигига эътибор қаратилди. Айниқса, пойтахтимизни аҳолининг яшаши учун энг қулай, обод ва фаровон масканга айлантириш борасида қатор тавсия ва фикрлар билдирилди.

Бу ўринда Тошкент шаҳрида ўтган 5 йилда 2 миллион 460 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилган бўлса, келгуси 5 йилда 500 та кўпқаватли уй-жой барпо этиш режалаштирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Эски шаҳар ҳудудида бунёд этилган ҳар томонлама обод кўчалар, шинам ва кўркем бинолар, мактаб ва поликлиникалар, маҳалла гузарлари, айниқса, Эски Жўва бозори, Абдулла Қодирий номидаги Маданият ва истироҳат боғи, Болалар ижодиёти маркази, Миллий либослар галереяси Эски шаҳар қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди.

Биргина 2014 йилнинг ўзида Беруний кўчасидан Хуршид кўчасигача бўлган масофада янги Нурафшон кўчаси қурилгани, Лабзак ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги кўприк барпо этилганини таъкидлаш ўринлидир. Бир сўз билан айтганда, Эски шаҳарнинг бугунги кунда фақат номи эски бўлиб, у мутлақо янги қиёфа касб этмоқда, деди Ислом Каримов.

2015 йилда Тошкент шахрининг Эски шахар қисмида қулай ва шинам, замонавий уй-жойлар барпо этиш бўйича қабул қилинган Президент қарори асосида Нурафшон кўчаси бўйлаб 5 та 5 қаватли уй-жой қурилиб, жами 162 та оила янги квартиралар билан таъминланади. Бундан ташқари, 2015 йилнинг охирига қадар Эски шахар ҳудудида яна 258 та квартирадан иборат бўлган, 3 ва 5 қаватли 10 та уй қуриб фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

Ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг мана шундай янги уйларга кўчиб ўтиши ҳисобидан бўшаб қолган ер майдонларида келгусида, яъни 6—7 йил давомида 312 минг квадрат метрдан иборат 160 та 3 ва 5 қаватли уйлар босқичма-босқич барпо этилиб, жами 4 минг 130 та оила алоҳида квартиралар билан таъминланади.

Ислом Каримов қурилиш ва ободончилик ишлари юртимизнинг барча вилоят, шахар ва туманларида, олис қишлоқларда ҳам узоқни кўзлаб, аниқ мақсад асосида амалга оширилаётгани, айниқса, вилоят марказлари миллий ва замонавий жиҳатдан уйғун қиёфага эга бўлиб бораётгани ҳақида тўхталиб, бу хусусда ҳам муҳим таклиф ва тавсияларни баён қилди.

Сўнгги вақтларда иқтисодиётимиз ривожланиб, одамларимиз турмуш даражасининг юксалиб бориши туфайли нафақат шахарларда, балки

қишлоқларда ҳам янги уй-жойлар қуриш кўлами кенгайиб бораётгани айниқса қувончлидир. Бу ҳақда гапирганда, аввало, 2014 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингга яқин уй-жой барпо этилганини таъкидлаш лозим. Масалан, Жиззах вилоятида ўтган йилларда жами 3 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда 2 минг 292 та уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилгани қанча-қанча хонадонларга замонавий қулайлик билан бирга, қувонч ва шодлик олиб келди. Жорий йилда яна 690 та ана шундай уй-жойлар барпо этилади. Келгуси 5 йилда эса бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиб, 4 минг 295 та уй-жой қурилиши белгиланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида эса ўтган 5 йилда 3 миллион 380 минг квадрат метр янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 332 та уй-жой қуриб фойдаланишга топширилганини қайд этиш лозим.

Ислом Каримов вилоятлардаги бундай ижобий ишларни таъкидлар экан, айтиш пайтда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, яқка тартибда уй-жой қуриш, коммунал хўжалик тизимини замон талабларига кўра ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ишларини такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифаларга эътиборни қаратди. Чунончи, жойларда аҳолининг уй-жойга нисбатан ўсиб бораёт-

ган эҳтиёжини ўрганиб бориш ва шу асосда кўп-каватли уйлар барпо этиш ва якка тартибда уй-жой куриш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, бу борада айниқса ёш оилаларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш масаласи муҳим экани таъкидланди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уй-жойлар куриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарамасдан, одамларни уй-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдонини 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга оширишга эришилди. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфида эканини айтиш лозим. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди.

Сайловолди учрашувларида биз ўз олдимизга қўйган эркин ва обод, фаровон ҳаёт куришда замонавий билим, юқори касб малакасига эга бўлган, ўз юрти ва халқига садоқатли ёш авлодни тарбиялаш нақадар масъулиятли масала экани қайта-қайта таъкидланди.

Бугунги кунда бу соҳада амалга оширилаётган улкан ишлар, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида фарзандларимизнинг ҳар томон-

лама баркамол бўлиб улғайиши учун яратилаётган замонавий шароитлар туфайли ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаётгани барчамизга мамнуният етказди, деди Ислом Каримов.

1997 йилда қабул қилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим-тарбия соҳасида жуда катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш лозим. Ушбу дастур нафақат фарзандларимизнинг тақдирини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини мутлақо ўзгартириб юборди ва бугунги кунда ижобий маънодаги «портлаш эффекти» натижаларини биз амалда кўрмоқдамиз. Ўзбекистоннинг келажакгини белгилаб берадиган таълим-тарбия бундан буён ҳам энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши дастурнинг яна бир муҳим йўналиши экани сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда кўп бор такрорланди.

Бўлиб ўтган мулоқотларда фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида уларни спорт ва мусиқа оламига кенг жалб қилиш, улардан чемпионлар, халқаро мусобақалар ғолибларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро майдонларда ғолибликни қўлга киритадиган чемпионлар фақат мактаблардаги спорт залларидан етишиб чиқмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Биз барча вилоятларимизда, жумла-

дан, Тошкент шаҳрида халқаро спорт усталарини тайёрлайдиган янги спорт мажмуаларини барпо этишимиз керак. Уларга хорижлик малакали тренерларни жалб этишимиз лозим. Бу мажмуалар учун болалар ёшлигидан саралаб олиниб, йиллар давомида тайёрланади.

Ана шундай ишларимизни кучайтириш мақсадида, масалан, Фарғонада халқаро стандартларга жавоб берадиган 20 минг ўринли замонавий стадион барпо этилди. Андижон вилоятида эса келгуси 5 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 65 та объектда қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Мана шундай эзгу ишларнинг натижаси сифатида, мисол учун, биргина Наманган вилоятида кейинги 7 йилда 27 миллиард 2 миллион сўм маблағ эвазига 15 та замонавий болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мусиқа мактабининг вазифаси – фақат бир асбоб чалишни ёки нота саводини ўргатиш дегани эмас. Бу мактабларнинг бош вазифаси – авваламбор, болаларимиз, ёш авлодимизнинг мусиқа ва санъатга бўлган меҳр-муҳаббатини уйғотиш ва ривожлантиришдан иборат. Мақсадимиз – болаларимиз жаҳон санъат оламига чуқурроқ кириб бор-

син, унинг сир-асрорини, буюк мусиқа ижодкорларининг ўлмас меросини – бу Бетховен бўладими, Шопен бўладими, Моцарт бўладими – ҳар томонлама англаб етсин.

Ислом Каримов аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, соғлиқни сақлаш борасидаги ислохотлар мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб аниқ мақсадни кўзлаб олиб борилаётгани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётгани ҳақида чуқур таҳлилга асосланган фикр ва хулосаларни баён қилди. Фақат соғлом миллат, соғлом халқ буюк ишларга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига мамлакатимизда устувор аҳамият берилмоқда. Бугун нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки юртимизнинг олис ва чекка ҳудудларида ҳам энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт масканлари фаолият кўрсатаётгани ана шундай юксак эътибор самараси экани таъкидланди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш мақсадида кўптармоқли тиббиёт ва диагностика марказлари ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари босқичма-босқич капитал таъмирланмоқда, улар энг сўнгги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Бизнинг мақсадимиз энг ривожланган давлатлардан замонавий асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ўзимизда энг мураккаб операцияларни амалга оширишдан иборат эканини мен илгари ҳам кўп айтганман, деб таъкидлади Ислон Каримов бўлиб ўтган учрашувларда. Бундай асбоб-ускуналарни сотиб олиш эмас, ишлатиш муҳим. Шифо истаганларни, фарзандларимизни, қарияларимизни Германия ёки Жанубий Кореяга юбормасдан – биласиз, бу қанча маблағ ва оворагарчилик дегани – ўзимизда даволаб, оғирини енгил қилишимиз керак. Шунда улар ҳаётдан, биздан рози бўлади, қанча-қанча дуо оламиз. Бу борада ҳам мақсадни, маррани баланд қўйишимиз лозим. Токи Германия ва Жанубий Кореядан шифо истаганлар энди бизга келсин, бизнинг клиникаларимизда ўзларига даво топсин!

Сайловчилар билан мулоқотларда давлатимизнинг **ташқи сиёсат** соҳасидаги мақсад ва вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу борада Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин атрофдаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши, энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаслиги, мамлакатимиз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларнинг, аскарларнинг мамлакат ташқарисида бўлишига йўл қўйилмаслиги яна бир бор қатъий таъкидланди.

Ўзбекистон узоқ ва яқин атрофда вужудга келаётган бугунги мураккаб ва нотинч вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёсатни халқимиз ва унинг истикболи учун энг тўғри ва энг маъқул деб билади.

Ислом Каримовнинг сайловолди чиқишларида айниқса ёшларнинг қалби ва онгини турли зарарли таъсирлардан асраш, қадимий ва бой тарихимиз, миллий қадриятларимизни сохталаштиришга қаратилган хавф-хатарлардан доимо огоҳ бўлиш, бугунги нотинч ва таҳликали дунёда ўзлигимизни сақлаб, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Бўлиб ўтган учрашувларда бугунги ҳаётимизнинг бошқа соҳа ва тармоқларида рўй бераётган ўзгаришлар, уларни янада ривожлантириш бўйича ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифалар ҳам кенг таҳлил этилди.

Биз ўз олдимизга қўйган улкан ва эзгу мақсадларимизни амалга оширишда барча эришган ютуқ ва ғалабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, бу ҳаётда не-не синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард, олижаноб ва бағрикенг, бунёдкор халқимизга таянамиз ва суянамиз. Мен бутун Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қилишни ўзим учун катта бахт, олий шараф деб биламан, деди Ислом Каримов.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мунис ва муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзиқиб кутадиган, табиат чирой очиб бораётган мана шу илк баҳор кунларида, айна шу шукуҳли айёмда сиз, азиз қадрдонларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан самимий муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлайди.

Биз ҳаётимизда турли-туман саналарни байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Шулар қаторида кўнгилларимизга гўзаллик ва хурсандчилик, файзу тароват олиб келадиган 8 март байрами алоҳида ўрин тутди. Бу байрам агарки ҳаётимизда бўлмаса, ана шундай байрамни албатта таъсис этиш керак бўларди.

Нега деганда, айна шу кунларда Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш сиз, муҳтарама аёлларнинг шаънига юрак-юрагимизда, қалбимиз тўрида бўлган энг самимий, энг олижаноб сўзларни, ҳурмат ва эҳтиром, меҳр-оқибат, севги ва садоқат туйғуларини изҳор этиш учун яна бир имконият туғилади ва барчамиз мана шу имкониятдан фойдаланишга шошиламиз.

Ҳеч кимга сир эмас, аёл зоти ҳақида, унинг қандай тенгсиз латофат ва нафосат соҳибаси экани, эзгулик ва фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг файзу фариштаси экани ҳақида тарихимизда не-не улуғ мутафаккирлар, шоир ва алломалар қанча-қанча дил сўзларини баён этганлар.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, буюк Алишер Навоий бобомизнинг «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган мазмундаги ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз ва меҳрибон, муқаддас Она сиймоси олдида барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз.

Мана шу байрам кунларида ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда кадрли опа-сингилларимизни эъзозлаш, уларни улуғлаш учун энг ғўзал ва олижаноб таърифларни келтиришга интиламиз. Шу ўринда мен аёлларимиз шунга ишонишларини истардимки, айна мана шу 8 март байрами келиши билан биз ҳаммамиз шоир бўлиб кетишга тайёرمىз. Албатта, шоирга айланиш жуда қийин, лекин мен юртимизнинг барча мард ўғлонлари номидан аввало сиз, азизларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, қалбларингизда неки эзгу ниятлар, орзу-интилишлар бўлса, уларнинг барча-барчаси албатта ижобат бўлишини, рўёбга чиқишини чин юракдан тилайман.

Бугун биз энг самимий дил сўзларимизни сиз, азизларга йўллар эканмиз, таъкидлаш жоизки,

биз мухтарама оналаримиз, опа-сингилларимизни, умр йўлдошларимизни ҳамма вақт ҳам ҳурмат қилиб келганмиз, лекин уларнинг биз учун нақадар кадр-қимматли, жондан азиз ва меҳрибон эканини англаш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилди.

Бундай қарашнинг сабаблари ҳақида гапирадиган бўлсак, айтиш керакки, мустақилликка эришганимиздан кейин бизнинг оилага, аёл зотига, умуман ҳаётга бўлган муносабатимиз бутунлай ўзгариб, тобора юксалиб бормокда, ҳаётимизнинг маъно-мазмунига, асосий мақсадига айланмокда.

Бу эса биз учун жуда муҳим бўлган бир фикрни, яъни «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб бермокда.

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, демократик тафаккури, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини гўёки ойнадек акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб кадриятларини амалда намоён қиладиган халқ сифатида жаҳонда обрў-эътибор қозонади.

Униб-ўсиб келаётган болаларимизни, ёш авлодимизни мана шу руҳда тарбиялаб вояга етказсак, шак-шубҳасиз, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Шу маънода, айнан истиқлол даврида биз кўп нарсаларни худдики қайтадан кашф этгандек бўлмоқдамиз. Аёл гўзал бўлса – олам гўзал, аёл бахтли бўлса – оила, бутун жамият бахтли бўлади, деган қараш онгу шууримизга чуқур кириб бораётгани ва бизнинг ҳаётий фалсафамизга айланаётганини ҳар томонлама англаб етмоқдамиз.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, аёлларимиз хонадонларимизда, маҳаллаларимиз, бутун юртимизда ҳар доим ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитининг, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт ўчоғининг энг кучли посбони бўлиб келган ва бугун ҳам ана шундай фазилатлари билан инсонни инсон, оилани оила қилиб келмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Биз ўтган даврда мамлакатимизда эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қандай улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз ҳақида албатта барчангиз яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда узоқ гапирмасдан, биргина ўтган йилнинг ўзида «Соғлом бола йили» дастури бўйича қилган ишларимизга қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало, 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, ёш oilаларга уй-жой сотиб олиш, истеъмол товарларини харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фоизсиз қарз маблағлари ажратилгани, спортчи қизларимиз учун 6 миллиард сўмлик спорт кийимлари бепул берилгани ҳам, ўйлайманки, аёлларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий намунаси бўлди.

Мухтасар айтганда, биргина «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Айни пайтда юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савияси, ижтимоий фаоллиги тобора юксалиб бораётганини давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида, суд-ҳуқуқ тизимида, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузил-

малар фаолиятида, умуман, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида яққол кузатиш мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этаётгани, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида юзлаб опа-сингилларимиз фаол иш олиб бораётганини қайд этиш ўринлидир.

Бугунги кунда хотин-қизлар ўзининг билим ва тажрибаси, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқда. Ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу ўринда ҳаётда кўп бора ўз исботини топган бир фикрга эътиборингизни қаратишни истардим.

Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.

Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган, узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил

жорий этилаётган умуммиллий дастурларимиз бугунги кунда ўзининг улкан самарасини бераётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу ҳақда узоқ гапириш, кўп-кўп мисолларни олиб келиш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир рақамларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 110 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 44 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Ёки санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 530 дан зиёд ўқувчи ва талабаларимиз ғолибликка эришгани ва уларнинг 240 нафарга яқини қиз болалар эканини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Кейинги уч йилда 1 минг 850 дан зиёд истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 620 нафарга яқини айнан қизларимиз экани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Барчамизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлган фарзандларимизни, аввало, қизларимизни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ривожланган давлатлар-

малар фаолиятида, умуман, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида яққол кузатиш мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этаётгани, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида юзлаб опа-сингилларимиз фаол иш олиб бораётганини қайд этиш ўринлидир.

Бугунги кунда хотин-қизлар ўзининг билим ва тажрибаси, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқда. Ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу ўринда ҳаётда кўп бора ўз исботини топган бир фикрга эътиборингизни қаратишни истардим.

Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.

Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган, узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил

жорий этилаётган умуммиллий дастурларимиз бугунги кунда ўзининг улкан самарасини бераётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу ҳақда узоқ гапириш, кўп-кўп мисолларни олиб келиш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир рақамларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 110 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 44 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Ёки санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 530 дан зиёд ўқувчи ва талабаларимиз ғолибликка эришгани ва уларнинг 240 нафарга яқини қиз болалар эканини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Кейинги уч йилда 1 минг 850 дан зиёд истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 620 нафарга яқини айнан қизларимиз экани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Барчамизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлган фарзандларимизни, аввало, қизларимизни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ривожланган давлатлар-

даги тенгдошлари билан турли жабҳаларда беллашувга қодир бўлган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгини зарарли ғоя ва таъсирлардан ҳимоя қилиш йўлида сиз, жонкуяр опа-сингилларимизнинг фидокорона хизматларингиз учун ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак арзийди, албатта.

Шу гўзал байрам кунларида Ўзбекистон халқ шоираси, вафо ва садоқат куйчиси Зулфия таваллудининг 100 йиллиги бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётгани ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг аёлларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромининг яна бир амалий намоёни сифатида бу йилги 8 март айёмининг моҳияти ва аҳамиятини, кўрку тароватини янада оширмоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Азиз ва гўзал қизларим!

Сизларни ўзингиз каби чиройли ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз бахтига, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2015 йил 6 март*

НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАВИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Шу кунларда табиат уйғониб, баҳор келиши билан она-юртимиз – Ўзбекистонимиз заминига Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ҳаммамиз орзиқиб кутадиган, янгиланиш ва яшариш, шоду хуррамлик рамзи бўлган ана шундай энг кўҳна, олижаноб байрам билан сиз, азизларимни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошларим!

Барчамизга маълум, дунёда бир-биридан буюк, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин улар орасида Наврўз айёми ўзининг қадимийлиги, табиатимизга уйғунлиги ва гўзаллиги билан, маъно-мазмунининг теранлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Ва айни шунинг учун ҳам уйғониш ва яшариш тимсоли бўлмиш бу буюк айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада бағрини кенг очиб, «Хуш келибсан ўлкамизга Наврўз, қадамнинг қутлуғ

бўлсин!» деб, энг катта орзу-ниятлар билан кутиб оладилар.

Ҳақиқатан ҳам, минг йиллар аввал – «Авесто» даврида пайдо бўлган Наврўзи олам бизнинг халқимиз учун энг кўҳна, асл миллий, шарқона янги йил дебочаси сифатида доимо соғиниб, ардоқлаб қарши оладиган, ҳар қайси уйга шодлик ва хурсандчилик олиб келиши, ўша замонлардан буён халқимизга мансуб бўлган анъана ва қадриятларни безавол сақлаб келиши билан **барчамизга – қадрли ва азиздир.**

Кўклам айёми келиши билан аجدодларимиз, ота-боболаримиз ризқу рўзини тилаб, қўш хайдаб, далага дон сочиб, ям-яшил адирларда от чоптириб, Наврўз сайилларини ўтказгани худди кечагидек бўлиб туюлади ва барчамизни беихтиёр ана шу байрамона кайфиятга берилиб кетишга ундайди.

Айни шу кунларда маҳалла-қўй дошқозонлар атрофида жамулжам бўлиб, аёлларимиз, момоларимиз тунни тун демасдан, ҳеч чарчамасдан, эзгу ният, завқ ва хурсандчилик билан **инсонга кучқувват берадиган сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ неъматларни тайёрлаб,** уларни ўз оиласи ва дўсту биродарлари билан баҳам кўриши каби ота-боболаримиз, аجدодларимиздан қолган бетакрор анъана ва одатларимиз юртимизга, уйларимизга кириб қолгандек, ўзимизни

эса атроф-табиатимизнинг ажралмас бир қисмидек ҳис қиламиз.

Ана шу дилбар фаслда инсонларнинг бири-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтож бўлганларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби ноёб фазилатлар албатта одамнинг кўнглини юмшатади, доим яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Наврўзи оламнинг яна бир бетакрор хислати борки, у ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда, бутун Ер юзида тинчлик ва осойишталик бўлишига даъват этади.

Бу айёмда турли гина ва аразлар унутилади, уруш ва жанжаллар тўхтайди, муросаи мадора, аҳиллик, одамийлик қарор топади.

Азиз юртдошлар, қадрдонларим!

Шулар ҳақида гапирганда, Наврўзнинг бундай ўлмас ғоялари, руҳи ва фалсафаси ҳозирги кунда тобора кучайиб бораётган қарама-қаршиликларни, турли можаро ва урушларни фақатгина сиёсий ва тинчлик йўли билан ечиш кераклигига даъват этишини, уни айнан бугунги ҳаётимизнинг энг ўтқир, энг долзарб муаммолари билан узвий боғланганини яна бир бор тасдиқлаб беради.

Бизга, ўзбек халқига нима керак – тинчлик ва омонлик керак, деган даъват эл-юртимиз орасида тобора кенг тарқалиб бормокда. Бунинг асосий

маъноси – бугунги нотинч, кескинлашиб бораётган замон барчамиздан хушёр ва огоҳ бўлишни талаб этаётганини, тинч ва осуда ҳаёт учун, мана шу мусаффо осмон учун курашиш, бутун дунё билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашни билдиради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги Наврўз шодиёнамизда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизга, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Бугун катта умид ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган, ўз фикрига, замонавий билимга эга, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган сиз, навқирон ўғил-қизларимизга, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: **биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!**

Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барча-барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги гўзал айём билан қутлаб, қалбимдан, юрагимдан чиқадиған самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун
юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу
барака олиб келсин!

Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекис-
тонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

2015 йил 21 март

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНҒАН
ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ
ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ**

Азиз ватандошлар, мухтарам Олий Мажлис депутатлари!

Қадрли меҳмонлар!

Аввало, сиз, ҳурматли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланишимга ўз ишончини билдирган юртдошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларимга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, ҳаммангизга соғлик-омонлик, бахт-саодат тилайман, қалбимдаги энг эзгу орзу-тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Менга билдирилган ишончни ўзим учун, аввало, улкан масъулият ва катта шараф деб биламан ва яна бир бор айтмоқчиман – бундай юксак, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган халқ ишончини оқлашга, бажо келтиришга бутун борлигимни сифарбар қиламан.

Қадрли дўстлар!

Биз эски, ўзини оқламаган мустабид, зўравон тузумдан бутунлай воз кечиб, тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, биз учун янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиб, амалга ошираётган қатъий ўзгариш ва ислохотлар натижасида **бугун эришаётган юксак марра ва ютуқларимизни ҳеч ким инкор этолмайди.**

Буларнинг асосий омили ва мезони сифатида, ҳеч шубҳасиз, биз танлаган ва дунёда «ўзбек модели» деб ном олган, машҳур беш тамойил – принципга асосланган, тадрижий – эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун тасдиқлаб бермоқда.

Бу моделнинг афзаллиги ва бугун ўзини бутунлай оқлаганини Ўзбекистонга хос бўлган турли табиий, тарихий, миллий, демографик ва экологик хусусиятларни тўла ҳисобга олганида кўрамиз.

Мисол учун қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу соҳада аренда – ижара мулкига асосланган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берганимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганимиз эвазига бу ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, яқин тарихимизда ўчмас из бўлиб қолади, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Фермер хўжаликларимиз бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафақат 90–92 фоизини ишлаб чиқармоқда, балки қишлоқ ҳаётининг тараққиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Ёки бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолимизнинг 75–77 фоизи бу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, кўп нарсадан далолат берадиган ана шундай кўрсаткич ва рақамлар биз олиб бораётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, эртанги кунимиз, **тараққиётимиз йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиши муқаррар.**

Шуни тўлиқ асос билан айтишимиз мумкин – айти шу каби ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобидан биз Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Яъни, охириги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб келаётгани ва 2015 йилда ҳам – шунга ишончимиз бор – бундан кам бўлмаслигини инобатга олсак, барча нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Албатта, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ана шундай юксак суръатлар би-

лан ўсиши ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошланган чуқур тайёргарлик ишларимиз, аввало – шуни яна бир бор айтишга тўғри келади – тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг самарасидир. Биз ён-атрофимиздаги баъзи мамлакатлар каби, мана, ўз йўлимизни танлаб олдик, фалон йилга бориб, энг ривожланган давлатлар рўйхатининг бошига чиқамиз, деб катта-катта минбарлардан мақтанганимиз йўқ ва ҳеч қачон бундай қилмаймиз.

Бундай ютуқларнинг сабабларини биз, аввало, мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамиз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, **мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга кодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир.**

Ўзингиз айтинг, азизларим, кадрдонларим, агар биз ўз вақтида, бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилиб, уни ҳаётга жорий этишга киришмаганимизда, ёшларимизнинг тақдири, бугунги ва эртанги кунимиз нима бўлар эди? Миллий тараққиётимиз йўлида

ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу буюк ишимиз умуммиллий ҳаракатга айланиб, шу аснода ўз келажагимизни кўрганимиз энг катта ютуғимиз бўлди. Агар биз ёшларимизни ана шундай юксак даражада катта ҳаётга тайёрлаб бормасак, ҳозирги вақтда хорижий мамлакатлардан юртимизга келган меҳмонлар, йирик фирма ва компанияларнинг вакиллари «ўзбек ёшларининг кўзи ёниб, чақнаб туради, улар ҳар қандай мураккаб вазифани бажаришга қодир» деб, болаларимизга тан берармиди? Ҳар бир ота-она, бутун халкимизга юксак ғурур бағишлайдиган бундай гаплар қулоғимиз остида доимо жаранглаб турса ва Ватанимиз келажаги ёшларимиз қўлида, деган шиоримиз қанча кўп амалга ошса, ҳақиқатан ҳам, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

Аммо шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, бир аччиқ ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимизни истар эдим. Агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин.

Биз ХХІ асрда – интеллектуал меҳнат ва Интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бунинг устига, жаҳон микёсида иқтисодий-моллиявий инқироз давом этаётгани, рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётгани, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани **барчамиздан, аввало, бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишни талаб қилади.**

Шу борада амалга ошираётган ишларимиз қаторида ҳаётимизни кескин ўзгартираётган демократик ислохотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамизга айланмоқда, десам, янглишмаган бўламан.

Хорижлик ҳамкорларимиз, дунёдаги энг тараққий топган давлатларнинг вакиллари, бугунги мажлисимизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари мустақиллик йилларида Ўзбекистон барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришганини, айни пайтда олдимизда бундан ҳам катта вазифалар турганини ўзаро мулоқот ва суҳбатларда доим эътироф этишади.

Мана, яқинда АҚШ Президенти жаноб Барак Обаманинг менинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайланганим муносабати билан йўллаган қутлов телеграммаси билан бутун халқимиз оммавий ахборот воситалари орқали

танишди. Ана шу телеграммада айни шу мавзу ҳақида ҳам сўз юритилган.

Чиндан ҳам, агар биз дунёдаги ривожланган давлатлар каторига кириш йўлида янада юксак марраларни эгалламоқчи, ҳаётимизни янги босқичга кўтармоқчи, авваламбор, эркин, озод ва фаровон яшамоқчи бўлсак, демократияни ҳаётимизга татбиқ этишда ҳеч кимдан, ҳеч қачон орқада қолмаслигимиз керак.

Мен шуни истайман ва барчангизни шундай мақсадлар сари даъват этаман.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, биз учун тўсиқ бўлиб турган, эски мустабид тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш ва бугун ҳамон ўз ечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал қилишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислоҳотларни янги, юксак босқичга кўтариш — айтиш мумкинки, бу соҳаларда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини таъминламасдан туриб, яъни

ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилмасдан, технологик ва техник нуқтаи назардан янгиламасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул қилмайди.

Бу ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак. Бу ҳақиқатдан биз ҳеч қачон кўз юма олмаймиз.

Бугунги кунда дунёда шафқатсиз кураш кетяпти. Шундай экан, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган, ҳар томонлама асосланган янги стратегик йўлни ҳаётимизга жорий қилмасдан, барча жабҳаларда янги ғалабаларни қўлга киритмасдан туриб, бу курашда ютиб чиқа олмаймиз. Агар бизга бўлаверди, деган кайфият билан яшайдиган бўлсак, жуда катта хатога йўл қўямиз ва келажак авлодларимиз бизни ҳеч қачон кечирмайди.

Шунинг учун ҳам эртанги кунни, келажак истиқболимизни ўйлайдиган бўлсак, бугун иқтисодиётимизда амалга ошираётган кенг кўламли ислохотларни, **авваламбор, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, янги, замон талаб қиладиган даражага кўтариш масаласини ҳал қилмасдан туриб, очик айтишимиз керак, биз ўз мақсадларимизга – тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтарилишимиз ҳақида гапиришнинг ҳожати қолмайди.**

Биринчи навбатда, Конституциямизда мухрлаб қўйилган кўптармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш – биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.

Айтиш керак – ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асос ва кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш бўйича кўпгина ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Лекин минг афсуски, хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан устуворлиги барчамиз учун аён бўлишига қарамасдан, бу йўналишда амалга ошираётган ишларимиз, **аввало, мулкдорларга эркинлик бериш масалалари тўла ечилмаяпти, ўзининг кутилган самарасини бермаяпти.**

Эркинлик деганда, биз нафақат инсоннинг озод яшаши, эркин нафас олишини, балки, аввало, мулкдорлар ва тадбиркорларга ҳақиқий эркинлик беришни, фаолият эркинлигини тушунамиз. Мулк эгаси ва тадбиркорларнинг қўл-оёғига турли баҳоналар билан кишан кийдирадиган зўравонлар – бу назорат қиладиган вазирлик ва идоралар бўладими, рухсат берувчи, банк, молия ҳамда бошқа хизматлар кўрсатадиган тузилмалар

бўладими, ер ажратиш, зарур ресурсларни олиш йўлидаги ҳали-бери ўз ечимини топмаган муаммолар бўладими – бундай ғов ва тўсиқлар бу соҳага фақат зарар келтиради, унинг ривожини бўғиб, эркин ҳаракат қилишига қўймайди. Бундай адолатсизликка энди чидаш мумкинми? Йўқ, ҳеч қачон.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, мулкдорлар синфи нафақат ўзини, оиласини боқаётган, айти пайтда халқимиз фаровонлигини таъминлашга, миллий армиямизни қўллаб-қувватлашга, бир сўз билан айтганда, миллий тараққиётимизга ҳисса қўшаётган экан, улар, авваламбор, эркин ва яна бир бор эркин бўлиши шарт. Бундан кейин мутасадди вазирлик ва идоралар, жойлардаги бошқарув идоралари фаолиятига айти шу талаб ва мезон асосида баҳо берамиз. Агар қаерда кимдир ўз ишини ҳалол ва виждонан бажараётган тадбиркорларга ишонч билдириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўрнига, уларга ола кўз билан қарайдиган бўлса, билиб қўйинглар, биз бунга бошқа тоқат қилмаймиз. Баъзи бир одамларнинг онгида шундай бир бемаъни тушунча ва тасаввур қотиб, ўрнашиб қолганки, ундан ҳанузгача қутула олмаяпмиз. Яъни, текширувчи, албатта, хато ва камчилик топиши ва кимнидир, албатта, жазолаши керак. Барака топкур, бу – эски мустабид тузумдан қолган сохта қараш эмасми?

Аслида, текширишдан асосий мақсад шундай бўлиши керакки, у, авваламбор, камчиликни топиш ва уни бартараф этиш, келгусида бунга йўл қўймаслик учун хизмат қилиши керак.

Мутасадди идоралар айна шу фикрни ўзига шиор қилиб олишини истардим. Агар кимда-ким текширишларни ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб ташкил қилаётган ва амалга ошираётган бўлса, бундай одамлар билан биз – раҳбарлар, яъни давлат курашиши керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, **иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз даркор.**

Яна бир бор айтаман, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини сезиларли даражада қисқартиришимиз керак. Нега деганда, иқтисодиётда давлатнинг улуши кўп бўлса, бу фақат зиён келтиради. Мен ўзим давлат раҳбари, давлатнинг вакили бўлиб, шу гапни айтаётган эканман, бунинг учун барча асосларим, илмий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамланган хулосаларим бор.

Бугун ким фойдали иш қиляпти-ю, кимдир эса номига ишлаб, бунинг учун ойлик оляпти – биз ҳаммасини яхши биламиз. Мансабдор одамлар орасида ўз манфаатини давлат манфаатидан, халқимиз манфаатидан устун қўяётган одамлар

бор экан, уларни масъул лавозимга, вазифага қўйиб, биз хато қилганмиз. Ҳали ҳам кеч эмас, биз бу борадаги ишларни, албатта, тартибга олиб, жойига қўямиз. Ким янгича ишлашни хоҳламаётган, кун ўтса бўлди-да, деб юрган бўлса, шуни билсинки, уларнинг ўрнига интилувчан, ишга, меҳнатга чанқок ёшларимиз келади.

Фарзандларимиз – бизнинг эртанги кунимиз, деб кўп гапирамиз. Ҳақиқатан ҳам, қаерда, қайси соҳада, мана, мен борман, бу ишни, бу масъулиятни ўз зиммамга оламан, деб майдонга отилиб чиқадиган ёшлар бўлса, улар – эртанги кунимиз, улар – менинг болаларим. Агар шундай ғайратшижоат билан ўзингизни намоён этмасангиз, ўйлайманки, вақтингиз бекор кетаяпти, азиз болаларим. Сизларга, мана, мен Президент сифатида айтяпман: сиз – менинг суянчим ва таянчим, ҳеч қачон қўрқманг, маррани баланд олиб, олдинга босинг.

Албатта, бугун бизнинг янада жадал олдинга боришимизга халақит бераётган, йўлимизда тўсиқ бўлаётган ғовлар кўп. Айниқса, коррупция деган балонинг олдини олиш ва унга қарши қатъий курашиш лозим. Дунёда коррупцияни енгиб бўлмайди, деган гап кенг тарқалган. Мен бунга қўшилмайман. Тўғри, коррупцияни охиригача енгиб бўлмайди, деган гапда жон бор. Лекин ҳаммамиз, бутун халқимиз бир ёқадан бош

чиқариб, бир тану бир жон бўлиб курашсак, уни енгиш мумкин.

Давлат идораларида лавозимда ўтирганлар, ав-
валамбор, ўзининг манфаатини эмас, балки давлат
манфаатини ўйлаши керак. Аммо совет давридаги
хусусий мулкни бутунлай рад этган мафкуравий
қараш ҳам қайтмаслиги керак. Ўша мустабид ту-
зум даврида давлат манфаати учун минг-минглаб
одамларнинг нафақат мол-мулки, балки ҳаёти ҳам
барбод қилинган. Бугун бу ҳақда мисол келтириш-
нинг ҳожати йўқ деб ўйлайман.

Ўзбекистон Конституциясида инсон, унинг
ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва
бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эка-
ни мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат манфаати
ёки давлат мулкнинг ҳукмронлиги белгилаб
қўйилмаган. Давлат, аввало, инсон манфаати,
унинг ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун
хизмат қилиши лозим. Бошқача айтганда, биринчи
навбатда, одамлар рози бўлса, бой бўлса, шундан
кейин давлат манфаати ҳам таъминланади, давлат
ҳам бой бўлади.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа – маъ-
мурий буйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб
қолаётган ҳар қандай шаклларида воз кечиб, дав-
лат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги
вазифа ва ваколатларни аниқ белгилаб қўйишимиз,
савдо операцияларини, чакана савдодан ташқари,

асосан, биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимиз керак.

Биз бу борада кўп-кўп ютуқларни қўлга киритганимиз барчамизга қанот беради, албатта. Шу йўлда бошлаган ишларимизни янги босқичга кўтариб, биржа савдосини ривожлантирадиган бўлсак, бюрократия, керак бўлса, коррупциянинг пайи анча қирқилади.

Аксинча бўлса, дейлик, харидор ва ўз маҳсулотини таклиф этаётган томоннинг вакили учрашиб, шахсий манфаати йўлида ўзаро келишиши мумкин. Биржада эса бундай ўзбошимчалик бўлмайди, фақат қонун асосида иш юритилади. Шундай экан, биз бу борадаги ишни яна ривожлантиришимиз керак, албатта.

Айниқса, кичик бизнес соҳасида бу ўзини тўлиқ оқламоқда. Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг камида 50 фоизи биржа савдоларида қатнашиб, зарур ресурсларга эга бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қараб, биз бу масалада кичик бизнесга бу борада янада кенг йўл очиб беришимиз керак.

Шулар қаторида корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолиятига ҳам кўпгина хорижий фирма ва компаниялар тажрибаси асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шунини кўрсатадики, **Ўзбекистонда маҳаллий акция-**

дорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлиши мулкчиликнинг энг маъқул, самарали, ўзини оқлаётган йўлидир. Бунинг афзаллиги, авваламбор, шундаки, хорижлик акциядорлар – муассислар қўшма корхоналарга, аввало, илғор, юқори технологияларни олиб келиш билан бирга, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий этади.

Шу аснода биз хорижий давлатлар ва компаниялар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун очиклигимизни билдириб, бу борада янги йўл ва имкониятлар очиб беришга тайёرمىз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Айни шу йўлни биз ўзимизга маъқул, деб биламиз ва бу борада амалий ишларни бошлаганмиз. Мамлакатимизда бу соҳадаги ҳозирги ҳолат, афсуски, қониқарли эмас. Кўпчилик компания ва бирлашмалар номигагина акциядорлик жамиятларига айлантирилган. Ўйлайманки, ўз вақтида бу масалага юзаки қаралгани ва чуқур текширмасдан туриб рухсат берилгани бунга сабаб бўлган.

Шундай экан, мутасадди вазирлик ва идораларнинг бу борадаги фаолиятини яна бир бор танқидий баҳолаб, айбдорларни, керак бўлса, жавобгарликка тортиш керак. Чунки Ўзбекистонда бундай ўйинлар кетмайди. Афсуски, биз бу масалада пала-партиш ишларга йўл қўйдик.

Акциялар ҳам номига чиқарилган, улар деярли иш бермаяпти.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шунини кўрсатмоқдаки, маҳаллий акциядорлар билан бирга чет эллик инвесторлар ҳам акцияларга эга бўлган компаниялар ўзини оқлаяпти.

Шунинг учун биз барча компанияларни ана шундай шаклга ўтказишни энг тўғри йўл деб биламиз. Чет мамлакатларнинг вакиллари ўз сармояси билан келиб, компанияларимизнинг акцияларини сотиб олса, акциядор бўлса, бунинг нимаси ёмон? Шундай йўл тутсак, авваламбор, юртимизга замонавий технология келади, иккинчидан, маҳсулотларимизни жаҳон бозорига чиқариш осонроқ бўлади.

Бугунги кунда дунё бозорида рақобат шу даражада шафқатсиз тус олмоқдаки, унда мустаҳкам ўрин эгаллаш осон эмас. Майли, энг юксак технологияни юртимизга олиб келиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқардик ҳам дейлик. Лекин уларни эртага қаерда сотамиз? Жаҳон бозорида бизни ҳеч ким, келинг, марҳамат, деб кутиб олмайди. Бу бозор тўлиқ бўлиб олинган, унда бўш жойнинг ўзи йўқ. Аммо биз бу бозорда ўзимизга хос ва ўзимизга мос ўрин эгаллаб, шунинг ҳисобидан маҳсулот сотиб, валюта ишлашимиз зарур. Биз бунга қандай эришишимиз мумкин? Қачонки маҳсулотимизга талаб катта ва у юқори

сифати билан бошқалардан устун бўлсагина жаҳон бозорида ўз ўрнимизни топишимиз мумкин. Сифатли маҳсулот чиқариш учун эса энг замонавий технологиялар керак. Шу маънода, ана шундай технологияларга эга бўлган хорижлик инвесторларни корхоналаримизга шерик сифатида жалб килсак, улар акция эгаси бўлса, биз кўп нарса ютамиз.

Шулар қаторида Интернетнинг имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Бугунги кунда дунё бозорида нима янгилик бўляпти, қайси маҳсулотга қанча талаб бор, нарх-наво қандай, эртага нима бўлиши кутилмоқда, деган саволларга жавоб беришга ҳар биримиз – катта компаниялар раҳбарларидан тортиб, менежерлар, фермерлар, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тайёр бўлиши лозим. Бу – ҳаёт талаби.

Айни вақтда шунини ҳам яхши билиб олиш керакки, жаҳонда юксак технологияларга эга бўлган давлатлар кўп эмас. АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой каби бу соҳада катта салоҳиятга эга бўлган давлатлар билан яқин бўлиб, улар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни кўпайтирсак, фақат фойда кўрамиз. Бу борада ҳар қандай мафкуравий қарашларни четга суриб қўйишимиз керак.

Рухсатингиз билан яна бир муҳим масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Ҳозирги кунда жаҳонда иқтисодий кураш билан бирга, мафкуравий қарама-қаршилик ҳам кучайиб бормокда. Мафкуравий кураш — бу, аввало, сиёсий кураш дегани. Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий нуқтаи назардан манфаати бўлиши табиий ҳол. Буларнинг орасида маънавият соҳасидаги манфаат ва кураш энг муҳим жабҳа ҳисобланади. «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китобимда бу масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Маънавият аслида нима эканини ҳаммамиз чуқур англаб олсак, уни болаларимизга ҳам ўргатсак, биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисларимиз, деган саволларни олдимизга қўйиб, уларга жавоб бериб яшайдиган бўлсак, ҳеч нарсадан кўрқмасак бўлади. Чунки бундай ишонч ва эътиқод билан яшайдиган халқни ҳеч ким енга олмайди.

Халқимизнинг эзгу ҳаёт талабларига жавоб берадиган, унинг туб манфаатлари, орзу-интилишларини ҳар томонлама акс эттирадиган миллий ғоя, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юрtdошимизнинг ўз ғоясига айланса, уларнинг қалби ва юрагидан чуқур жой олса, — мен ишонаман — ана шунда биз кўзлаган юксак мақсадларимизга албатта етамиз.

Бугунги кунда биз, эртага нима бўлишини олдиндан айтиб бўлмайдиган, кўп жиҳатдан ноаниқ,

беқарор бир замонда яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда, аввало халқимизнинг ўз кучига бўлган ишончи, иймон-иродасини янада мустаҳкам қилиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Бир ҳақиқатни барчамиз, биринчи навбатда ёшларимиз аниқ-равшан тушуниб олишини истардим: мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш мақсадида бошлаган ишларимизни мантикий якунига албатта етказиш – бу биз учун тарихимизнинг ўзи исботлаб бераётган энг тўғри йўл ва биз шу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаслигимиз шарт. Шуни унутмаслигимиз керакки, мустақиллик, бугунги эркин ҳаёт, бугунги беқиёс имконият ҳар қайси миллат, ҳар қайси авлод тарихида фақат бир марта бериладиган улуғ ва ноёб неъматдир.

Агарки биз учун ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласи бўлган ана шу имкониятни бой берсак, зиммамизга юклатилган буюк тарихий масъулият ҳиссини йўқотсак, ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга етиш учун юртимизда яшаётган ҳар қайси онгли инсон бор куч-ғайрати, ақл-заковатини бағишлашига эриша олмасак, очик айтиш керак, биз эл-юртимиз олдида, ёш авлодимиз, жондан азиз фарзандларимиз олдида хиёнат қилган бўламиз. Ўз-ўзидан равшанки, бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ.

Бу фикрни барча ватандошларимиз, ёшларимиз онгига чуқур сингдириш аввало биз –

рахбарлар, етакчилар учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда амалга ошираётган ва 2015 йил ҳамда келгуси йиллар учун белгилаб олган ислохотларимизни айтиш шу талаблар асосида янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини давом эттиришимиз, ҳеч шубҳасиз, давлат бошқаруви таркибини ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янги босқичга кўтаришга, жаҳон миқёсида Ўзбекистонимизнинг муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Қадрли дўстларим, юртдошларим!

Рухсатингиз билан яна бир ўта муҳим ва барчамизни ўйлантирадиган масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Яъни, бугунги кунда барчамиз қандай ўта таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган, турли хавф-хатарларни олиб келиши мумкин бўлган замонда яшамоқдамиз.

Айни шундай вазиятни ҳисобга олиб, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини асраш мақсадида биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар билан дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз, деб билишимиз керак.

Яна ва яна бир бор айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан – Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокада қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.

Бугун яқин атрофимизда вужудга келаётган ўта мураккаб вазиятда айти шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул, деб биламиз. Илгари ҳам айтганимдек, бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларга, уларнинг мана шу залда ўтирган вакилларига, барча чет эллик меҳмонларимизга ўз номидан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Мен чет давлатлардан келган ҳамкорларимиз, авваламбор, дипломатик корпус, бизнес вакиллари билан кўп учрашаман. Улар орасида уруш ҳақида, қарама-қаршилик тўғрисида гапирган биронта одамни учратмадим.

Айниқса, дипломатларга қойил қоламан. Улар ўзини шундай тутадик, ҳеч қачон бирортаси би-

лан ёмон кайфиятда хайрлашганимни эслай олмайман. Элчиларнинг ваколат муддати тугагач, улар билан хайрлашаётганимда ўзимни бамисоли яқин дўстимни кузатаётгандек ҳис қиламан.

Чунки хорижий давлатларнинг элчилари юртимизда ишлаган вақтлари мобайнида биз билан шундай яқинлашиб, дўстлашиб кетадики, хайрлашишнинг ўзи оғир бўлади. Биронта элчини кўрмадимки, мана, мен ниҳоят кетяпман, бундан мамнунман, деган бўлса. Шу боис бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган чет мамлакатларнинг элчиларига бутун халқимизнинг ҳурмат ва эҳтиромини етказмоқчиман.

Менга қолса, махсус бир мукофот таъсис этиб, Ватанимизда ўз фаолиятини якунлаётган дипломатларни у билан тақдирласак, айни муддао бўларди.

Ўйлайманки, бу залда ўтирган катта-кичик барча раҳбарлар, парламентимиз палаталари аъзолари муҳтарам элчилар билан учрашса, мулоқотлар олиб борса ёки улар билан ҳамкорлик тўғрисида келишувларга эришиш пайтида уларнинг ўртасида айни шундай кайфият ҳукмронлик қилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дипломатнинг энг катта ютуғи нима, деб сўрасангиз, мен улар кўп ишлатадиган ибора билан, урушни бошламасидан туриб уни ютишида, деб жавоб берган бўлардим. Мана шундай хусу-

сият ва аломатларга эга бўлган одамлар, албатта, тасодифан Ўзбекистонга келмайди.

Шуларни ҳисобга олиб, марказда бўладими, вилоятларда бўладими, барчамиз чет давлатларнинг мухтарам вакилларига шундай ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлсак, бу бизнинг қоидамизга айланса, ҳаммамиз, авваламбор, Ўзбекистонимиз учун маъқул иш бўларди.

Менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан ўз табрик ва қутловларини йўллаган барча давлат раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур миннатдорлик билдираман.

Менга юксак ишонч билдирган она халқимга бош эгиб, яна ва яна бир бор таъзим қиламан.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш — мен учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Доимо соғ-омон бўлинглар, кадрдонларим!

2015 йил 10 апрель

ИНСОН, ХАЛҚ ВА МИЛЛАТ ХОТИРА БИЛАН ТИРИК ВА БАРҲАЁТДИР

Бугун Ватанимиз, халқимиз Улуг Ватан урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигини кенг нишонламоқда.

Ана шу буюк сана билан, аввало, урушда ўзбек халқининг вакили сифатида қатнашган, ҳар томонлама қаҳрамонлик ва ботирлик кўрсатган барча уруш фахрийларини, шулар қаторида фронт ортида кунни – кун, тунни – тун демасдан фидокорона меҳнат қилган, ғалаба учун курашган юртдошларимизни, бутун халқимизни табриклаш, жанг майдонларида бугунги мана шундай мусаффо осмон учун жон берган азиз инсонларнинг муқаддас хотираси, арвоҳлари олдида тиз чўкиб таъзим қилиш, шу кунларга етиб келолмаганларни эслаш барчамиз учун, ҳеч шубҳасиз, ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бугунги кунда дунёда кимки бу уруш ҳақида гапирмасин, одамзод бошига оғир жудолик ва қийинчиликлар, мусибат ва азоб-уқубатлар солган бу қирғин ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги энг қонли ва даҳшатли фожиа бўлганини тасдиқлайди. Бизнинг юртимизда ҳам бирорта инсон, оила

йўқки, бу қирғиннинг жабрини тортмаган бўлса ёки уни кўзда ёш билан эсламаса. Бугун ана шундай изтироб юртимизда яшаётган ҳар қайси одамнинг хаёлидан такрор ва такрор ўтади.

Қисқача айтганда, фашизм устидан қозонилган ғалаба халқимиз учун чиндан ҳам жуда катта машаққат эвазига қўлга киритилганини ва нақадар қимматга тушганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, уруш келтирган йўқотиш ва айриликлар, фарзанди, турмуш ўртоғи, ака-укалари урушга кетиб, қайтиб келмаган минг-минглаб оналар, бева қолган ёш-ёш аёллар, опа-сингилларимизнинг мотамсаро бўлиб, бутун умр ўз жигарбандлари, болалари, яқинларини эслаб, уларнинг йўлига интизор бўлиб яшагани, ўйлайманки, ҳозир ҳам ҳаммамизнинг кўнглимизни безовта қилиши табиий, албатта. Чунки бу фақат хотира эмас, афсус-надоматли, аламли бир кечинмадир.

Биз Ғалаба кунини, бир томондан, катта гурур ва хурсандчилик билан нишонлаймиз, иккинчи томондан эса, журналистларимиз жуда тўғри айтганидек, кўзда ёш билан кутиб оламиз. Бу фикр, бу сўзларни ҳеч ким эсидан чиқармаслиги керак. Мана шундай байрам кунларида бу ғалаба билан биз бутун халқимизни табриклаймиз. Бу албатта хурсандчилик, нега деганда, ўзингиз

ўйланг, бунинг тескариси бўлганида нима бўларди? Бу фашизмга таслим бўлиш, қуллик ва хўрлик остида яшаш, оқибатини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган мудҳиш бир қисмат, фожиа бўларди. Бу галабанинг маъно-мазмунини шундай тушуниб, унинг аҳамиятига шундай баҳо берар эканмиз, бу йўлда юз минглаб ёш, навқирон юртдошларимиз жон олиб, жон бергани, ўйлайманки, ҳеч қачон халқимизнинг хотирасидан ўчмайди.

Шу борада баъзи рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, урушдан олдин мамлакатимиз аҳолисининг сони 6,5 миллионга яқин бўлган бўлса, унинг 1,5 миллиони урушда қатнашиб, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган. Бошқача айтганда, уруш бошланиши билан Ўзбекистоннинг барча мард ўғлонлари фашизмга қарши курашга отланган, юртимизда қурол кўтаришга қодир бўлган ҳар қайси одам шу урушда қатнашган.

Ана шу жасур ва фидойи ота-боболаримиз, акаларимиз она юртимизни ёвуз душмандан ҳимоя қилди ва керак бўлса, ўзбек халқи, ўзбек ўғлони нималарга қодир эканини амалда яна бир бор намоён этди, десак, тўғри бўлади.

Мана шу қонли урушда қатнашиб, жанг майдонларида ҳалок бўлган ватандошларимиз ҳақида

гапириш, албатта, жуда оғир. Ярим миллионга яқин одам жангу жадалларда қурбон бўлиб, ўз уйига қайтмади.

Бу рақамларни айтиш осон. Афсуски, вақт ўтгани сайин баъзи одамлар бунга жуда содда, оддий кўз билан қарайди. Мен ўйлайманки, урушда қурбон бўлган ҳар битта жон, ҳар бир ҳалок бўлган инсон – бу мислсиз йўқотиш, катта мусибат. Агар уларнинг ҳар бирини орқасида оиласи, ота-онаси, севган ёри, мурғак болалари бўзлаб қолганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу қанча-қанча инсонларнинг, керак бўлса, бутун эл-юртнинг фожиасига айланганини сезиш, ҳис этиш қийин эмас.

Мен бу воқеаларни болалик пайтимда ўз кўзим билан кўрганман, мудҳиш қорахатлар келганида шаҳар ва қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда, юртимизда яшаётган ҳар бир одам учун бу катта мотамга айланганига гувоҳ бўлганман.

Буларнинг барчасини, ўзига яқин инсонини йўқотиш нақадар оғир мусибат эканини қалбидан, юрагидан ўтказган кишигина ўша пайтдаги умумхалқ қайғусини, қандай мудҳиш фожиани бошимиздан кечирганимизни тасаввур қила олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мен бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: фақатгина рақамларнинг ўзи билан урушнинг даҳшатини

ҳам, Ғалабанинг моҳиятини ҳам тўлиқ тушунтириб бўлмайди. Лекин ҳар қайси оила, авваламбор, ҳар қайси она учун фарзандидан айрилиш ҳақиқатан ҳам шундай бир тенгсиз жудоликки, бу умрбод битмас жароҳат бўлиб қолади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Шу борада яна бир фикрни айтиб ўтиш керакки, уруш йилларида фронт ортида меҳнат қилган юртошларимиз учун ҳам осон бўлмаган. Кўпчилик ёшларимиз балки бундан унчалик хабардор эмасдир. Нега деганда, биз бу ҳақда, афсуски, кўп гапирмаймиз. Уруш пайтида собиқ Иттифоқнинг ғарбий ўлкаларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда ким меҳнат қилган, деб ўзимизга бир савол бериб кўрайлик. Мана, мисол учун, Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари заводи бўладими ёки «Ил» самолётларини ишлаб чиқарган авиация бирлашмаси бўладими, уларнинг барчасида ўша пайтда қарияларимиз, аёлларимиз, болалар ва ўсмирлар ишлаган. Мен бу заводларнинг тарихини яхши биламан, уларда шундай қаттиқ тартиб ўрнатилганки, агар кимдаким ишга 5 дақиқа кеч келадиган бўлса, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 10 дақиқа кечикканга 10 йиллик жазо тайинланган. Мана шундай ниҳоятда огир бир вазиятда баъзи одамлар цехларнинг ўзида ётиб-туриб, шу ернинг ўзида кечаю

кундуз ишлашга мажбур бўлган. Бундай тартибда ишлаш инсон учун қанчалик машаққат эканини ҳозирги ёшларга журналистларимиз аниқ мисоллар билан шарҳлаб, тушунтириб берса, фойдадан холи бўлмайди.

Тасаввур қиласизми, ўша заводларда ишлаган одамлар ўртасида «Бундан кўра мени ҳарбий хизматга юборинглар, фронтга бориб жангга кирай», деганлар ҳам кам бўлмаган. Бундай ҳолатларни ўз кўзи билан кўрган ва бугун яхши эслайдиган одамлар ҳам бор.

Яна бир муҳим фикр шуки, Ўзбекистон уруш йилларида СССРнинг гарбий ҳудудларидан, фашистлар Германияси босиб олган ерлардан кўчирилган минг-минглаб одамларни қабул қилган, эл-юртимиз уларга ўз уйидан жой берган, нафақат бошпана берган, ўз қалбини очиб, меҳр-мурувват кўрсатган. Ўзбек халқининг жабрдийда одамларга бошпана бергани, уларга кўрсатган чексиз меҳр-оқибати, одамийлиги, инсонийлигини унутишга ҳеч кимнинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Мен буни ҳар қадамда такрор ва такрор айтишга тайёрман. Нега деганда, 1 миллиондан ортиқ одамга, аёллар, кекса ва ногирон кишиларга, етим болаларга бошпана бериш, нафақат бошпана бериш, ўзига етишмаган, ўзи муҳтож бўлган бир бурда нонни улар билан бирга баҳам кўриш — бу

оддий ва осон иш эмас. Бу ҳамманинг ҳам кўлидан келмайди.

Халқимиз ўртасида «Сен етим эмассан!» деган ибора айни шу йилларда пайдо бўлди. Буни бутун ўзбек халқи яхши билади, десак, тўғри бўлади. Эл-юртимиз ана шундай оғир ва мусибатли дамларда ўзининг меҳр-мурувватини, юксак инсоний фазилатларини намойиш этиб, ҳаёт синовидан ёруғ юз билан ўтгани ҳар қандай таҳсинга муносибдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўша пайтларда юртимизда бирорта одам, бирорта хонадон бунга қарши чиққани йўқ. Бирорта одам, биз нега уларга уйимиздан жой беришимиз, уларни боқишимиз керак, эй бу қандай адолатсизлик, деб гапиргани йўқ. Ёки ичида, юрагида уларга қарши бир оғиз сўз айтгани йўқ. Буни ҳатто ҳаёлига ҳам келтиргани йўқ. Масалан, ўша пайтда бизнинг оиламиз ҳам Белоруссия ва Украинадан эвакуация қилинган одамларни қабул қилган. Уйимизни уларга бўшатиб бериб, ўзимиз қандай қийналиб яшаганимизни мен яхши биламан. Ўша вақтда мен эсимни таниган бола эдим.

Бугун айрим мамлакатларда ғалабага биз жуда катта ҳисса қўшганмиз, деб мақтаниб юрганлар ҳам топилади. Мана, 9 май арафасида МДХ мамлакатлари раҳбарлари учрашувида ҳам шундай

ҳолат кўзга ташланди. Бу учрашувда айтилган гаплар балки Интернетда чиққандир, ўқисангиз бўлади. Баъзи мамлакатларнинг раҳбарлари кимгадир ёқиш, хушомадгўйлик қилиш учун 9 май байрамини, албатта, Москвада ўтказиш керак, деган гапларни ҳам айтди. Мен бу ҳақда гапиришни ҳам истамайман. Биз бу борада ўз вақтида энг тўғри жавобимизни бердик ва бизнинг фикримизни кўпчилик эшитди. Кимгадир малай бўлиш ўзбек халқига, Ўзбекистон раҳбарига ҳеч қачон ярашмаган ва биз ҳеч қачон, ҳеч кимга бош эгганимиз йўқ. Бу фикрни халқимизга жуда чуқур ва атрофлича етказиш керак.

Ўзбекистон – мустақил давлат. Энди халқимиз ҳеч қачон кимгадир қул бўлишга рози бўлмайди ва кимнингдир буйруғини бажариб юрадиган замонга ҳеч қачон қайтмайди. Озодлик, эркинлик ҳавосидан бир бор тўйиб нафас олган одам ҳеч қачон қулликка кўнмайди, қулликка қайтмайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, қаҳрамонлик ҳақида гапирадиган бўлсак, бизнинг ота-боболаримиз жанг майдонларида мардлик ва матонат кўрсатгани учун Ўзбекистоннинг 338 нафар ўғлони Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, минг-минглаб юртдошларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган. Буларнинг барчаси халқимизнинг фашизмга қарши

курашда кўрсатган жасорати ва ботирлигининг амалий намоёниши деб биламиз.

Шуларни ҳам ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, бизга ақл ўргатмоқчи бўлган, Ғалаба кунини қаерда ўтказишни маслаҳат берадиган одам, ўйлайманки, аввал етти марта ўйлаб, кейин товуш чиқариши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришганига яқинда 24 йил бўлади. Мустақиллик куни – Ватанимиз тарихида, халқимиз ҳаётида абадий муҳрланиб қолган қутлуғ сана. Юртимизда туғилган, энди 5 ёшга тўлган болалар ҳам ҳар қадамда «Мен – Ўзбекистон фуқаросиман!» деб, фахрланиб, ғурурланиб гапиради. Кимки мамлакатимизга келса, бу ҳақиқатнинг тасдиғини ҳар қадамда кўриши мумкин. Лекин бундай даражага эришиш ҳар қайси халқнинг ўзига, унинг раҳбарига ҳавола. Буни тушуниш керак. Тушуниш учун эса одам шундай ғоя билан, яъни мустақиллик ғояси билан, ғурур-ифтихор билан яшаши керак.

Мен ғурур ҳақида кўп гапираман. Негаки, ғурур ва ифтихор билан яшаш ўзликни асраш, бу дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан барчага тенг муносабатда бўлиш деганидир. Бундай ҳаёт тарзига ҳамма ҳам эришавермайди. Ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховатпешалик каби кўплаб чин инсоний фазилатлари қаторида яна шундай

улуғ хусусияти борки, у ҳеч қачон, ҳеч кимнинг олдида бош эгмаган. Буюк аجدодларимизни, Амир Темур бобомизни эсланг, уларнинг ўғитларига кулоқ тутинг. Ҳар қайси одам – у қандай ёшда бўлмасин, қаерда ва қайси лавозимда ишламасин – бошига қандайдир огир иш ёки ташвиш тушганида, мен кимман, қандай буюк зотларнинг авлодиман, деган саволни ўзига берса, тўғри йўлни албатта топади. Бу саволга жавоб тариқасида қалбида беихтиёр ғурур ва ифтихор туйғулари пайдо бўлади. Албатта, биз бой тарихимиз, улуғ аجدодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тарихимиз – битмас-туганмас хазина, биз учун чексиз ғурур манбаи.

Ёшу қари ҳар қайси ватандошимиз яхши англайдики, 9 май санасини юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб номлаганимиз бежиз эмас. Бундан 17 йил олдин бу борада қабул қилган қароримизнинг туб моҳиятини ҳам тарихий илдиэларимиз, хусусиятларимиздан изласак тўғри бўлади. Яъни, халқимиз Ватан учун, юрт учун жонини фидо қилган одамларни ҳеч қачон унутмайди, бу фазилат бизнинг қон-қонимизга, суяк-суягимизга сингиб кетган.

Шу маънода, инсоният тарихидаги энг қонли урушда шунча қурбон берган халқ орқада қолган ўша мудҳиш кунларни, бугунги ёруғ дамлар

учун азиз жонини фидо қилганларни, бу йўлда азоб-уқубат тортган инсонларни асло ёдидан чиқармайди. Шунинг учун биз юртимизда 35 жилддан иборат «Хотира китоби»ни нашр этдик ва халқимизнинг ана шу асл фарзандларининг барчасининг номларини олтин ҳарфлар билан тарихга муҳрлаб қўйдик. Пойтахтимизда ва вилоятларимиз марказларида Хотира майдонларини барпо этдик. Ана шу бешафқат урушда қатнашган бирорта одам ҳам халқимизнинг хотирасидан, эътиборидан четда қолгани йўқ. Уларнинг азиз номлари ҳамма жойда эсга олинади, эзгу ишлари барчага маълум.

Фараз қилинг, агар биз ана шу «Хотира китоби»ни чиқармаганимизда, мана шундай Хотира майдонларини ташкил қилмаганимизда нима бўларди? Ота-онаси, ака-укалари, қариндош-уруғлари урушда ҳалок бўлган, бедарак кетган инсонлар ўз яқинларининг қабрини зиёрат қилиш учун қаёққа борарди?

Масалан, менинг жияним умрбод отасини қидириб ўтди. У отасини умуман кўрмаган. Нега деганда, у 1939 йилнинг охирида туғилган бўлса, ўша йилнинг бошида отаси Фин урушига кетган. Сўнг 1941–1945 йиллардаги урушда қатнашган ва қайтиб келмаган. Ундан ёдгор бўлиб икки-учта хат қолган, холос. Отасини тириклигида бир бор кўрмаган ўғил уни умрбод излади, кўплаб мамла-

катларда бўлди. Лекин, афсуски, унинг қабрини тополмасдан, ўзи ҳам оламдан ўтиб кетди. Бундай аянчли тақдирларни, жабр-ситамларни тасаввур этадиган бўлсак, инсоннинг ҳаёлидан нималар ўтади?

Шу нуқтаи назардан қараб, яна бир бор айтмоқчиман: биз бугун тирик бўлган, орамизда ҳаёт бўлиб юрган уруш қаҳрамонлари олдида бир умр қарздормиз, уларнинг олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Шу билан бирга, уларнинг умрини узайтириш учун нима керак бўлса, ҳаммасини қилишимиз лозим. Халқимиз «Ҳаёт – бу оқар дарё», дейди, яъни ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳаётнинг қонуни шундайки, туғилиш бор экан, ўлим ҳам ҳақ. Бу нарса инсоннинг ихтиёрига боғлиқ эмас. Демокчиманки, бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Лекин Худо одамга бу ҳаётни, бу умрни инсоний бурчини адо этиш учун буюрган. Умр мазмуни қилинган эзгу ишлар ва яхшиликлар билан ўлчанади. Эй инсон, ҳаётинг давомида бу бурчингни қандай бажаряпсан, бу дунёда сендан қандай из қоляпти, деган саволларга биз ҳар куни, ҳар дақиқа жавоб излашимиз, ҳаёлимизнинг бир чеккасида доимо шу масала туриши керак.

«Ҳаёт – оқар дарё» деган иборанинг жуда катта маъноси, тўғрироғи, даъвати бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, урушда қатнашган, бугун ҳаёт

бўлган инсонларнинг сони ҳам камайиб бораётганини катта афсус билан айтишга мажбурмиз. Лекин, начора, оқадиган дарёни тўхтатиб бўлмас экан. Бу аччиқ ҳақиқатни онгли яшайдиган ҳар қайси одам чуқур англаши ва яхшилик қилишга шошилиши керак. Бировга яхшилик қилган одамга, албатта, яхшилик қайтади, ўзига қайтмаса боласига, набираларига қайтади. Бу фикр, бу гоёни айниқса энди катта ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз унутмасдан, умр бўйи бунга амал қилиб яшаса, ҳеч қачон кам бўлмайди.

Шу маънода, 9 май кунига, бу улуғ санага Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимиз бугун мамлакатимизда яшаётган 31 ярим миллион халқимизнинг аجدодларимиз хотираси ва тарих олдидаги ҳам қарзи, ҳам фарзи эди, десак, тўғри бўлади. Айнан шундай: халқимиз эл-юрт тинчлиги ва ободлиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида жон фидо қилганларни асло унутмайди, уларнинг хотирасини қалбида мангу сақлайди, тирик бўлганларни эса эъзозлайди, уларнинг қадрини жойига қўяди.

Бугун узоқ ва яқиндаги хорижий давлатларни кузатадиган бўлсак, уларда ҳам, мана, аста-секинлик билан «хотира» деган сўз ишлатила бошланди. Лекин улар «қадрлаш» деган сўзни эсидан чиқарганга ўхшайди. Демокчиманки, биз-

нинг бу борадаги саъй-ҳаракатимиз, ишларимизни бошқалар ҳам намуна сифатида кўриб, бунинг маъносини англамоқда, мазмун-моҳиятини тушуниб, магзига, томирига етиб бормоқда.

Йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин хотира ва қадрлаш деган ибора халқимиз ҳаётида абадий қолади. Ҳар қайси инсон, халқ, миллат ўзининг тириклиги, барҳаётлигини хотира билан ўлчайди. Барчамиз хотира билан яшаймиз, хотира билан тирикмиз. Хотирасини, ўтмишини эсидан чиқарган инсон, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, ҳайвонга айланади.

Бугун юртимизда кечаги кунни эсламайдиган, аجدодларини, боболарини ёдга олмайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан. Дунё тарихида қудратли салтанат яратган соҳибқирон Амир Темир бобомиз, ўз ақл-заковати, улкан илмий салоҳияти билан жаҳон тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз билан ким фахрланмайди дейсиз? Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда дунёнинг 50 мамлакатидан келган атоқли олимлар бу тарихий меросни бутун инсоният манфаати йўлида биргаликда ўрганиш,

уни тарғибу ташвиқ қилиш, амалий ҳаётда янада кенг қўллаш кераклигини алоҳида таъкидлагани, айтинглари, ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишламайдими?

Биз кўпинча бу борада ҳам камтарлик қиламиз. Лекин менинг тилагим, истагим шуки, бу ҳақда кўпроқ гапириш, меросимизни кўпроқ ва чуқурроқ ўрганиш керак. Буюк аجدодларимизни, ота-боболаримизни эслаш дегани – бу ўзимизга тан бериш деганидир. Мен ана шундай фикрдаман. Ўзимизга тан берадиган бўлсак, авваламбор, биздан олдин ўтган аجدодларимизга тан берайлик. Улар қандай инсонлар эди, қандай ҳаёт кечирган, ўзидан қандай ном қолдирган эди, деган саволлар ҳақида ўйлаш лозим. Шу ўринда доғистонлик машҳур шоир Расул Ҳамзатовнинг бир фикри ёдимга тушди. Яъни, у айтадики, агар сен ўзингдан олдин ўтганларни милтиқ билан отадиган бўлсанг, авлодларинг сени замбаракдан ўққа тутди. Бу гапда ҳақиқатан ҳам чуқур маъно бор.

Шу борада яна бир фикрга эътибор беришингизни истардим. Фашизмга қарши жангга кирган бизнинг ота-боболаримиз қандайдир бир тепалик ёки қайсидир бир «улуғ доҳий» учун жон бермаган. Ўзбек ўғлонлари, авваламбор, ўзи туғилган шаҳар ва қишлоқни, ўз она юртини, ўз яқинларини, меҳрибон отаси ва онаси, севиқли ёри, жондан азиз

фарзандларини кўз олдига келтирган ҳолда беомон жангга кирган, шу муқаддас Ватанимиз учун жонини фидо қилган.

Ҳозир ҳам айрим мамлакатларда «За СССР», «За Сталина» деган гаплар айтилган янги-янги бадий фильмлар намойиш қилиняпти. Бу гаплар, даъватларнинг барчаси ёлғон ва уйдирма гаплар. Бу борада асл ҳақиқат ҳали ҳам юзага чиққани йўқ. Мен ўйлайманки, бу ҳақиқат энди ошкора бўлади. Яқинда Россияда чиқадиган «Комсомольская правда» газетасида бир мақолани ўқидим. Мақола муаллифи, уруш фахрийси бўлган 90 яшар бир отахон: «Мен ҳеч қачон «Сталин учун» деб ҳужумга отилганим йўқ, умримда бундай гапни айтмаганман», деб ёзибди. Бундай фикрлар бошқа мамлакатларда энди-энди ёзиляпти ва ишончим комилки, ҳақиқат албатта қарор топади.

Мен ёвуз душман билан рўбарў бўлиб, даҳшатли жангга кирган аскарларимиз ўша лаҳзаларда нимани ўйлаган, уларнинг хаёлидан қандай фикрлар, кечинмалар ўтган экан, деб ўзимга кўп савол бераман, оғир бўлса-да, уларнинг руҳий ҳолатини, ўй-хаёлларини ўзимга тасаввур этишга ҳаракат қиламан. Ана шунда «Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам, уларни бағримга боссам», деб ўйлаган ўғлонлар

кўз ўнгимда гавдаланади. Мен аминманки, улар айнан шундай ўйлаган, авваламбор, ўз юртини эслаб, азиз инсонларини яна бир марта кўрсам, деб жон берган.

Ота-онаси, фарзанди учун, эл-юрт, она Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр бўлган инсонни ҳақиқий ўғлон дейдилар. Ўғлон деган сўз билан ўғил деган сўзнинг фарқи бор. Ўғлон деган сўзнинг маъноси жуда катта. Яъни, ўғилларнинг энг сарасини, мард йигитларни халқимиз ўғлон дейди. Шу маънода, бугун униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ҳам ўз юртини мана шундай севса, унга фидойи бўлиб яшаса, биз бугун ҳам, келажакда ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, ўз мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, яна бир фикрни такрорлаб айтишни лозим деб биламан. Ҳозир бу ҳақда гапирмасам, ўзимни худдики қалбимда, юрагимда бўлган сўзларни тўлиқ ифода этмагандек ҳис қиламан. Яъни, бугун мана шу буюк санани нишонлаётган юртимиздаги ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон, авваламбор, бу мудҳиш уруш бошқа ҳеч қачон қайтарилмасин, деб ният қилади, бошқа бундай мусибатларни кўрмайлик, деб кўлини фотиҳага очади. Бунга менинг ишончим комил. Бизнинг қарияларимиз қачон дуога қўл очмасин, Яратганимиздан эл-юртимизга

тинчлик ва омонлик, фаровонлик ва равақ сўрайди. Мана шундай ҳаётӣ, ҳикматга тўла гапларни такрорлашдан чарчамайдиган қарияларимиз хонадонларимизнинг файзи ва баракаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Агар кимнинг уйида мана шундай қариялар бўлса, улар – бахтли инсонлардир.

Шу ўринда биз бу табаррук зотлар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимизни истардим. Нега деганда, бу ҳаёт, унинг ҳар куни, ҳар дақиқаси ганимат. Мендан бу сўзнинг замирида қандай маъно бор, деб сўраса агар, келажакда пушаймон бўлмаслик учун бизни асраб-авайлаб вояга етказган кексаларимиз ҳаёт бўлган пайтида уларнинг олдидаги бурчингни бажар, дегани бу, деб жавоб берган бўлардим.

Афсуски, биз кўп ҳолларда ота-оналаримизга, қарияларимизга улар ҳаёт бўлганида қандайдир эътиборсизлик, беписандлик билан қараймиз. Ҳали онамнинг ёнида бўлишга вақт, имконият бўлади, деб ўйлаймиз. Биз осий бандалар ана шундай фикрда бўлиб, ганимат дамларни ўтказиб юборамиз. Бошимиз деворга тақ этиб урилганида эса кеч бўлади. Шу маънода, ота-оналаримиз билан кўпроқ суҳбатлашиш, уларнинг кўнглини кўтариш, маслаҳатини, дуосини олиш – бу бизнинг нафақат бурчимиз, балки, бу биз учун улкан бахт, десак, тўғри бўлади.

Мен бизга, халқимизга аввало нима керак, деган саволни кўп такрорлайман. Бугун ҳам шу сўзларни айтишдан чарчамайман: бизга, халқимизга биринчи навбатда нима керак? Бизга аввало тинчлик керак, омонлик керак. Бу дунёда ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўзининг муқаддас орзу ва ниятларига етиш учун яшайди. Агар ҳар бир оила ўз нияти йўлида бир мушт бўлиб ҳаракат қилса, албатта, унга эришади. Бугун халқимиз ана шундай эзгу ниятлар билан яшайпти. Биз шу йўлда доимо курашишимиз, қолаверса, бу курашнинг амалий томондан янада фойдали бўлишига ҳаракат қилишимиз керак.

Минг афсуски, сўнгги пайтларда дунёда, хусусан, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кўпайиб бормоқда. Эътибор беринг, бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг аъзоси бўлган қудратли давлатлар ўртасидаги зиддиятлар тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳолат эртага қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, деган савол туғилиши табиий, албатта. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 5 та доимий ва 10 та янгиланиб турадиган аъзоси бор. Агар 5 та доимий аъзо келишиб, бир ёқадан бош чиқариб иш кўрмаса, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Ана шу 5 та давлатда вето ҳуқуқи, ўзбекча айтганда, муай-

ян қарорни қабул қилмаслик ҳуқуқи бор. Ветони тақиқ, десак, кўпчилик тушунмаслиги мумкин-у, лекин қабул қилмаслик, деб таърифласак, тўғрироқ бўлади.

Охирги йилларда ушбу давлатлардан биттаси муайян масаланинг ечими, мисол учун, Украинада тинчликка эришиш бўйича бирон-бир таклиф берса, иккинчиси бунга қўшилмасдан, уни рад этмоқда. Агар БМТда ишлар шу тахлит давом этадиган бўлса, эртага дунёдаги вазият қандай бўлади?

Дунёда бутун инсониятнинг бошини қовуштирадиган, юзага келган турли можаро вазидиятларни ҳал қиладиган халқаро тузилма фақат ва фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлиши зарур. Бир вақтлар Миллатлар Лигаси деган халқаро ташкилот бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг унинг негизида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилган. Лекин бугунги кунда БМТ томонидан қабул қилинаётган қарорларга унинг аъзолари итоат қилмаса, ҳамма фақат ўз манфаатини ўйласа, бу ҳолат охир-оқибатда мазкур ташкилотнинг обрўсизланишига олиб келмайдими?

Мана, кўряпмиз, дунёда турли салбий жараёнлар кузатилмоқда, хавф-хатарлар кучайиб бормоқда. Ана шундай вазиятда бу нуфузли ташкилот ўз кучи – имкониятларини ишга солиб, маҳкам

туриб бу воқеаларга ўз таъсирини ўтказиши, бири-бирига яқин дўст, керак бўлса, қариндош бўлган миллатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишда ўз ўрни ва таъсирини кучайтириши даркор.

Шуларнинг барчасини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада Ўзбекистоннинг сиёсати аниқ ва равшан. Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири – қўшни давлатлар, бизга узоқ ва яқин бўлган мамлакатлар билан тил топишиб яшаш, ҳамкорликни ривожлантириш. Бу дунёда уруш ўрнига ҳамкорлик, ҳамкорлик, яна бир бор ҳамкорлик ҳукм суриши керак.

Иккинчидан, биз ҳар қандай тўқнашув ва можарони фақат тинчлик йўли билан ечиш, фақат сиёсий музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз. Шундагина турли уруш ва тўқнашувларнинг олдини олиш, энди учқунланаётган зиддият ва можароларни ўз вақтида бартараф этиш мумкин.

Учинчи масала – Ўзбекистон ҳеч қандай сиёсий-ҳарбий блокларга қўшилмайди. Бу – бизнинг шиоримиз, десак, хато бўлмайди. Биз кимнингдир манфаати учун йигитларимизни чет мамлакатларга юбормаймиз. Қаердадир тинчлик ўрнатиш баҳонасида сохта обрў топмоқчи бўлган баъзи бир «доҳий»ларнинг хатти-ҳаракатлари

орқасидан болаларимиз ҳалок бўлишига асло йўл қўймаймиз.

Тўртинчидан, биз ўз она тупроғимизда, мамлакатимиз ҳудудида чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришга ҳеч қачон рухсат бермаймиз.

Энг муҳими, ўзбек аскарларининг чет эллардаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашишига ҳукуматимиз, Президент ҳеч қачон йўл қўймаслиги керак. Бу масала фақат менга, давлат раҳбарига тегишли эмас. Вақти келиб, менинг ўрнимга келадиган одам ҳам шу фикрни қулоғига кўрғошиндек қуйиб олиши шарт. Фақат ўз Ватанимизни ҳимоя қилиш, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш Президент учун ҳам, ҳарбий хизматчилар учун ҳам, ҳар қайси юртдошимиз учун ҳам муқаддас вазифа, шу билан бирга, инсоний бурчдир.

Мамлакатимизда яқинда бўлиб ўтган Президент сайлови олдидан вилоятларда, сайловчилар билан учрашувлар пайтида одамлар билан бу ҳақда кўп фикр алмашдик. Ҳар қайси раҳбар зиммасига қандай масъулиятни, вазифани олаётганини билиши, чуқур ҳис қилиши керак. Давлатнинг бўлғуси раҳбари 31 миллиондан зиёд халқнинг — насиб этса, аҳолимиз сони келгусида бундан ҳам кўпаяди — бутун эл-юртнинг тақдири,

аввало, унга боғлиқ эканини чуқур англаши зарур.

Бу вазифага интилан одам, авваламбор, мен мамлакатга раҳбарлик қилишга қодирманми ёки йўқми, бунинг учун менинг ақл-заковатим, билим ва тажрибам, салоҳиятим етарлими, деб ўзига савол бериши керак.

Хулоса шуки, агар сен одамларни севмасанг, халқингни, сенга ишонч билдирган одамларни юрагингга яқин олмасанг, Президент бўлишга ҳақинг йўқ.

Мен фақат Ўзбекистон эмас, бошқа давлатлар ҳақида гапирганда ҳам шу фикрларни эсдан чиқармаслик кераклигини айтмоқчиман. Нега деганда, Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб бу дунёда бир ўзи яшамайди, ёлғиз бир ўзи ҳеч қачон ривожланмайди. Шундай экан, Ўзбекистоннинг атрофида қандай давлатлар, халқлар яшаётгани, уларнинг ҳам хоҳиши, керак бўлса, дунёқараши, орзу-интилишлари борлигини ҳисобга олишимиз лозим. Шундагина бизнинг бетакрор юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз манфаати, унинг эртанги тақдирига дахлдор бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишда етти ўлчаб, бир кесишимиз зарур.

Мен Оллоҳнинг ўзи инсонни бахт учун яратган, деб кўп гапираман. Яратганимиз инсонга ҳаёт ато этибдими, қолгани кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ.

Мана, эътибор беринг, биз ҳақиқатан ҳам қандай гўзал бир юртда яшаяпмиз. Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто, энг чекка жойларида ҳам катта-катта ўзгаришлар бўляпти. Мисол учун, азим пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида амалга оширилаётган ишларни кўз олдингизга келтиринг. Энди бу ҳудудни Эски шаҳар деган ном билан аташнинг ўзи ҳақиқатга тўғри келмай қолмоқда.

Яқинда мен Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан учрашиб, мулоқот қилганимда ҳам шу фикрни айтдим. Яъни, одамлар илгари қийналиб яшаган эски уйлар ўрнида замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган муҳташам уй-жойларни барпо этияпмиз. Бу ишларни охирига етказиш учун бизга яна 6–7 йил муддат керак бўлади.

Мухтасар айтганда, озод ва обод юртда яшайдиган, янгича фикрлайдиган одамларнинг уйлари ҳам, уларнинг ҳаёти, турмуши ҳам гўзал ва фаровон бўлиши керак.

Яқинда газеталаримизда бир яхши хабар эълон қилинди, лекин, афсуски, бу мавзу оммавий ахборот воситаларимизда етарли даражада кенг ёри-

тилмади. Яъни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети олимлари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилди ва унинг натижалари матбуотда эълон қилинди. Ана шу тадқиқот натижасига кўра, Ўзбекистонимиз 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Бизнинг жаҳон миқёсида ана шундай натижага эришишга, шундай юксак маррага кўтарилишга қурбимиз етгани, мустақиллик йилларида мамлакатимиз нақадар улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганини, қандай эзгу мақсадларни рўёбга чиқараётганимизни яққол кўрсатади.

Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги йилларда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, 8 фоиздан кам бўлмасдан ўсаётгани ҳам шунинг далилидир.

Бошқалар ҳавас қилаётган бундай кўрсаткичларга эришиш осон бўлгани йўқ. Бунинг учун биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб чуқур тайёргарлик кўрганмиз. Биз олдимизга аниқ мақсадлар қўйганмиз. Шу мақсад йўлида бугун эришаётган натижаларимиз дунё аҳлини ҳайратда қолдираётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳеч бир ишда шошилмасдан, айти пайтда сусткашликка йўл қўймасдан, фақат ва фақат

Ўзимизнинг кучимизга ишониб, таяниб яшашимиз керак. Ана шунда биз, албатта, ўз мурод-мақсадимизга етамиз.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу замин оддий юрт эмас, Оллоҳнинг назари тушган юрт. Фақат барчамиз эрталаб пок бўлиб, Яратганимиздан сўрашимиз керак. Эл-юртимизни ўз паноҳида қандай асраб келаётган бўлса, бундан кейин ҳам марҳаматини биздан дариғ тутмасин, энг муҳими, йўлимизни доимо очиб берсин, барча ютуқларимизда ўзи мададкор бўлсин!

*Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан оммавий ахборот
воситалари учун берилган интервью.
2015 йил 9 май*

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юрти-миздаги барча муштарийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан мамнунман.

Барчамизга яхши маълум, бугунги ҳаётимизни сизларнинг мураккаб ва масъулиятли фаолиятингиздан, оммавий ахборот воситаларидан айри ҳолда асло тасаввур этиб бўлмайди.

Сизларнинг машаққатли меҳнат маҳсулингизни миллионлаб одамлар қаерда бўлмасин, доимо катта қизиқиш ва эътибор билан кутади. Дунёда кечаётган турли-туман воқеа ва жараёнлар ҳақида сизлар етказадиган тезкор ва холис ахборотнинг, ҳаётий муаммолар, кундалик ташвишлар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист аҳли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти ва салмоғи ҳозирги замонда тобора ортиб бормокда.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,

ҳам жонлариға мойи дармон бўлғил» деган ҳикматли сўзлари аввало сизлар каби заҳматкаш ва фидойи инсонлар шаънига айтилган, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, сизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш йўлида қилаётган эзгу хизматларингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Мухтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечими ўта оғир ва мураккаб бўлган турли-турли муаммоларни туғдираётган XXI асрда яшаётганимизни ҳеч эсимиздан чиқармаслигимизни истардим.

Шулар қаторида, авваламбор, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четида зудлик билан акс садо бераётган бир пайтда, бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият, ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни мукаммал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, профессионал малакамизни ошириш учун ўз устимизда мунтазам ишлашни талаб қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарур – ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай кўп қиррали шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкинлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз аҳолисини, замондошларимизнинг ҳаёти ва дунёқарашини кечаги – 90-йиллардаги одамларнинг ҳаёти ва дунёқараши билан солиштирадиган бўлсак, ўртада ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, бугун биз яшаётган янги давр, янгича ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдиға тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимизнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларға жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шуларнинг барчасини инобатға олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида амалга оширган ишларимиз ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Мен бу борада фақатгина баъзи бир мисолларга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан.

Сўнгги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонунлар қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охириги 7 йилда соҳа ривожини учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқни ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшилангани бизнинг бу борада қандай катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзида веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузатгич мосламалари ўрнатилади ва шу тариқа барча ҳудудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айни пайтда миллий теледастурларимиз сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги сер-

мазмун ҳаёти билан таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани бунинг амалий тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!

Бугунги хурсандчилик кунда матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олдимизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажак истиқболлари хусусида фикр юритишимиз албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган даъват авваламбор ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунасиз.

Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдек улкан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томонлама қодир бўлишини бундай юксак марра-

га эришишнинг асосий шарти ва гарови сифатида кўрамиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз халқаро медиа маконида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Шу борада кейинги пайтда бир қатор ривожланган давлатлар, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялардан малакали мутахассис ва журналистлар юртимизга таклиф қилиниб, улар иштирокида матбуот ходимлари учун ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Бу тажрибанинг кенг қўлланиши туфайли ўтган йилнинг ўзида 650 дан ортиқ матбуот ходимларимиз ўз малакаси ва маҳоратини оширишга эришганини, шу билан бирга, кўплаб ўзбек журналистлари ҳам хорижий давлатларга бориб, тажриба алмашиб келганини қайд этиш лозим. Келгусида ҳам бундай самарали ижодий алоқаларни давом эттириш оммавий ахборот воситаларимиз ривожига янги туртки бериши шубҳасиз.

Журналист кадрларнинг янги авлодини, ўз касбининг устаси бўлган етук таҳлилчи ва шарҳловчиларни тайёрлаш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг замонавий янги биноси қуриб фойдаланишга топ-

ширилганини таъкидлаш керак. Ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини, ижодий маҳорат сирларини пухта эгаллаш учун барча зарур моддий-техник база ва инфратузилма тармоқларига эга бўлган ушбу олий ўқув маскани мамлакатимиз журналистларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши билан айниқса аҳамиятлидир.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳаммамизга аёнки, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга келади. Лекин бахт дегани фақат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзуларга берилиб яшашни англатмайди. Бахт – бу, менинг назаримда, аввало тинч-осойишта ҳаёт, оила, эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршисида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз асрлар давомида одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби эзгу фазилатларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, неча-неча авлодларга безавол етказиб келаётгани тарихимиздан яхши маълум.

Эл-юртимизни минг йиллар оша турли тўфон ва бўронлардан омон сақлаб, барчамизга куч-қудрат бағишлаб келаётган, ҳаётимизни ҳар томонлама юксалтирадиган бундай олижаноб қадриятлар,

ўйлайманки, оммавий ахборот воситаларимиз учун ҳеч қачон аҳамиятини, қадрини йўқотмайдиган бош мавзулар бўлиб қолади. **Чунки маънавиятни асраш – аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир.** Маънавий дунёмизга қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда бу ўткир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча биров орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганмиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бугунги кунда бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказсак, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсак, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласак, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажак бизникидир.

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этишда жамиятимиз, барчамиз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессио-

нал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таяна-
намиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адо-
лат ва эзгулик йўлида ҳамиша ўзини аямасдан
меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен
доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёр-
дам ва кўмак беришга тайёр эканимни, сизларни
ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслақдошларим
деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги кутлуғ айёмда сизларни касб байра-
мингиз билан самимий муборакбод этиб, барчан-
гизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий ка-
молот тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2015 йил 26 июнь*

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ. <i>2014 йил 31 август</i>	3
ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ. <i>2014 йил 12 сентябрь</i> ...	15
ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА. <i>2014 йил 30 сентябрь</i>	21
БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ. <i>2014 йил 2 октябрь</i>	28
МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ. <i>2014 йил 13 октябрь</i>	48
ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА. <i>2014 йил 24 октябрь</i>	56

«ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ТАБРИК СЎЗИ. <i>2014 йил 29 октябрь</i>	64
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА. <i>2014 йил 6 ноябрь</i>	73
ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚ. <i>2014 йил 28 ноябрь</i>	81
ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА. <i>2014 йил 28 ноябрь</i>	97
МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗДИР. <i>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2014 йил 5 декабрь</i>	101
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ. <i>2014 йил 31 декабрь</i>	148
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚ. <i>2015 йил 12 январь</i>	157

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА
БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2015 йил 13 январь172

2015 йилда ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ТУБ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ,
МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ
ҲИСОБИДАН ХУСУСИЙ МУЛК ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИШ –
УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР. Мамлакатимизни
2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий
дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига
бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги
маъруза, 2015 йил 16 январь181

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ.
2015 йил 22 январь232

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ
ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗА.
2015 йил 23 январь240

БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН,
ДЕМОКРАТИК ҲАЁТ ҚУРИШ. Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-
демократик партиясининг VII съездидаги маъруза,
2015 йил 6 февраль265

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ
САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ299

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ.
2015 йил 6 март330

НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ.
2015 йил 21 март338

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС
ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ
НУТҚ. *2015 йил 10 апрель*343

ИНСОН, ХАЛҚ ВА МИЛЛАТ ХОТИРА БИЛАН ТИРИК
ВА БАРҲАЁТДИР. *Хотира ва қадрлаш кун*
муносабати билан оммавий ахборот воситалари
учун берилган интервью, 2015 йил 9 май366

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИГА. *2015 йил 26 июнь*392

Расмий нашр

Ислом Абдуганиевич Каримов

**ЭРИШГАН МАРРАЛАР БИЛАН
ЧЕГАРАЛАНМАСДАН, БОШЛАГАН
ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНГИ
БОСҚИЧГА КЎТАРИШ –
БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ
ДОЛЗАРБ ВАЗИФАМИЗДИР**

23-жилд

Нашр учун масъул *Г. Азизова*
Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*
Техник муҳаррир *Т. Харитонов*
Кичик муҳаррир *Х. Холматова*
Мусахҳих *М. Ишонхонова*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.
Босишга 2015 йил 23 сентябрда рухсат этилди.
Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. Офсет қоғози.
«Таймс» гарнитурда офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 21,42. Нашр табоғи 16,24.
Адади 5000 нусха (1-запод). Буюртма №15-595.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-84-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Каримов, Ислон Абдуғаниевич.

К 25 Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган
ислохотларимизни янги боскичга кўтариш – бугунги кун-
даги энг долзарб вазифамиздир. 23-жилд/И.А. Каримов. –
Т.: «Ўзбекистон», 2015. – 408 б.

ISBN 978-9943-28-360-2

УЎК: 323(575.1)

КБК 66.3(5Ў)